




32973700  
7-10

Эшкабилов С.Л.

# Интернет- ахборот қидируди



All the best search engines, joined into one.



“Фан”


32 973,202  
3-99.  
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

С. Эшкабилов

## “Интернет – ахборот қидируви”

### Ўқув қўлланма

Узбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
Тошкент 2006



УДК 681.3

С.Л. Эшкабилов. Интернет–ахборот қидибуви /Масъул мұхаррирлар: Т.С.Нусратов, А М Хундибаев/ Т.. ТАЙИ босмахонаси, 2006 - 113 бет.

Ушбу құлланмада Интернет ва унинг ривожланиши, Интернеттә ахборот қидибуви усуллари ва машиналари, Internet Explorer Броузерида ишлаш, электрон алоқа (E-mail) ёрдамида хат алмашиш, шахсий компьютерларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари ҳақидаги маълумотлар көлтирилганд. Бундан ташкәри китобда фойдалы веб-ресурслар ва ўз–ўзини текшириш саволлари ҳам жамланған. Материал ўзлаштирилишини осонлаштириш мақсадида фойдаланувчи бажарадиган амаллар қадамма–қадам пайдо бўладиган иш ва мулақот дарчаларини шархлаш тарзида баён этилган.

Китоб олий үкүв юртлари педагоглари ва талабалари ҳамда барча Интернет фойдаланувчилари учун мұлжалланған.

Масъул мұхаррирлар:

Т С. Нусратов – т ф.д., профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси «Замонавий информацион технологиялар» Илмий-техник маркази бўлим мудири;

А.М. Хундибаев – т.ф.н., «Компьютер-Осиё» Илмий–техника парки директори.

Тақризчилар:

М.А. Рахматуллаев - т ф.д. профессор, Ўзбекистон Кутубхоналар Ассоциацияси ижрочи директори

А.А. Шермухаммедов - т.ф.д., профессор, Тошкент автомобил йуллар институти илмий ишлар бўйича проректори

*Кўшимча маълумот: Ушбу китобга Internet Explorer Броузеридан фойдаланиши ва Интернеттә ишлаш бўйича овозли ўргатувчи құлланма ёзилган компакт диск илова қилиниши мумкин.*

© Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти,  
2006 йил

ISBN 978-9943-09-022-4

## Мундарижа

Кириш	4
1-Боб. Умумий түшүнчалар	5
Интернет нима?	5
Интернетдан кимлар фойдаланади?	5
Интернет қандай суръатлар билан ривожланмоқда?	6
Интернет хизматларига нималар киради?	9
Интернеттинг қисқача ривожланиш тарихи	9
Интернеттә қандай қилиб уланиш мүмкін?	10
World Wide Web қандай ишлайды?	10
<b>2-Боб. Интернет қандай қилиб дүнёга ўз таъсирини күрсатмоқда?</b>	<b>12</b>
Алоқа тармоги	12
Бизнес ва реклама	12
Веб-камералар	13
Электрон нашрлар	13
Үқитиш ва үрганиш	14
<b>3-Боб. Интернет Explorer билан ишлаш</b>	<b>15</b>
3.1. Интернет Explorer билан танишув	15
3.2. Веб-манзиллар билан ишлаш	28
3.3. Веб-сайт ва саҳифалар орасида ҳаракатланиш	29
3.4. Избранное менюси билан ишлаш	31
3.5. Ссылки менюси билан ишлаш	33
3.6. Интернет Explorer Броузерининг күшимча қулайликлари	34
3.7. Интернет Explorer Броузерини созлаш	37
3.8. Веб-саҳифани чоп этиш	48
3.9. Интернет Explorerгеда ёрдамни чақириш	49
<b>4-Боб. Интернетта ахборот қидирудини амалга ошириш</b>	<b>51</b>
4.1. Маълумот қидиришда вараждан фойдаланиш	51
4.2. Интернетда қидирудини амалга ошириш усуллари	51
4.3. Интернетда ахборот қидириш бўйича бъязи маслаҳатлар	55
4.4. Қидируд моторларидан фойдаланиш	56
4.5. Қидируд моторларининг таҳлили	59
4.6. Кайси қидируд моторидан фойдаланган маъқул?	61
4.7. Қидируд дарчалари	62
<b>5-Боб. Интернетда ахборот қидируди. Маълумотни сақлаш ва юклаш</b>	<b>66</b>
<b>6-Боб. Интернет манбаларга ҳавола қилиш услублари</b>	<b>68</b>
<b>7-Боб. E-mail - энг қулаг алоқа воситаси сифатида</b>	<b>73</b>
<b>8-Боб. Хавфсизлик ва маҳфийлик</b>	<b>76</b>
8.1. Virus, Spyware, Spam, Adware, Malware ва Phishing түшүнчалари	76
8.2. Хавфсизлик ва маҳфийликни таъминлаш йуллари	78
8.3. Интернетда аҳлоқ нормалари	79
<b>Хуласа</b>	<b>80</b>
<b>1-Илова. Internet Explorer Броузери дарчасининг таркибий қисмлари</b>	<b>82</b>
<b>2-Илова. Тезкор клавиатура тұғмалари</b>	<b>83</b>
<b>3-Илова. Ахборот қидируди стратегиялари</b>	<b>84</b>
<b>4-Илова. Интернет иборалари</b>	<b>89</b>
<b>5-Илова. Интернет, Ахборот қидируди курси бўйича тест саволлари</b>	<b>98</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b>	<b>105</b>

## **Кириш**

Мутахассисларнинг таҳдилларига қараганда ўтган асрнинг охирги чорагида эришилган энг катта технологик ютуқ, албатта, тибиёт соҳасини ҳисобга олмагандан, шубҳасиз, жамият ривожланишига улкан ҳисса қўшиб келаётган Интернетдир.

Ушбу қўлланма Интернетдан фойдаланишини бошлаш истагида бўлган ва унда ишлаб маълум қийинчилликларга дуч келаётган инсонларга мўлжалланган бўлиб, Интернет ҳақидаги умумий тушунчалар, унинг ривожланиши, Интернет Броузерини (Browsegini) созлаш усуллари ва унинг асбобларидан фойдаланиш, Интернетда қидиувни амалга ошириш, World Wide Web оламида ишлаш жараёнида хавфсизликни таъминлаш ҳамда Интернетда мулоқот қилиш усуллари бўйича маълумотларни ўзида жамланган. Қўлланмани ўкиш жараёнида фойдаланувчининг эътиборини «эслатма» тортиши табиий. Ундаги маълумот амалиётда жуда кўл келадиган маслаҳатлардир.

Ушбу қўлланма 8 бобдан иборат. Булар қўйидагилар:

**I-Боб.** "Умумий тушунчалар". Бу бобда Интернет технологияси ҳақидаги умумий тушунчалар берилган.

**2-Боб.** "Интернет қандай қилиб дунёга ўз таъсирини кўрсатмоқда?". Интернет технологияларининг илм-фан ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларидаги тадбиги мисоллари ва World Wide Web фойдаланувчилари ҳақида умумий статистика маълумотлари келтирилган.

**3-Боб.** "Интернет Explorer билан ишлаш". Ушбу бобда Интернет Explorer Броузеридан фойдаланиш ва уни созлаш усуллари баён этилган.

**4-Боб.** "Интернетда маълумотлар қидиувини амалга ошириш". Бу бобда Интернетдан керакли маълумотни тез қидириб топиш учун фойдали бўлган қидириш техникалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**5-Боб.** "Интернет Explorer ёрдамида ахборот қидиуви, Маълумотларни сақлаш ва юклаш". Бу бобда Интернет Explorerдан фойдаланиб ахборот қидириш ва топилган ахборотларни компььютерларда сақлаш ва керакли пайтда қайта юклаш усуллари ёритилган.

**6-Боб.** "Интернет манбаларини фойдаланилган адабиётлар таркибиға киритиш услублари". Columbia University (Нью Йорк, АҚШ) томонидан таклиф қилинган веб-ресурсларни фойдаланилган адабиётлар рўйхатига қўшиш услублари келтирилган.

**7-Боб.** "E-mail - Интернет технологияларининг энг қулай алоқа воситаси сифатида". Ушбу бобда Интернетда хат ёзиш ҳамда веб-электрон алоқа ҳақидаги сўз боради.

**8-Боб.** "Хавфсизлик ва махфийлик". Бобда номақбул дастурлар турлари ва Интернетдан фойдаланиш этикаси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Санаб ўтилган бобларга қўшимча сифатида қўлланма якунида Сизнинг эътиборингизга ахборот қидиришда кўл келадиган асбоблар, Интернет технологияси библиографияси ҳақида маълумотлар ҳамда ўз билимингизни текшириб қўриш учун тест-саволлар тақдим этилган.

Ушбу ўқув қўлланма Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастури JEP 24167-2003 ўзаро Европа ҳамкорлиги лойиҳаси доирасида яратилди.


*Интернетни забт этишингизда Сизга ОМАД.*

Муаллиф – т.ф.н. Сулаймон Эшкабилов.  
Email: sulaymon@center-it.net

# I-БОБ. Умумий тушунчалар

## Интернет нима?

World Wide Web – Интернет ҳозирги кунгача яратилган энг қулай алоқа ва улкан тадқиқотлар (маълумот қидириш ва топиш) ўтказиш воситасидир. Интернетни дунё бўйлаб бир-бiri билан IP (Интернет Протоколи) орқали ўзаро уланган компьютер тармоқлари мажмуаси сифатида билиш мумкин. Ҳозирги кунга келиб Интернетга уланган компьютерларнинг умумий сони 100 миллиондан ошиб кетди. Интернетнинг яратилишига асос АҚШ Мудофаа Вазирлигининг Тадқиқотлар Агентлиги (US Defense Department's Advanced Research Projects Agency (ARPA)) пойиҳаси бўлиб, унинг мақсади бир-бiri билан ўзаро боғланган тармоқлар мажмуасини яратишдан иборат эди. Бунда шу тармоқдаги бирон-бир бўғин ишдан чиқсан ҳолда ҳам қолганлари тулиқ иш фаолиятида бўлишини таъминлаш керак бўлган. Мана, ҳозирги кунда Интернет шундай талабларга тулиқ жавоб берадиган компьютер тармоқлари мажмуасидан ташкил топган.



1.1 - расм. Интернетнинг виртуал кўриниши.

## ИНТЕРНЕТдан кимлар фойдаланади?

Турли хил хизматларни бажарувчи ва ҳар қандай меҳнат фаолиятида бўлган кишилар Интернетдан турли-туман мақсадларда фойдаланишида, хусусан: ахборот алмашиб ва мулоқот қилиш, керакли маълумотларни қидириш, ўз маҳсулотлари ва хизматларини оммага тақлиф қилиш, илмий изланишилар олиб бориш, илм олиш мақсадида ва ҳ.к. Интернет фойдаланувчилари - бу ахборот технология (AT) соҳаси мутахассисларидан тортиб, то шифкор, ўқитувчи, мактаб ўкувчилари, ҳаттоқи бояча ёшидаги болалар, нафақаҳўрлар, ҳарбийлар, ҳукук-

тартибот органи вакиллари, артистлар ва давлат хизматчиларигача, хуллас, ҳар қандай киши Интернетдан бемалол ўз мақсадлари йўлида фойдаланиши мумкин. Интернет фойдаланувчилари умумий сони кундан кунга ошиб бормоқда. Мисол учун: 1995 йилнинг бошларида, фақатгина 180 давлат фуқароларидан 30 миллиондан кўпроқ фойдаланувчи бу технологиядан баҳраманд бўлган бўлса, 2000 йилга келиб умумий Интернет тармоғига уланган компютерлар сонининг ўзигина 100 миллиондан ошиб кетди. 2005 йилга келиб фаол Интернет хизматидан фойдаланувчи кишилар сони бутун дунё бўйича 1 миллиарддан ошиди. Интернетдан фойдаланиш компания, фирмалар ва инсонлар орасидағи алоқани кескин ривожлантириб бизнес ҳамда турмуш тарзининг ўзгаришига, билвосита ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан тараққий этишига сабаб бўлмоқда.

## **Интернет қандай суръатлар билан ривожланмоқда?**

Интернет жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Статистик маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкини, 1998 йилда веб-саҳифаларнинг сони 300 миллионга яқин эди ва орадан тўрт йил ўтиб, 2002 йилда эса улар сони 2 миллиарддан ошиб кетди. Интернет бизнес ва таълим соҳаларида кенг қўлланнила бошланди. Ҳозирги пайтга келиб деярли барча компания ва ташкилотлар ўз веб-саҳифасига эга. Кўпчилик савдо ташкилотлари виртуал ёки электрон бизнес фаолияти турларидан фойдаланишмоқда. Шунингдек, юзлаб ташкилот, университетлар, мактаблар фақатгина онлайн таълим тизимида ўқитишни, ўқув қўлланмаларидан онлайн шароитида фойдаланишни, онлайн шароитида имтихон топшириш усулларини ва илмий ҳамда профессионал даражага ва дипломларни бериш имкониятларини таклиф этишмоқда.

### **Статистик маълумотлар:**

2001 йил тадқиқотларига кўра [1] дунё веб-тармоғидаги ҳужжатларнинг сони 550 миллиардни ташкил этган. 2002 йилга келиб веб-саҳифалар сони 2,024 миллиарддан иборат бўлди [12]. Шундан аксарият қисми, 56.4% инглиз тилида, 7.7% немис тилида, 5.6% француз ва 4.9% япон тилида. 2005 йилнинг январ ойига келиб дунё веб-тармоғидаги 75 тилдаги ҳужжатлар орасида ўтказилган тадқиқотларга [4] кўра умумий фойдаланиш учун мавжуд веб-саҳифаларнинг сони 11.5 миллиарддан зиёдни ташкил этди.

1- ва 2-жадвалларда келтирилган маълумотларни [9], [22] таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, аксарият Интернет фойдаланувчилари саноат ва технологияси юқори ривожланган ҳамда иқтисодий тараққий этган давлатлардан эканлиги аён бўлади. Бошقا тарафдан қаралса, Интернетнинг фойдаланиш доираси ҳамда фойдаланувчилар сонининг ошиши ривожланаётган мамлакатларда кузатилади.

## 1-жадвал

**ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ СТАТИСТИКАСИ**  
**Интернет фойдаланувчилари ва аҳоли статистикаси**

**ЖАҲОН ИНТЕРНЕТ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ ВА АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИ**

Континентлар	Аҳоли сони		Интернетдан фойдаланув- чилаар, охирги маълумот	Фойдала- нувчилар аҳоли сони нисбатан % хисобида	Дунё бўйича фойдала- нувчиларга нисбатан % хисобида	Фойдала- нишнинг ошиш сурати 2000-2005
	( 2006 йилга келиб)	Дунё бўйича %хисобида				
<b>Африка</b>	915,210,928	14.1 %	<b>22,737,500</b>	2.5 %	2.2 %	403.7 %
<b>Осиё</b>	3,667,774,066	56.4 %	<b>364,270,713</b>	9.9 %	35.7 %	218.7 %
<b>Европа</b>	807,289,020	12.4 %	<b>290,121,957</b>	35.9 %	28.5 %	176.1 %
<b>Яқин Шарқ</b>	190,084,161	2.9 %	<b>18,203,500</b>	9.6 %	1.8 %	454.2 %
<b>Шимолий Америка</b>	331,473,276	5.1 %	<b>225,801,428</b>	68.1 %	22.2 %	108.9 %
<b>Лотин Америка/ Карип ороллари</b>	553,908,632	8.5 %	<b>79,033,597</b>	14.3 %	7.8 %	337.4 %
<b>Океания/Австралия</b>	33,956,977	0.5 %	<b>17,690,762</b>	52.9 %	1.8 %	132.2 %
<b>Дунё бўйича:</b>	<b>6,499,697,060</b>	<b>100.0 %</b>	<b>1,018,057,389</b>	<b>15.7 %</b>	<b>100.0 %</b>	<b>182.0 %</b>

Эслатма (1) Интернет фойдаланувчилари ва дунё аҳоли сони маълумотлари статистикаси 2005 йил 31 декабрда янгиланган. (2) континентлар бўйича батафсил маълумотлар. (3) Демографик усиш маълумотлари (<http://www.world-gazetteer.com/>) веб-саҳифаси манбаларидан олинган. (4) Интернетдан фойдаланиш маълумотлари куйидаги нашрдан олинган: Nielsen//NetRatings (<http://www.nielsen-netratings.com/>), International Telecommunications Union (<http://www.itu.int/>), local NICs ва бошقا ишончли манбаларидан. (5) Бу маълумотлардан фойдаланилганда, албатта, [www.internetworldstats.com](http://www.internetworldstats.com) сайтидан олинганингини келтириб ўтиш лозим. ©Copyright 2006, Miniwatts Marketing Group. All rights reserved.

## 2-жадвал

## ОСИЁ АХОЛИСИ СОНИ ВА ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ КҮРСАТКИЧЛАРИ \*

\* маълумот олинглан манба: <http://www.internetworldstats.com/stats.htm>

Осиё	Аҳоли сони (2006 йил бошида)	Интернет фойдалана- нучилари., (2000 yil)	Интернет фойдаланув- чилари., охигри маълумот	Фойдала- нув- чилар аҳоли сонига нисбатан % ҳисобида	Фойдала- нув- чилар Осиё аҳолиси сонига нисбатан % ҳисобида	Ўсиш суръати ( 2000- 2005 )
<u>Афғонистон</u>	26,508,694	-	<b>25,000</b>	0.1 %	0.0 %	0.0%
<u>Арманистон</u>	2,967.116	30,000	<b>150,000</b>	5.1 %	0.0 %	400.0 %
<u>Азарбайжон</u>	8,388,479	12,000	<b>408,000</b>	4.9 %	0.1 %	3,300.0 %
<u>Бангладеш</u>	136,138,461	100,000	<b>300,000</b>	0.2 %	0.1 %	200.0 %
<u>Бутан</u>	796,314	500	<b>20,000</b>	2.5 %	0.0 %	3900.0 %
<u>Бруней Даруссалем</u>	393,568	30,000	<b>56,000</b>	14.2 %	0.0 %	86.7 %
<u>Камбоджа</u>	15,017,110	6,000	<b>41,000</b>	0.3 %	0.0 %	583.3 %
<u>Хитой</u>	1,306,724,067	22,500,000	<b>111,000,000</b>	8.5 %	30.5 %	393.3 %
<u>Яст Тимор</u>	947,401	-	<b>1,000</b>	0.1 %	0.0 %	0.0 %
<u>Грузия</u>	4,435,046	20,000	<b>175,600</b>	4.0 %	0.0 %	778.0 %
<u>Гонг Конг</u>	7,054,867	2,283,000	<b>4,878,713</b>	69.2 %	1.3 %	113.7 %
<u>Хиндистон</u>	1,112,225,812	5,000,000	<b>50,600,000</b>	4.5 %	13.9 %	912.0 %
<u>Индонезия</u>	221,900,701	2,000,000	<b>18,000,000</b>	8.1 %	4.9 %	800.0 %
<u>Япония</u>	128,389,000	47,080,000	<b>86,050,000</b>	67.2 %	23.7 %	83.3 %
<u>Қозогистон</u>	14,711,068	70,000	<b>400,000</b>	2.7 %	0.1 %	471.4 %
<u>Шимолий Корея</u>	23,312,595	-	-	-	-	-
<u>Жанубий Корея</u>	50,633,265	19,040,000	<b>33,900,000</b>	67.0 %	9.3 %	78.0 %
<u>Кирғизистон</u>	5,377,484	51,600	<b>263,000</b>	4.9 %	0.1 %	409.7 %
<u>Лаос</u>	5,719,497	6,000	<b>20,900</b>	0.4 %	0.0 %	248.3 %

<u>Макао</u>	490,696	60,000	201,000	41.0 %	0.1 %	235.0 %
<u>Малайзия</u>	27,392,442	3,700,000	10,040,000	36.7 %	2.8 %	171.4 %
<u>Малдив</u>	298,841	6,000	19,000	6.4 %	0.0 %	216.7 %
<u>Монголия</u>	2,568,204	30,000	200,000	7.8 %	0.1 %	566.7 %
<u>Мянмар</u>	54,021,571	1,000	63,700	0.1 %	0.0 %	6,270.0 %
<u>Непал</u>	25,408,817	50,000	175,000	0.7 %	0.0 %	250.0 %
<u>Пакистон</u>	163,985,373	133,900	7,500,000	4.6 %	2.1 %	5501.2 %
<u>Филиппин</u>	85,712,221	2,000,000	7,820,000	9.1 %	2.1 %	291.0 %
<u>Сингапур</u>	3,601,745	1,200,000	2,421,000	67.2 %	0.7 %	101.8 %
<u>Шри Ланка</u>	19,630,230	121,500	280,000	1.4 %	0.1 %	130.5 %
<u>Тайван</u>	22,896,488	6,260,000	13,800,000	60.3 %	3.8 %	120.4 %
<u>Тоҷикистон</u>	6,620,008	2,000	5,000	0.1 %	0.0 %	150.0 %
<u>Тайланд</u>	66,527,571	2,300,000	8,420,000	12.7 %	2.3 %	266.1 %
<u>Түркманистон</u>	6,723,715	2,000	36,000	0.5 %	0.0 %	1,700.0 %
<u>Ўзбекистон</u>	26,311,197	7,500	880,000	3.3 %	0.2 %	11,633.3 %
<u>Вьетнам</u>	83,944,402	200,000	5,870,000	7.0 %	1.6 %	2,835.0 %
<u>Осиё бўйича жами</u>	3,667,774,066	114,303,000	364,270,713	9.9 %	100.0 %	218.7 %

### **Интернет хизматларига нималар киради?**

Бугунги кунда Интернетда таклиф қилинаётган хизматлар турини санаб чиқиши мушкул. Сабаби, улар жуда кўп ва янгидан-янгилари яратилмоқда. Булар орасида энг кенг тарқалган ва кўлланиладиганларини келтиришимиз мумкин: e-mail алоқа воситаси, янгиликлар тарқатиш хизмати, форум мухокама қилиш имконияти, масофаий ўқитиш, илмий изланишлар олиб бориш, онлайн шароитида маҳсулот харид қилиш, самолётларга чипталарни харид қилиш, меҳмонхоналарга буюртма бериш, аукционларда қатнашиш ва ҳ.к.

### **Интернетнинг қисқача ривожланиш тарихи**

Интернетнинг ривожланиш тарихини қисқача қўйидагича келтириш мумкин:

- ﴿ 1960 йиллар АҚШда ARPANET (Advanced Research Projects Agency - Network) лойиҳаси амалга оширилган.
- ﴿ 1972 йилда E-mail хизмати ишга туширилди.
- ﴿ 1989 йилга келиб ARPANETга уланган компьютерлар сони 100 000 тага етган.

- ﴿ 1989 йилда World Wide Web (WWW) стандарти иш бошлади. Унинг ихтирочиси ва асосчиси сифатида Тим Бернерс Лее (Tim Berners Lee) [18], [19] тан олинди.
- ﴿ 1990 йилда ARPANET тармоғи кенгайди ва Inter-Net-Network кўринишида Интернет (Internet) деб аталди.
- ﴿ 1993 йилда Марк Андерсон томонидан биринчи Mosaic Броузери яратилди.
- ﴿ 1993 йилга келиб Mosaic Броузеридан фойдаланувчиларнинг сони 340% га ўсади.
- ﴿ Интернет ҳар хил йуналишда кескин ўсишда давом этмоқда. Ҳозирда ҳеч ким ёки ҳеч бир компания ёки давлат унинг эгаси эмас.

## **Интернетга қандай қилиб уланиш мумкин?**

Интернетга уланиш учун модем курилмаси билан жиҳозланган шахсий компьютер ва телефон тармоғи бўлиши кифоя. Компьютерга уланиши бўйича модем курилмаси ички ва ташқи турларга бўлинади. Ўз номидан маълумки, ички модем компьютер ичida бўлади, ташки модем эса алоҳида автоном курилма сифатида худди принтерлардек ташқаридан компьютерга уланади. Бунда симли уланиш ва симсиз (wireless) уланиш турлари мавжуд. Интернетни фойдаланувчига етказишини провайдерлар - Internet Service Provider (ISP) таклиф этади. Демак, Интернетдан фойдаланиш учун провайдерга уланиш лозим. Унга уланишнинг бир неча усуллари мавжуд:

- Модем орқали уланиш тури - телефон тармоғи орқали 56 Kb/sec тезлик билан маълумот олиш ва узатишни таъминлайди.
- ETHERNET уланиш тури. 1973 йилда Гарвард Университети профессори Боб Меткалфе томонидан унинг докторлик диссертациясида таклиф этилган. Бу локал тармоқ технологиясини таълим муассасаларида ва саноатда кенг кўллаш имкониятларини яратди. Бундай уланиш тури орқали 10 Мб/сек гача тезлика маълумот алмашиб имконияти мавжуд.
- ISDN – Integrated Services Digital Network рақамли телефон тизими. У маҳаллий телефон компаниялари томонидан ўрнатилиши мумкин. Бундай уланиш тури орқали 1.5 Мб/сек ва ундан ҳам юқорироқ тезликка эришилади.
- DSL – Digital Subscriber Line рақамли телефон тизими орқали Интернетга уланиш тури ҳисобланаб, маълумот қабул қилиш тезлиги 1.5 Мб/сек ни ташкил этади.
- T1 ёки T3 – жуда катта тезлик талаб этадиган фойдаланувчилар учун қулай уланиш тури. Бундай уланиш тури жуда қиммат бўлганлиги сабабли ҳаммага ҳам маъқул келмайди. Унда маълумотлар алмашишнинг 55 Мб/сек гача тезлигини ҳосил қилиш мумкин.

## **World Wide Web қандай ишлайди?**

Интернет фойдаланувчиси бирор-бир веб-саҳифани World Wide Web тармоғида қидириб очмоқчи бўлса, одатда, Броузерга URL (Uniform Resource Locator) веб-саҳифанинг манзилини ёзишни талаб этилади. Бунда фойдаланувчига кўринмаган ҳолатда қуидаги жараён бажарилади. Аввало фойдаланувчи кирирган URL таркибидаги сервер номи IP-манзил кўринишига ўзгартирилади. Ўзгартиришни Интернет тизимининг асосий бўлгадидан бири ҳисобланган Domain Name System ёки DNS деб номланувчи курилма бажаради. Кейинги қадам керакли саҳифани очиш учун HTTP (Hyper Text Transfer Protocol) хужожатни IP-манзилида қидиришдир. Қисқа вақт ичida матн, расм ва бошқа турдаги файллардан ташкил топган саҳифа веб-Броузери ёрдамида фойдаланувчига етказиб берилади. Веб-Броузер шу саҳифани HTML, CSS ва бошқа тилда ёзилган файлларини

фойдаланувчига тушунарли равища расм, гипербоғлиқлик ва оддий матн сифатида ўтириб кўрсатади. Энди фойдаланувчи экранда веб-саҳифани қўради ва ундан фойдалана олади.

Аксарият веб-саҳифалар ўзларида бошқа веб-ресурсларга, бирор аҳборот файлларига гипербоғлиқлик орқали боғланган бўлади. Гипербоғлиқлик орқали шу ресурсларни бемалол очиш ва фойдаланувчи компьютерига сақлаши мумкин.

Ушбу очиқ ҳолатда маълумотларни сақлаш, қидириб топиш ва оммавий ҳолда фойдаланиш имконияти биринчи бўлиб Тим Бернерс Ле (Tim Berners Lee) [18], [19] томонидан 1990 йилнинг бошларида World Wide Web (Дунё ўргамчак тўри) номи билан аталган.

World Wide Web тушунчаси асосида 4 та гоя ётади:

- ***hypertext*** (гиперматн) -- компьютер мухитида ҳужжат таркибидаги бирор қисмидан исталган қисмига ўтиш ёки бошқа ҳужжатга ўтишни амалга оширувчи шу ҳужжатлардаги ички боғлиқликлар ("hyperlinks") гипербоғлиқлик деб аталади.
- ***resource identifiers*** – компьютер тармоғида маълум бир манбани (ҳужжат, компьютер ёки бошқа манба) яона бир ном (аниқловчи) орқали топиш.
- ***the client-server model of computing*** фойдаланувчининг компьютери ёки дастури сервер дастурига ёки сервер компьютерига талабнома жўнатади ва шу ўринда у олинган талабнома асосида хизмат кўрсатади, яъни манбалар ва хизматлар билан таъминлайди.
- ***markup language*** орқали турли белгилар ёки кодлар билан матнни компьютер экранида қандай ҳолатда кўрсатиш ёки принтердан чиқариш, яъни курсив, қалин ёки қайси турда ва ўлчамда чиқариш берилади.

## **2-БОБ. Интернет қандай қилиб дунёга ўз таъсирини кўрсатмоқда?**

### **Алоқа тармоги**

Интернет яратилишидан кўзланган асосий мақсадлардан бири - бу инсонлар ўртасида маълумот алмашиш тизимини яратиш, бошқа алоқа воситалари маълум сабабларга кўра фаолият кўрсата олмаган ҳолатларда ҳам маълумот алмашинувини тўхтovсиз таъминлашдан иборат эди. Ҳозирда Интернет орқали инсонлар узаро бир-бирлари билан алоқа қилиб келишмоқда. Мисол тариқасида: е-maił, чат, форумлар, кенг оммага янгиликларни тарқатиш тизимлари Интернетда жорий этилганлигини келтиришимиз мумкин. Корхона хизматчилари масофадан туриб (уйда, сафарда юриб) Интернет орқали ўз иш компютерларига уланиб ишлашлари, бевосита маълумот алмашишлари мумкин. Бундай алоқа воситаси анчагина вақтни тежаш билан бир қаторда: ишга қатнаш ва автобус ёки таксида ҳаракатланиш жараёнида йўллардаги тирбандликда қолиб кетишга сарфланадиган беҳуда вақтни тежаш билан бир қаторда, анча иш унумдорлигининг ошишини таъминлайди. Саноати, ишлаб чиқариши ривожланган давлатларда шу фактор тобора аҳамият касб этмоқда.

### **Бизнес ва реклама**

Интернет бизнес фаолиятини олиб бориш учун жуда қулай ва кенг имкониятларига эга бўлган алоқа воситаси сифатида танилди. Мисол учун, 2005 йилда Алекс Тью (Alex Tew) [23] исмли 21 ёшли Англиялик веб-дизайнер "Миллион долларлик веб-саҳифа" номли веб-саҳифа яратди. Унинг ҳар бир квадрат "pixel" катагини 1 АҚШ долларидан Буюк Британиянинг ҳамда жаҳоннинг турли давлатлари компанияларига ва фуқароларига сотди. Унинг асосий мақсади пул тўплаб, коллежга ўқишига киришдан иборат эди. Натижада Алекс Тью 998000 АҚШ доллар маблагини бир неча ой муддатида ишлаб топишга эришди. Демак, келтириб ўтган мисолимиз Интернет орқали амалга ошириладиган reklamанинг қанчалик қулай ва оммабол эканлигини исботлайди. Шу ўринда яна бир статистик маълумот, АҚШ да Интернет орқали юритилган бизнесдан тушган пул маблаги 2005 йилда 80 миллиард долларни ташкил этган.

Айтиб ўтганимиздек, Интернет жуда катта имкониятлар тақлиф қила олган алоқа воситаси сифатида дунёга танилди. Интернет орқали деярли барча тижорат турларини амалга ошириш имконияти мавжуд, мисол учун: онлайн шароитида банк хизматларидан фойдаланиш, қўймаларни топишлари ва харид қилиш имконияти яратилди. Кундалик юмушларни бажаришда ҳам анча вақт ва маблагни тежаб қолиш имконияти туғилди.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотларини реклама қилишлари мумкин. Бундай йўл билан эълон қилиш анча осон ва қулай. Бундан ташқари, корхоналар ҳали янги маҳсулотни ишлаб чиқармасданоқ уларга харидор топишлари ҳамда уларни реклама қилиб кенг оммага танитишлари, онлайн тизимида бемалол савдо-сотиқ ишларини олиб боришлари мумкин.

Келинг, мисол тариқасида қўйидаги веб-саҳифаларни келтириб ўтамиш:

<http://www.amazon.com> - Китоб, компакт дисклар, кассеталар, дастурий маҳсулотлар ва ҳ.к. ларни онлайн хизматлари орқали сотиб олиш мумкин бўлган ишончли саҳифалардан бири.

<http://www.bn.com> – Barnes Noble саҳифаси юқоридаги amazon.com саҳифасига рақобатдош саҳифа ҳисобланади.

<http://www.mysimon.com> – уйда, офисларда фойдаланиш учун мўлжалланган турли электроника маҳсулотлари ва ҳоказолар ҳақида маълумотни излаб топиш мумкин

бўлган саҳифа. Бу веб-саҳифа орқали минглаб онлайн шароитида савдо қилувчи компаниялар саҳифалари боғланган веб-саҳифаларга ўтиб, танланган маҳсулотни харид қилиш мумкин.

<http://www.pricegrabber.com> – комп’ютер ва унинг қисмлари билан танишиш, сотиб олиш учун мўлжалланган ахборот таъминоти веб-саҳифаси. Саҳифага ташриф буюрган фойдаланувчи ўзини қизиқтирган маҳсулотнинг нархи, сифати ҳамда ишончлигиги ҳақидаги маълумотлар билан танишиши мумкин.

<http://www.pricewatch.com> – бу саҳифа юқоридаги [pricegrabber.com](http://www.pricegrabber.com) саҳифасига рақобатдош ҳисобланади.

<http://www.collegeclub.com> – олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган веб-саҳифа. Ҳозирда веб-саҳифадан талабалардан ташқари кўпчилик кишилар фойдаланади ва анча арzon нархларда китоб, комп’ютер ва бошқа маҳсулотларни харид қилишади.

<http://www.ebay.com> – онлайн равишда аукцион ўтказишга мўлжалланган веб-саҳифа. Бу саҳифада турли хилдаги маҳсулотларни сотиб олиш мумкин.

<http://www.yahoo.com> – кўпгина маъсулотларни қидириш, харид қилиш, аукционда қатнашиш ҳамда бошқа турдаги хизматлардан фойдаланиш мумкин бўлган веб-саҳифа.

Юқорида келтирилган онлайн компаниялари хизматларидан фойдаланиб, нафақат улар маҳсулотларини харид қилишингиз мумкин, балки ўз буюмларингизни ҳам сотишингиз мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Интернет ҳаётимизга кенг кириб келмоқда, шу билан бир қаторда бизнес фаолиятини олиб боришга катта қулайлик яратмоқда. Бу эса ўз ўрнида катта даромад келтирмоқда.

## **Веб-камералар**

Веб-камералари [24], [26] – Интернетга уланган камералар бўлиб, Интернет фойдаланувчилари бир-бирлари билан жонли видеолар ва расмлар орқали мулоқот қилишлари мумкин. Шундай қулайлик мавжуд, фараз қилинг сиз чўмилгани денгиз бўйига бормоқчисиз, лекин ҳавонинг қандай эканлигини ёки у ердаги дам олувчиларнинг сони қанча эканлигини билмоқчисиз. Нима қилиш мумкин, соҳиҳ бўйида ўрнатилган веб-камера уланасиз ва у ерни камера орқали куриб мавжуд ҳолатдан хабар топасиз. Шунингдек, веб-камераларни уй атрофига ёки ташкварисига ўрнатиб қўйиш мумкин. Бу билан ишъжойингизда утириб, уй ичидаги ташкварисига нима ҳодисалар руй берадиганлигидан хабардор бўлиб турсаз. Шунга ўхшаш яна бир мисол, веб-камералар орқали бирор-бир чорраҳадаги машиналарнинг тирбандлигини ҳам текшириб куриш мумкин. Бу билан керакли хулоса чиқарилади ва анчагина вақтни тежаш имконияти яратилади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, веб-камералар технологик ривожланган давлатларда кенг тарқалган ва жуда кўп қўлланимоқда, ва аксинча кам ривожланган ёки ривожланаётган давлатларда жуда кам амалиётга тадбиқ этилгандир.

## **Электрон нашрлар**

Ҳозирги кунга келиб деярли барча рўзномаларнинг, журналларнинг, радио ва янгиликлар тақдимотини таклиф этадиган ташкилотларнинг ўз веб-саҳифалари мавжуд. Шу веб-саҳифалар ёрдамида улар ўз нашрларидағи энг асосий янгиликларни, анонсларни онлайн равишда коғоздаги нашрларидан анча олдин таклиф этадилар.

Фойдаланувчилар Интернет орқали қидирувни амалга ошириб, энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишлари мумкин. Ҳозирда Интернетда минглаб электрон жадваллар, газеталар ва даврий нашрларнинг электрон версиялари яратилган ва улар доимий тарзда янги маълумотлар ва нашрлар билан бойитиб

түрилади. Электрон нашрларнинг қулайликларидан яна бири шундаки, мақоланинг қоғоздаги кўриниши чоп этилгунга қадар анчагина вақт олдин фойдаланувчилар электрон нашрдан бемалол фойдаланиши мумкин. Сабаби, электрон нашр этиш учун кам вақт ва маблағ талаб этилади. Шунинг учун бундай нашр этиш тури борган сари оммалашмоқда. Интернетнинг бундай қулайлиги, бир неча нашрларнинг бутунлай қоғоздаги шаклидан воз кечишларига олиб келади. Бундай нашрлардан бирига мисол қилиб "EBSCO publishing" компаниясини көлтириш мумкин. Компания ўз таркибида 7000 дан ортиқ рўзнома ва журнапларнинг мақолаларини жамлаган ва компанияяга аъзо бўлган фойдаланувчилар улардан баҳраманд бўлиши мумкин.

## **Ўқитиш ва Ўрганиш**

Интернетнинг ривожланиши натижасида онлайн тизимда билим олиш имконияти ҳам яратилди. Мисол учун:

1. Университет ёки коллеж талабаларига масофадан туриб ўқиш имконияти. Талабалар ўз уйларида шахсий компьютерлари қарисида ўтириб ўзлари танлаган мутахассислик бўйича фанларни ўзлаштиришлари мумкин. Бирор-бир мутахассислик дипломини олиш учун энди коллеж ёки университетга боришининг ҳожати қолмайди. Бундай қулайликни фойдаланувчиларга масофадан туриб ўқитиш тизими яратди. Бундай ўқитиш тизими бирор корхона ёки ташкилот ходимларининг малакасини ошириш учун ҳам катта қулайлиги билан аҳамиятлидир.
2. Катта ёшли одамлар ҳам ўз уйлари, шаҳар, қишлоқларини тарқ этмаган ҳолда масофадан туриб илм олишлари мумкин.
3. Профессор ўқитувчилар учун масофадан туриб дарс бериш имконияти сабоқ олувчилар сонини кўплайтиради. Энди аудиториядаги тингловчилар сафига Интернетда тингловчилар ҳам қўшилди.
4. Онлайн тарзида дарс бериш бир вақтда кўпчилик билан алоқа қилиш, ҳамда катнашчилар фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш имкониятини беради. Хоҳлаган киши ўз саволларни ўртага ташлаб кенг оммадан жавоб кутиши ёки олиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган имкониятлар кишиларга анча вақт, маблағ тежашга ҳамда юқори технологиялар имкониятларидан баҳраманд бўлиб, анча кам вақт ичida юқори натижаларга эришиш имкониятини яратди.

## 3-БОБ. INTERNET EXPLORER БИЛАН ИШЛАШ

### 3.1. Internet Explorer билан танишув

Internet (Browser) Броузери – бу Интернетдан мавжуд маълумотларни олиш ва инсон ўқиб тушуна оладиган форматда етказиб бериш вазифасини бажарувчи дастурий маҳсулотдир. Ҳозир бир неча турдаги Интернет Броузерлари қўлланилади. Улар куйдагилар: MS Internet Explorer, Netscape Navigator, Opera, Mozilla Firefox ва ҳоказо. Бу Броузерлар орасида энг кенг тарқалган ва кўп қўлланиладиган тури - Microsoft Internet Explorer Броузеридир. Шу сабаб ушбу китобда Microsoft Internet Explorer Броузери мисолида Интернет Броузерлар билан ишлашни кенг ёритиш ўринли деб топилди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, мавжуд Интернет Броузерларининг (шахсий компьютерлар учун мўлжалланган турлари) ишлаш принципи жуда бир-бирига яқин.

Internet Explorer (IE) Броузери дастурини ишга тушириш учун қуидаги амалларни бажариш талаб этилади.

Windows 95/98/2000/XP операцион тизимларида:

1. [Пуск] тұғмасини босинг.
2. Программы бўлимига ўтинг.
3. Менюдан Интернет Explorer бандини танланг.

Интернет Explorer дастурини иш столидан ишга тушириш учун:

1. Компьютер иш столига ўтинг.
2. IE Броузери иконкасининг устида сичқончанинг чап тұғмасини икки марта тез босинг.

Интернет Explorer дастурини тезда ишга тушириш панелидан бажаришга бериш учун:

1. Гөзда ишга тушириш панелида Internet Explorer тұғмасини босинг.

IE Броузери тұғмасини босасиз



2. Машин өзинш позициясида көракли веб-саҳифанинг манзилини (URL) ёзинг. Мисол учун веб-саҳифа номи қуидагича: <http://www.center-it.net>

Файл Правка Вид Избранное Сервис Справка

Назад Вперед Помощь Поиск

http://www.center-it.net Переход

3. Сүнгра, клавиатурадан ENTER тұғмасини босинг

ёки Переход тұғмасини босиш ҳам мумкин.

4. Шундан сүнг манзил ёзилган веб-саҳифа юкланишини бошлайди, бизнинг холатда қуидаги веб-саҳифа (<http://www.center-it.net>).
5. IE Броузерининг асосий ташкил этувчилари билан умумий танишиш учун 1-Иловага қаранг.

**Эссе** Манзил ёзаётган пайтда <http://> қисмини ёзиш шарт эмас, одатда броузернинг ўзи бу қисмни автоматик равишда қўшиб қўяди. Чунки бу [\(hyper text transfer protocol\)](http://) асосий веб-ресурслар учун қўлланиладиган протокол ҳисобланади.

## Интернет Explorer дастуридан чиқиш

Интернет Explorer дастури билан ишлаш тутатилгандан кейин компьютер ресурсларини бўшатиш мақсадида уни ёпиш тавсия этилади.

Интернет Explorer дастурини ёпиш учун:

- 1 Файл менюсини очинг,
- 2 [Закрыть] тугмасини босинг,  
ёки

Интернет Explorer дастури юқори ўнг бурчагидаги жойлашган  тугмасини босиш етарли.

## Меню бўлими

Интернет Explorer дастурининг бош менюсида дастур амалга оширадиган функциялари мажмуаси жойлашган. Керакли меню танлангач, унинг бандлари очилади. Бош меню қўйидаги куринишга эга:


Файл Правка Вид Избранное Сервис Справка

Бош меню қўйидаги муҳим қисмлардан иборат:

1. Файл
2. Правка
3. Вид
4. Избранное
5. Сервис
6. Справка


**Файл** менюси (3.1.1-расм) қўйидаги бандлардан ташкил топган: **Создать**, **Открыть...**, **Править в Microsoft Front Page**, **Сохранить**, **Сохранить как...**, **Параметры страницы...**, **Печать**, **Предварительный просмотр...**, **Отправить**, **Импорт и экспорт...**, **Свойства**, **Работать автономно**, **Закрыть**. 3.1.1-расмда келтирилганидек **Создать** бандида ҳам бир неча бўйруқларни бажариш мумкин, жумладан: **Окно (Ctrl+N)** янги дарча очиш учун хизмат қиласди (**Ctrl+N** – клавиатурадан бу тугмалар бараварига босилади), **Сообщение** янги хабар олиш, **Объявление** бирорвга хабар жўнатиш, MS Outlook Express дастури орқали **Контакт** онлайн режимдаги инсонлар билан boglaniш, **Вызов** через **Интернет** онлайн режимида қўнғирок қилиш имконияти. Куриб ўтилган бўйруқлар орасида кўп ишлатиладигани **Новый** ёки **Ctrl+N** бўйруғи – бу очиқ турган веб-саҳифани янги дарчада акс эттиришга хизмат қиласди. Бундай усул анча кўп қўлланиладиган ва қулай бўйруқлардан ҳисобланади.

## IT Training Center's Web Site - Microsoft Internet Explorer




3.1.1-расм. Файл менюси: |Создать| > |Окно|

|Открыть...| ёки |**Ctrl+O**| (3.1.1-расм.) буйруғи веб-саҳифаны очып турган дарчада акс эттиради. |Файл| > |Открыть...| буйруқлари ёки **Ctrl+O** түгмалари босилғанда, дастур сизнинг эътиборингизга куйидаги көлтирилген позицияни (3.1.2-расм) тақдим этади. Унга керакли саҳифа (URL) манзилини ёзишиңгиз лозим.




3.1.2-расм. |Открыть...| ёки |**Ctrl+O**| буйруғи.

Ёки олдин очилған саҳифалар (3.1.3-расм) рўйхатидан кераклиси танланса, уни қайта очиш мумкин.



3.1.3 - расм. |Открыть...| ёки |**Ctrl+O** | буйруғи.

Яна бир имконият [Обзор...] түгмасини босиш орқали Microsoft Броузерининг файл очиги дарчасини ҳосил қилиш мумкин, сўнгра керакли файлни белгилаб очишга буйруқ берилади.



3.1.4-расм. |Открыть ...| ёки |Ctrl+O| буйруғи > [Обзор...] түгмаси.


**Править** в *Microsoft Office FrontPage* буйруғи очиқ турган веб-саҳифани MS FrontPage дастури ёрдамида таҳирлаш имкониятини беради. Лекин, ушбу буйруқ жуда кам ҳолларда фойдаланувчилар томонидан кўлланилади.

**Сохранить** ёки **Сохранить как...** буйруқлари веб-саҳифани сақлаш учун ишлатилади. Ушбу буйруқларни бажариш орқали пайдо бўлган дарчада веб-саҳифани компьютерга сақлаш амалга ошади (3.1.5-расмга қаранг).

**Эслатма:** Ҳар доим маълумотни компьютерга сақлаш жараёнида, унинг қандай ном билан сақланаётганига, қайси жойга ва қандай форматда сақланаётганига аҳамият бериш лозим. Агар сақлаш жараёнида ном киритилмаса, Броузер сақланаётган веб-саҳифанинг ўз номини файл номи сифатида қабул қиласи. Маълумотни бу тарзда сақлаш нотўғри хисобланади. Чунки бир веб-сайтдан бир неча веб-саҳифа маълумотларини сақлашга тўғри келиб қолса, Броузер ҳар бирiga веб-саҳифанинг номини сақланаётган файл номи сифатида бериши ва натижада чалкашликлар келиб чиқиши мумкин.


Интернетдан топилган маълумотни сақлаётганда (3.1.6-расм), |Сохранить Как...| буйруғи имкониятидан фойдаланиб сақлашда, шу маълумотни қандай файл

турига (тип файла) кўра (Веб-страница, полностью (\*.htm; \*.html), Веб-архив, один файл (\*.mht), Веб-страница, только HTML (\*.htm; \*.html), Текстовой файл (\*.txt)), кодлаштириш услуби (Encoding) бўйича юникод, юникод (UTF-8), Центральноевропейская (Windows), Криллица (DOS),...) амалга ошириш мумкин.




3.1.5-расм. |Сохранить как...| бўйругининг ишлатилиши.

|Файл| > |Отправить| > |Страницу по электронной почте ...| ёки |Ссылку по электронной почте ...| (3.1.6-расмга қаранг) ҳамда |Ярлык на рабочий стол| бўйруқларидан фойдаланган ҳолда очилган веб-саҳифа ва унинг барча таркиби, гипербоғлиқларини сақлаб қолган ҳолда e-mail орқали жўнатиш ёки фақат унинг веб-манзилини (URL) email орқали жўнатиш мумкин. Бундан ташкири иш столида ёрлиқ яратиш имкониятлари ҳам мавжуд. Кейинчалик шу ёрлиқни босиб яна веб-саҳифани очишга имконият туғидади.



3.1.6-расм. |**Отправить**| буйруғининг ишлатилиши.

|**Мастер импорта-экспорта...**], буйругуни босиш орқали танланган веб-саҳифани импорт ёки экспорт қилиш дарчасини (3.1.7-расм) очиш мумкин. Таклиф этилаётган амаллар кетма-кетлигини бажарип керакли натижага эришасиз.



3.1.7-расм. |**Мастер импорта-экспорта...** | буйруқларини ишлатиш.

**Файл** менюсида |**Свойства**| буйругидан фойдаланиб веб-саҳифа ҳақидаги маълумотга эга бўлишингиз мумкин (3.1.8-расм).




3.1.8-расм. |Файл| > |Свойства| буйруқларидан фойдаланиш натижаси.

**Файл** менюсида *Работать автономно* банди орқали танланган очиқ вебсаҳифа билан Интернетга уланмаган ҳолда, яъни автоном ҳолда ишлаш имконияти туғилади.

[Закрыть] тугмасини босиш орқали эса очиқ турган веб-саҳифани ёпишингиз мумкин.

### Правка менюси:

**Правка** менюси орқали (3.1.9-расм) Microsoft компаниясининг бошقا дастурларда булгани каби қуидаги буйруқлардан фойдаланишингиз мумкин, жумладан: *Вырезать* (*Ctrl+X*), *Копировать* (*Ctrl+C*), *Вставить* (*Ctrl+V*), *Выделить все* (*Ctrl+A*) ғиқи *Найти на этой странице...* (*Ctrl+F*). Одатда, **Правка** менюсидаги буйруқлардин *Выделить все*, *Копировать*, *Вставить* каби буйруқлар кўпроқ күттаниниди



3.1.9-расм. |Правка| менюси.

### Вид менюси:


**Вид** менюси ўзида қуидаги бандларни жамлаган: *Панели инструментов*, *Строка состояния*, *Панель обозревателя*, *Остановить* (*Esc*), *Обновить*

(F5), Размер шрифта, Кодировка, Просмотр HTML-кода, Отчет о конфиденциальности, Во весь экран F11.

Панели инструментов бандида күйидаги қисмлар мавжуд (3.1.10-расм): **Обычные кнопки** (Акс эттириш / акс эттирмаслик), **Адресная строка** (Акс эттириш / акс эттирмаслик), **Ссылки** (Акс эттириш / акс эттирмаслик), **FlashGet Bar** (Акс эттириш / акс эттирмаслик), **Adobe PDF** (Акс эттириш / акс эттирмаслик), **Yahoo! Companion** (Акс эттириш / акс эттирмаслик), **Закрепить панели инструментов** (Акс эттириш / акс эттирмаслик), **Настройка....**.

Умуман олганда, **FlashGet Bar**, **Adobe PDF**, **Google** бандлари IE Броузерининг таркибида стандарт ҳолларда ҳам мавжуд бўлмайди, улар фойдаланувчи томонидан қўшимча ўрнатиладиган программалардир.


**Закрепить панели инструментов** бандининг танланishi асбоблар панелида ўзгаришлар киритиш имкониятини чеклади. Акс ҳолда, IE Броузерида асбоблар панели ўринини алмаштириш имконияти мавжуд бўлади.



3.1.10-расм. |Вид| менюси таркибидаги бандлар.

#### IE Броузери асбоблар панелини созлаш...

IE Броузер асбоблар панелини созлаш учун курсорни |Вид| > |Панели инструментов| > |Настройка...| (3.1.10-расмга каранг) бандлари танланади. Натижада экранда кўйидаги дарча ҳосил бўлади (3.1.11-расм). Дарчада [Добавить] → ёки ←[Удалить] тутмаларидан фойдаланиб, панелга қўшимча тутмаларини кўшишингиз ва аксинча, бирор тутмани олиб ташлашингиз мумкин.




3.1.11-расм. |Вид| > |Панели инструментов| > |Настройка...| бандлари.

**Строка состояния** байруғи айрим маълумотларни акс эттириш учун хизмат қиласи, жумладан: Интернетта уланганлик ҳақидаги, веб-саҳифанинг хавфсизлик сертификатига эгалиги ҳақидаги маълумотларни (ишончли, ишончсиз, хавфсиз, хавфли) акс эттиради. Маълумотларни акс эттирувчи **Строка состояния** дарчасини ёкиш ва ўчириш мумкин.

**Панель обозревателя** (3.1.12-расм) IE Броузерида жойлашган пенелларнинг номини акс эттиради. |Поиск|, |Избранное...|, |Полезный Совет| байруқларига ётибор беринг.

Эслатма: **Полезный Совет** тутгасини босиши билан Броузернинг энг пастки қисмида янги дарча очилади, унда IE Броузерни созлаш, ҳамда ундан фойдаланиш бўйича кўплаб фойдали маслаҳатларни (вақтни тежаш, иш унумдорлигини ошириш бўйича) олишингиз мумкин.



3.1.12-расм. |Вид| > |Панели обозревателя| менюси.

**Переход** бандида **Перед**, **Назад** буйруқларидан фойдаланиб очиқ турган веб-саҳифадан олдинги веб-саҳифага ёки кейинги веб-саҳифага ўтиш имконияти яратилади. Шунингдек, IE Броузер дарчасининг манзиллар позициясида керакли веб-саҳифани танлаб, **Переход** тутгасини босиши орқали шу веб-саҳифани акс эттиришингиз мумкин.

**Остановить** (**Esc**) тутгасини босиши орқали юкланаётган веб-саҳифани юкланишдан тўхтатишингиз мумкин.

**Обновить** (**F5**) тутгасини босиши орқали юкланиб турган веб-саҳифани янгидан юклашга буйруқ берилади.

**Размер шрифта** бўлими ичидан веб-саҳифа матни шрифти ўлчами ўрнатилади: Самый крупный (энг катта), Крупный (катта), Средний (урта), Мелкий (кичик), Самый мелкий (энг кичик).

**Кодировка** бўлимида веб-саҳифани IE Броузерининг қайси кодировка орқали акс этишини танлаш мумкин.


**Просмотр HTML-кода** веб-саҳифани .txt форматда акс эттириш учун ишлатилади.

**Отчет о конфиденциальности...** веб-саҳифанинг шахсий маълумотларни сақлаш сиёсати ҳақидаги маълумот чиқаришга мўлжалланган.


Во весь экран (*F11*) түгмасини босиш орқали IE Броузерини катта экран күренишига (тұлық экранға) үзгәртириш амалға ошади. Худди шу амални *F11* түгмасини босиш орқали ҳам бажаришимиз мүмкін. Тұлық экран режимини бекор этиш учун юқоридаги амал яна бир бор тақрорланади.

### **Избранное менюси:**

IE Броузернинг ушбу менюси (3.1.13-расм) әңг қулай ва күп күлланиладын асбоблар сирасига киради. У Интернет фойдаланувчиларининг анчагина қимматли вактими тежаш ва ортиқча меңнат сарфини камайтиришга хизмат қиласы. **Избранное** менюси орқали экранда фаол веб-саҳифанынг манзилини (URL) IE Броузери хотирасига сақлаш имконияти мавжуд. Ихтиёрий веб-саҳифа очық турған вактда, сақланған (**Избранное** менюсида) веб-саҳифаны танлаш орқали уни қайтадан экранга юклаш амалға оширилади. **Избранное** менюсини яратып қуидагича амалға оширилади. Бунинг учун: керакли веб-саҳифаны очиб олинг, сүнgra **[Избранное]** > **[Добавить в избранное...]** бандни босинг (3.1.13 ва 3.1.14-расмларга қаранг), очилган **[Добавить в избранное...]** дарчасидан ОК түгмасини таңланғ. (**Избранное** менюси 3.4-бўлимда жуда батафсил ёритилған.)



3.1.13-расм. **[Избранное]** менюси.



3.1.14-расм. **[Избранное]** > **[Добавить в избранное...]** дарчаси.


### **Сервис менюси:**

**Сервис менюси** (3.1.15-расм) қуидаги бўлимлардан иборат:


- **Почта и новости** бўлими (Читать почту, Создать сообщение..., Отправить ссылку..., Отправить страницу..., Читать новости тумалари),
- **Блокирование всплывающих окон** бўлими (Выключить блокирование всплывающих окон, Параметры блокирование всплывающих окон... тумалари),
- **Управление надстройками...**,
- **Синхронизовать...**,
- **Windows Update,**
- **Windows Messenger,**
- **Yahoo! Messenger,**

- FlashGet (фойдаланувчи томонидан құшимча ўрнатылған программа).
- Свойства обозревателя...

Сервис менюсида фойдаланувчилар томонидан күп құлланиладын бандлардан бири бу |Свойства обозревателя...| бандидир (3.1.16-расм). Ушбу банд фаоллашғанда, |Свойства обозревателя| дарласи очилади ва у қуйидаги бұлымлардан ташкил топған: Содержание, Подключения, Программы, Дополнительно, Общие, Безопасность, Конфиденциальность (3.1.16-расмға караң).



3.1.15-расм. |Сервис| > |Почта и новости| > |Блокирование всплывающих окон| буйруғи.




3.1.16-расм. |Сервис| > |Свойства обозревателя| менюси.

## Pop-Up Менюси


Pop-Up менюлари (3.1.17-расм) IE Броузери асосий дарласининг исталған қисмінде сичқончанинг ўнг тұгмасини босиши орқали ҳосил қилинади. Меню ўзіда құшимча ишлатыш мүмкін бўлған бўйруқларни акс этади. Айрим бўйруқлар (мисол учун: ) факат Pop-Up менюси таркибида келтирилади ва одатда, IE Броузери асосий менюсида учрамайди. Pop-Up менюлари иккى турға бўлинади (3.1.17-расм). 1-турдаги Pop-Up меню IE Броузерининг исталған қисмінда (гипербоғлиқпик ишлатилған жойдан ташқари) сичқончанинг ўнг тұгмасини босиши билан ҳосил

қилинади. 2-турдаги Pop-Up меню веб-саҳифа таркибидаги гипербоғлиқлик ишлатилған жойда сичқончанинг ўнг тұгмасини босиш орқали пайдо бўлади.

1- турдаги Pop-Up менюси



2- турдаги Pop-Up менюси




### 3.1.17-расм. Pop-Up меню турлари.

#### Асбоблар панели

Асбоблар панели меню таркибидаги келтирилған буйруқларнинг ўзгинаси. Фойдаланувчига күшимча қуалайлик яратиш мақсадида, шу буйруқларга бириктирилған тұгмалар асбоблар панелида жойлаштирилған. Асбоблар панелининг қуидаги күрнишларини ҳосил қилиш мумкин:



Номсиз ҳолатда



**Эслатма:** Агар IE Броузерингизда асбоблар панели акс этмаётган бўлса, уни қуидаги **|View| > |Сервис| > |Обычные кнопки|** тұгмаларини босиш орқали ҳосил қилиш мумкин (күшимча маълумот учун 3.1.10-расмга қаранг).

Асбоблар панели тұгмаларини ишга тушириш учун уларни бир марта сичқонча чап тұгмаси билан босиш кифоя.

Асбоблар панели тұгмаларининг вазифаси 3- жадвалда баён этилған.

### 3-Жадвал. Асбоблар панели тұгмаларининг вазифаси

Тұгма күриши	Вазифаси
 Назад	Экранда фаол веб-сақиғадан олдин юкландырылған веб-сақиға қайтаради.
 Переход	Переход тұгмаси босилишидан олдин юкландырылған веб-сақиға қайтады. <b>Эслатма:</b> Фақат, олдин веб-сақиға очилған бўлиши керак.
 Остановить	Амалдаги веб-сақиғаның юкланишини тұхтатади.
 Обновить	Экранда очиқ турған веб-сақиғаны қайтадан юклайды.
 Домой	Бош сақиға қайтаради.
 Поиск	Интернет Explorerде Поиск дарчасини акс эттиради. <b>Эслатма:</b> Ушбу дарчани ёқиш / үчириш мумкин.
 Избранное	Интернет Explorerде Избранное рўйхатини пайдо қиласади. <b>Эслатма:</b> Ушбу дарчани ёқиш / үчириш мумкин.
 Журнал	Бу тұгма ташриф буюрғылған веб-сақиғалар рўйхатини очади. <b>Эслатма:</b> Бу дарчани ёқиш / үчириш мумкин.
 Почта	E-mail дастурини ишга туширади.
 Печать	Амалдаги веб-сақиғаны принтерга чиқаради.

Ердам (Справка)дан фойдаланиш:

Баъзи ҳолатларда IE Броузери дастуридан фойдаланиш буйича бирор ёрдамга муҳтоҳ бўлиб қолишимиз мумкин. Унда дастурнинг ўзидан ёрдам олиш имконияти мавжуд. Бунинг учун IE Броузери ёрдам дарчасини очиш керак.

IE Броузери Справка дарчасидан фойдаланиш:

1. Бунинг учун |Справка менюси| ичидан > |Вызов справки| бандини танлаш етарли.
2. Сунгра очилған ёрдам дарчасининг чап қисмидә керакли бўлимни танлагач, дарчанинг ўнг қисмидә ушбу бўлимга тааллуқли ёрдам пайдо булади.

IE Броузери Справка дарчасини ёпиш:

1. IE Броузери ёрдам дарчасини ёпиш учун шу дарчанинг ўнг төра қисмидаги тутмасини босиш кифоя.

## 3.2. ВЕБ-МАНЗИЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ

### Веб-манзилларни аниқлаш

Веб-манзиллар, шунингдек URL (Uniform Resource Locators) деб ҳам аталади, Интернетдаги бирор-бир веб-саҳифа манзилининг номланиш ва аниқланиш тури ҳисобланади. Веб-саҳифа манзилларига мисол келтирамиз.

#### Веб Манзиллар

<http://www.center-it.net/index.php>

<http://www.center-it.net/index.php?!=e&page=photogallery>

#### Кўриниши

Бош Веб-саҳифа

Веб-саҳифа

### Веб-манзил ўзида қандай маълумотларни акс эттиради:

Стандарт веб-манзил формати манбага уланиш тури (протокол тури), сўнгра '://' белгиси, ундан кейин домен (domain) номини ва файл манзилини ўзида акс эттиради. Айрим ҳолларда файл манзили шарт эмас.

Эслатма: Веб-манзилларда ҳарфлар ва сонлар орасидаги бўш жой бўлиши мумкин эмас.

Протокол: манбага уланиш тури (протокол тури)

http://www.center-it.net/index.php

Махсус  
символ

Сервер ёки  
домен номи

Файл  
манзили

Файл номи

### Домен номи ва кенгайтмалари

Домендаги кенгайтма номига қараб веб-саҳифанинг қайси турга, қайси йўналишда фаолият кўрсатадиган ташкилотга тегишли эканлигини билиш мумкин. Кўйида келтирилган кенгайтмалар кўп учрайди:

Кенгайтма номи	Мансублик тури
.edu	Уқув ташкилотлари (Education)
.com	Савдо ташкилотлари (Commercial)
.gov	Давлат, хокимият ташкилотлари (Government)
.org	Савдо ва коммерция билан шугулланмайдиган ташкилотлар (Organization)
.net	Тармоқ ташкилотлар (Network)

Веб-манзилни қандай очиш мумкин:

- Веб-манзилга белгиланган гипербоғлиқни босиш орқали.
- Веб-саҳифа манзилини IE Броузери манзил дарчасида ёзиш орқали.

## Гипербоғлиқликлардан фойдаланиш

Аксарият веб-саҳифалар матнга белгиланган гипербоғлиқликлардан ташкил топади. Ушбу гипербоғлиқликни босиб фойдаланувчи бошқа веб-саҳифага ташриф буюриши ёки шу веб-саҳифанинг бошқа қисмига ўтиши мумкин.

Қайси матнга гипербоғлиқлик бириттирилганин қандай билиш мумкин? Бунинг учун матн устига сичқончани олиб келиш зарур. Агар сичқонча курсори ўз

кўринишини қўйидаги кўл шаклига ўзгартирса, демак, сиз гипербоғлиқлик бириттирилган матн устида турибсиз. Гипербоғлиқликка бириттирилган маълумот ёки веб-саҳифани очиш учун шу гипербоғлиқлик устида сичқончани босиш кифоя. Гипербоғлиқликларни, нафақат, матнга, балки расмга ҳам бириттириш мумкин.

Гипербоғлиқлик қайси манзилга элтиши мумкинлигини кўриш учун шу гипербоғлиқлик устига курсорни олиб бориб, IE Броузерининг **қўшимча маълумотлар** (I - Иловага қаранг) **панелига** қараш кифоя. (IE Броузери дарчасининг қўйи чап бурчагида намоён бўлади).

Веб-саҳифаларда айрим гипербоғлиқликларнинг ранги бошқаларидан ажралиб туради. Бунинг сабаби нимада? Ташриф буюрилган гипербоғлиқликнинг ранги бошқаларидан ўзгача бўлади. Бундай қулайлик фойдаланувчига қайси веб-саҳифага ташриф буюрганини ҳақидаги маълумотга эга бўлиб туришини таъминлайди.

Ташриф буюрилмаган гипербоғлиқлик	Саҳифага бириттирилган гипербоғлиқлик босилмаган. Аксарият ҳолатда бундай гипербоғлиқлик ранги кўк бўлади.
Ташриф буюрилган гипербоғлиқлик	Саҳифага бириттирилган гипербоғлиқлик босилган. Аксарият ҳолатда бундай гипербоғлиқлик қизиш рангда бўлади.

Ташриф буюрилган ва буюрилмаган гипербоғлиқликларнинг IE Броузеридаги кўриниш рангларини ўзгартириш учун **[Сервис] > [Свойства обозревателя...]** бандини танлаб, **[Общие]** бўлимидан **[Цвета]** тугмасини босиш ва ҳосил бўлган дарчадан керакли ранг танловларни амалга ошириш талаб этилади.

### **3.3. ВЕБ-САЙТ ВА САҲИФАЛАР ОРАСИДА ҲАРАКАТЛANIШ**

Орта қайтиш



Назад

Амалдаги веб-саҳифадан олдинги ташриф буюрилганига қайтаради.

Орта қайтиш учун қўйидаги амаллардан бирини бажаринг:

- Асбоблар панелида тугмасини босинг.
- Веб-саҳифа ичидаги сичқончанинг ўнг тугмасини босинг ва > **[Назад]** тугмасини танланг.
- **[Вид]** менюси > **[Переход]** > **[Вперед]** бандини танланг.
- **[Alt]+[←]** тугмаларини биргалиқда босинг.

Олдинга ҳаракатланиш



Вперед

Вперед тугмаси босилганда олдин ташриф буюрилган веб-саҳифага қайтаради.

Олдинга ҳаракатланиш учун қўйидаги амалларни бажариш лозим:

- Асбоблар панелида тугмасини босинг.

- Веб-саҳифа ичидаги сичқончанинг ўнг түгмасини босинг ва **|Вперед|** буйругини танланг.
- **|Вид|** менюсидан >**|Переход|** > **|Вперед|** бандини танланг.
- **[Alt]+[→]** түгмаларини (клавиатурадан) биргалиқда босинг.

## Бош саҳифага ўтиш

Ихтиёрий очилган веб-саҳифадан ва унинг исталған қисмидан IE Броузерида белгиланган бош саҳифага тезда қайтиш мүмкін. Ўз ўрнида IE Броузер бош саҳифасини олдиндан белгилаб күйиш керак. Бунинг учун >**|Сервис|** менюси > **|Свойства обозревателя...|** бандини танлаш керак (Бу масала кейинги 3.7. бўлимда батафсил кўриб ўтилади).

Бош саҳифага қайтиш учун қуидаги усулларнинг биридан фойдаланиш керак:

- Асбоблар панелида [] түгмасини босинг.
- **|Вид|** менюсидан >**|Переход|** >**Домашняя страница** бандини танланг.
- **[Alt]+[Home]** түгмаларни (клавиатурадан) биргалиқда босинг.

## Аввал ташриф буюрилган веб-саҳифани топиб очиш



IE Броузерида аввал ташриф буюрилган веб-саҳифани топиб, уни очиш имконияти мавжуд.

Бунинг учун қуидаги келтирилган усуллардан бирини бажариш талаб этилади:

- **|Вид|** менюсидан >**|Переход|** >... (келтирилган веб-саҳифалар руйхатидан) керакли веб-саҳифани танланг.
- IE Броузери манзиллар дарчаси ичидан керакли веб-саҳифани топиб, унинг устидаги сичқончанинг чап түгмасини босинг.
- **[Ctrl]+[H]** түгмаларини биргалиқда босинг ёки асбоблар панелидан [] түгмасини босинг. Натижада **Журнал** бўлими очилади. Шу дарчада керакли веб-саҳифани танлаб ва уни фаоллаштириш мумкин.

## Аниқ веб-манзил бўйича веб-саҳифани очиш

Аниқ веб-манзил маълум веб-саҳифани очиш учун:


1. Манзил ёзиш дарчасига веб-саҳифа манзилини ёзинг
2. Манзил ёзилгандан сўнг, http://www.center-it.net/ Переход
  - **[Enter]** түгмасини босинг.
  - Бошқа усул, манзил ёзилгандан сўнг **[Go]** түгмасини босишингиз ҳам мумкин.

Ёки

1. Қуидаги амаллардан бирини бажаринг:
  - **|Файл|** менюсидан >**|Открыть|** бандини танланг.
  - Ёки қуидаги **[Ctrl]+[O]** түгмаларини (клавиатурадан) бир вақтда босинг.
2. Керакли веб-саҳифани **|Открыты|** дарчасига ёзинг ва **[OK]** ёки **[Enter]** түгмасини босинг.

### 3.4. ИЗБРАННОЕ МЕНЮСИ БИЛАН ИШЛАШ

Избранное менюси тез-тез ташриф буюриладиган веб-саҳифанинг манзилларини ўз базасида сақлаб қолиб, кейинчалик шу базадан тезда исталган веб-саҳифага киришни осонлаштириш учун ишлатилади. Шунингдек, Избранное менюси таркибидаги каталогларни ҳамда файлларни тури бўйича саралаб, фойдаланиш учун кулай тарзда тартиблаштириб қўйиш имконияти ҳам мавжуд.



3.4.1-расм. |Избранное| менюсини ташкиллаштириш.

#### Избранное менюсига саҳифалар номини қўйиш

Айтиб ўтганимиздек, Избранное менюсига саҳифаларни қўшишимиз мумкин. Бу жуда ҳам осон.

Ташриф буюрилган веб-саҳифани Избранное га қўшиш учун:

- Кийидаги |Избранное| > |Добавить| тугмаларини танлаб, [OK]ни босинг.
- Бошқа усул, [Ctrl]+[D] тугмаларини бир вақтда босилади.

Избранное менюсини очиб веб-саҳифани юклаш учун:

1. Избранное менюсини танланг  
ёки  
асоблар панелида кийидаги [  ] тугмасини босинг.
2. Керакли веб-саҳифани танланг  
ёки  
керакли веб-саҳифани бирор-бир каталог ичидан танланг.

#### Избранное менюсини тартиблаш

Избранное менюсини тартиблаштириб, фойдаланиш учун кулай равища гурухларга бўлиб қўйиш мумкин. Кераклича каталоглар яратиш ва уларнинг ичига исталганча веб-саҳифаларнинг манзилларни сақлаб қўйиш мумкин.

Избранное менюси ичига каталог яратиш имконияти мавжуд. Каталог ичига яна битта каталог яратиш ҳам мумкин. Эсингизда бўлса, янги яратилган каталог ичи бўш бўлади.

Каталог яратиш учун:

1. |Избранное| менюси > |Упорядочить избранное...| бандини танланг.
2. Сунгра [Создать папку] тугмасини босинг.

3. Каталогга ном беринг.
4. Каталог яратиб бўлганингиздан сўнг [Закрыть] тугмасини босинг.

### **Избранное менюсида веб-саҳифаларни каталог ичига тартиблаштириб сақлаш**

*Избранное* менюси ичига каталог яратганингиздан сўнг маълумотни каталог ичига режалаштириб сақлаб қўйиш имконияти туғилади. Келинг, шу амалнинг қандай бажарилишини кўриб ўтамиш.

Маълумотни каталог ичига сақлаш учун:

1. |*Избранное*| менюси > |*Упорядочить избранное...*| бандини танланг.
2. Каталог ичига жойлаштириш талаб этилаётган веб-саҳифани танланг.
3. а) [Переместить] тугмасини танланг.  
б) Қайси каталог ичига жойлаштириш талаб этилаётган бўлса, шу каталогни танланг.  
с) Сўнгра [OK] тугмасини босинг,  
ёки |*Упорядочить избранное...*| дарчасини ичига керакли саҳифани танлаб сичқонча тугмасини қўйиб юбормаган ҳолда керакли каталог устига боргач, сичқонча тугмасини қўйиб юборасиз.
4. Сўнгра [Закрыть] тугмасини босинг.

### **Избранное менюсидаги рўйхатни тартиблаштириш**

Избранное (Сайланма) менюси ичидаги маълумотларни ўрнини алмаштириб, кўп фойдаланиладиганларни рўйхатда юқорироқ кутариш мумкин.

Бунинг учун қўйидаги амалларни бажариш керак:

1. |*Избранное*| > |*Упорядочить избранное...*| тугмасини танланг.
2. Веб-саҳифани танлаб, керакли жойга суриб ўтказинг.
3. Сўнгра [Закрыть] тугмасини босинг.

### **Сайланмалар номини ўзгартириш**

Сайланма (Избранное) номига исталган номни қўйиш мумкин.

Сайланма номини ўзгартириш учун:

1. |*Избранное*| > |*Упорядочить избранное...*| тугмасини босинг.
2. Номини ўзгартириш талаб этилган сайланмани белгиланг.
3. Шундан сўнг [Переименовать] тугмасини босинг.
4. Керакли номни ёзинг.
5. Сўнгра [Enter] тугмасини босинг.
6. Энди [Закрыть] тугмасини танлаб дарчадан чиқинг.

Айрим ҳолларда Избранное менюси ичидаги каталог ёки сайланмаларни ўчириш талаб этилади. Бунинг учун қўйидаги амалларни бажариш керак:

1. |*Избранное*| менюси > |*Упорядочить избранное...*| тугмасини босинг.
2. Ўчириш талаб этилаётган сайланма ёки каталогни белгиланг.
3. Сўнгра [Удалить] тугмасини босинг.
4. Сўров дарчасига [Да] деб жавоб беринг.
5. Шундан сўнг [Закрыть] тугмасини босиб дарчадан чиқиб кетинг.

## **Избранное менюсими экспорт қилиш**

**Избранное** менюсими экспорт қилишдан мақсад нима? Фараз қилинг, **Избранное** менюси ичидаги веб-мэнзилларни бирон бошқа компьютерга ўтказиш керак ёки компьютер хотирасига сақлаб қўйиш керак. Бундай ҳолларда **Избранное** менюсими экспорт қилиб мақсадга эришиш мумкин.

Избранное менюсими экспорт қилиш учун:

1. **[Файл]** менюси > **|Импорт и Экспорт...|** бандини танланг.
2. Сўнгра **|Мастер импорта-экспорта...|** дарчасида **[Далее]** тугмасини босинг.
3. Дарчадан **“Экспорт избранного”** опцияси танланг ва **[Далее]** тугмасини босинг.
4. Export қилиниши талаб этилган каталогни белгилаб ва **[Далее]** тугмасини босинг.
5. Очилган дарчада файл сақланиши керак бўлган жойни ва номини кўрсатинг сўнгра **[Далее]** тугмасини босинг.
6. Шундан сўнг **[Готово]** тугмасини босинг.
7. Охирида **[OK]** тугмасини босиш керак.

## **Избранное менюсими импорт қилиш**

Избранное менюсими экспорт қилганимиздан сўнг уни керакли компьютерга кўчириб ўтказиш мумкин. Бунда мисол учун сиз ўз Избранное файлингизни бошқа кишига беришингиз мумкин ва у фойдаланувчи сиз берган файлдан фойдаланиш учун уни ўз компьютерига импорт қилиши лозим. Бунинг учун экспорт қилинган Избранное менюсими импорт қилиш керак бўлади.

Избранное файлни импорт қилиш учун:

1. **[Файл]** менюси **|Импорт и Экспорт...|** банди танланади.
2. Сўнгра **|Мастер импорта-экспорта...|** дарчасида **[Далее]** тугмаси босилади.
3. Дарча ичидан **‘Импорт избранного’** опцияси танланади, **[Далее]** тугмаси босилади.
4. Импорт қилиниши талаб этилган файлни белгилаб, **[Далее]** тугмаси босилади.
5. Импорт қилинаётган сайланмани қаерга қўйиш кераклигини белгилаб, **[Далее]** тугмаси босилади.
6. Сўнгра **[Готово]** тугмасини босинг.
7. Охирида **[OK]** тугмасини босиш керак.

## **3.5. ССЫЛКИ МЕНЮСИ БИЛАН ИШЛАШ**

Интернет Explorer дастури фойдаланувчи вақтини тежаш ва иш унумдорлигини оширишга катта аҳамият беради. Шу мақсадда сизга **Ссылки** менюсидаги веб-мэнзиллар гипербоғликларини асбоблар панелига чиқариб беради.

Ссылки менюсими очиш:

<b>Ссылки тугмасини қўйиш учун:</b>	<b>Қўйидаги амалларни бажаринг:</b>
<b>Интернет Explorегда</b>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. IE асбоблар панецида <b> Вид </b> менюси&gt;<b> Панели инструментов </b> бандини танланг.</li><li>2. Сўнгра <b> Ссылки </b> тугмасини белгиланг.</li></ol>

Топшириқлар панелида	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Топшириқлар панелида сичқончанинг ўнг тұгмасини босинг.</li> <li>2.  Панели инструментов  бандига утинг.</li> <li>3.  Ссылки  опциясіни тәнләнг.</li> </ol>
----------------------	---

### Веб-сақиғаны Ссылки менюсига құйиши

Хар қандай веб-сақиға манзилини **Ссылки** менюсига бемалол құшиш имконияти мавжуд.

#### Бунинг учун:

1. IE Броузери манзил дарчасида веб-сақиғанинг манзили бошига сичқончани олиб келинг.
2. Сичқончанинг чап тұгмасини босған ҳолда **Ссылки** менюси устига тортиб келинг.
3. Ссылки менюси устида сичқончанинг чап тұгмасини құйиб юборинг.

### Веб-сақиға манзилини Ссылки менюсидан үчириши

Ссылки менюсига веб-сақиға манзилини қандай енгиллік билан құшган бұлсанғыз, шундай осонлик билан үчириш ҳам мүмкін.

#### Бунинг учун:

1. Үчириш талаб этилған веб-сақиға манзили устига курсорни олиб келинг.
2. Сичқончанинг ўнг тұгмасини босиб, pop-up менюсини қосып қилинг.
3. Очилған дарча ичіда [Delete] тұгмасини босинг.
4. Үчиришина тасдиқлаб, [Yes] тұгмасини босинг.

### Ссылки менюси ичидаги манзилларни үзгартыши

Ссылки менюси ичига құшилған ҳар қандай сайланма Избранное менюсининг Ссылки каталогида акс этади. Шундай экан, каталог ичига каталог ёки сайланма құшиш, уни номини үзгартыши ҳамда уларни үчириш бизга Избранное менюси билан ишлаш бұлымидан таниш.

## 3.6. INTERNET EXPLORER БРОУЗЕРИНИНГ ҚҰШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАРИ

### IE Броузери дарчасини бутун экран бүйічина катталаштириши

Во весь экран бүйруги орқали Броузер дарчасини экран бүйічина катталаштирилған ҳолда ёки нормал күринишга үтказыш имконияти мавжуд.

#### IE Броузери дарчасини бутун экран бүйічина катталаштириш:

Бунинг учун құйидаги амаллардан бирини бажаринг:

- [F11] тұгмасини босинг.
- |Вид| > |Во весь экран| бандини тәнләнг.

### IE Броузери дарчасини нормал ҳолға қайтариши:

Бунинг учун құйидаги амаллардан бирини бажаринг:

- [F11] тұгмасини босинг.
- IE Броузери дарчаси ўнг юқори бурчагидан [Восстановить] тұгмасини босинг.

**Эслатма:** [F11] түгмасини қайта-қайта босиш орқали IE Броузери дарчаси катталигини ўзгартириш мумкин, яъни бир марта босилганда катталашади, иккинчи бор босилганда эса асл ҳолатига қайтади.

### Веб-саҳифани юклашни тўхтатиш

Веб-саҳифани юклашни тўхтатиш учун

Кўйидаги амаллардан бирини бажаринг:

- |**Вид**| >|**Остановить**| бандини танланг.
- Клавиатурадан [Esc] түгмасини босинг.
- Асбоблар панелидан [] түгмасини босинг.

### Веб-саҳифани қайта юклаш

Веб-саҳифани қайта юклаш орқали, веб-саҳифа таркибини ўзгарган янги маълумотлар билан акс эттириш мумкин.

Веб-саҳифани қайта юклаш учун кўйидаги усууллардан фойдаланиш мумкин:

- Асбоблар панелидан [] түгмасини танланг.
- |**Вид**| >|**Обновить**| бандини танланг.
- Клавиатурадан [F5] түгмасини босинг.

### Фойдаланилаётган Internet Explorer (IE) Броузери дастурининг версиясини аниқлаш

Ишлататиётган IE Броузери дастурининг версиясини билиш учун қўйидаги амалларни бажариш лозим:

1. |**Справка**| менюси > |**O программе**| бандини танланг.
2. Аҳамият беринг, дастурнинг версияси биринчи келтирилган (одатда, биринчи қаторда).
3. [OK] түгмасини босиб чиқиб кетасиз.

### |Панели инструментов|, |Строка состояния|, |Панели обозревателя| асбобларни акс эттириш ва эттирмаслик

|Панели инструментов|, |Строка состояния|, |Панели обозревателя| асбоблари дарчаларини фойдаланувчининг хоҳишига қараб акс эттириш ёки акс эттирмаслик имкониятлари мавжуд.

Айтиб ўтилган дарчаларни акс эттириш ёки акс эттирмаслик учун:

1. >**Вид** менюсини очинг.
2. Керакли асбоблар панелини, яъни |Панели инструментов|, |Строка состояния|, |Панели обозревателя| дарчаларидан бирини танланг.

**Эслатма:** Асбоблар панелида айрим дарчаларни акс эттириш ва аксинча, акс эттирмаслик мумкин. Улар қўйидагилар: /Стандартные кнопки/, /Адресная строка/, ва /Ссылки/ асбоблари.


## Веб-сақиға ёрлигінни иш столидан яратыш

Веб-сақиғадан яратылған ёрлик шу веб-сақиғаның олдиндан сақланған ҳолатини тезда очиш үчүн хизмат қылади.

Веб-сақиғага бириктирилған ёрлик бирор-бір файл ёки каталогда бириктирилған ёрлик каби ишлайди. Демак, иш столидан яратылған ёрлиқи босиб, веб-сақиғаның сақланған жойига тез үтиб ишни давом эттиришиш имконияти пайдо бўлади.


Иш столидан веб-сақиғага ёрлик яратыш үчун:

1. Веб-сақиға ичида сичқончанинг үнг тұмасини босинг ва "Создать ярлык" тұмасини танланг (3.6.1-расм.).



3.6.1-расм. Иш столидан ёрлик яратыш.

2. Очилган *pop-up* менюсида |Создать ярлык| банди танланғандан сүнг экранда қуйидаги дарча пайдо бўлади:



3. [OK] тұмасини босинг.

**Эслатма:** Энди шу яратылған ёрлиқни иш столига үтиб текшириб кўринг.

### Янги дарча очиш

Шундай ҳолатлар бўладики, сиз очиб, фойдаланаётган веб-сақиғани иккى ёки ундан ортиқ IE Броузери дарчаларидан очиш керак бўлиши мумкин.

Шундай ҳолатларда янги дарча очиш үчүн қуйидаги усуллардан бирини танлаш лозим:

- |Файл| менюси > |Создать| > |Новое окно| бандини танлаш.
- Клавиатурадан [Ctrl] + [N] тұмаларни баравар босиши.

**Натижә:** Янги очилған Explorer дарчаси ташриф буюрилған веб-сақиға билан бирга очилади (Сиз қайсы веб-сақиға устида янги IE Броузери дарчасини очган бўлсангиз, янги дарчада айнан шу веб-сақиға пайдо бўлади).

## Cookies ларга рухсат бериш

Айрим веб-сайтлар бирор-бир маълумотга эга бўлган матн кўринишидаги файлларни компьютерга сақлади. Бундай файллар **cookie** деб аталади.

**Cookies** лар турли хил бўлади. Фойдаланувчи улардан фойдаланишга рухсат бериш ёки умуман улардан фойдаланишни тақиқлаши мумкин. Айрим веб-саҳифалар бундай файлларни кўплаб ишлатади, шунинг учун улардан фойдаланишни бутунлай тақиқлаш, бундай веб-саҳифанинг барча қулийларидан баҳраманд бўлишни чеклаб кўйиш мумкин.

### Cookies ларга рухсат бериш учун:

1. IE Броузерида **|Сервис|** менюси > **|Свойства обозревателя|** бўлимига киринг.
2. Бу ердан **|Конфиденциальность|** бўлимини танланг.
3. Ползунни тепага/пастга кўтариш йили билан маҳфийликни ошириш/камайтириш мумкин.
4. **[OK]** тугмасини босинг.

**Эслатма:** Он-лайн режимидаги регистрация хизматлари учун cookies лардан фойдаланишга рухсат берилган бўлиши керак. Шу сабаб ҳеч қачон ҳамма cookies ларни тухтатиш имкониятини, яъни "Block all cookies" ни танламанг. Шу билан бирга ёдингида тутинг, Cookies лар билан ишлаганда эҳтиёт бўлиш керак, зоро, улар Сиз ҳақингиздаги шахсий маълумотларни ҳам ўзида сақлади.



## 3.7. INTERNET EXPLORER БРОУЗЕРИНИ СОЗЛАШ

Internet Explorer (IE) Броузеридан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш ва ундан унумли фойдаланиш учун IE Броузерида керакли ростлашларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. IE Броузерида бир қатор гурухлашган категорияларга бўлинган ростлаш имкониятлари мавжуд ва улар орқали фойдаланувчи учун муҳим бўлган ҳамма ростлашларни бажариш мумкин. Сиз фойдаланаётган IE Броузерининг ростланишидан асосий мақсад Интернетдан маълумотлар алмашинуви ва уланиш даврида сиз фойдаланаётган компьютерда ва қлаверса, шу компьютер уланган тармоқда хавфсизликни таъминлаш ва иш унумдорлигини оширишdir.

Амалиёт ва кузатишларнинг кўрсатишича, кўпчилик Интернет фойдаланувчилари IE Броузерида умуман ростлашларни амалга оширишмайди ва Интернет Броузерларини созлашни жуда мураккаб деб биладилар. Бир қараща бу шундай кўринади ва жуда кўп нарсаларни билиш талаб этиладигандек туюлади, аслида, бу ундей эмас.

IE Броузерида ростлашларни икки хил йўл билан бажариш мумкин.

- 1) IE Броузерини ишга тушириб, **|Сервис|** менюси > **|Свойства обозревателя|** банди танланади (3.7.1-расм, А) ва **|Свойства обозревателя|** дарчаси пайдо бўлади.
- 2) Иш столидаги IE Броузерининг Internet Explorer сичқончанинг ўнг тугмасини босиш ва ҳосил бўлган дарчадан **Свойства** банди танланади ва (3.7.1-расм, В) келтирилган **Свойства** дарчаси пайдо бўлади.



3.7.1-расм. Интернет Броузерини созлаш.

### Бош саҳифани үрнатиш

Бош саҳифа деб IE Броузери ёқилганды очилиши талаб этилган веб-саҳифа тушунилади. Бош саҳифа сифатида исталған веб-саҳифа манзилини киритиш мүмкін! Стандарт ҳолаттарда бош саҳифа *about:blank* бұллади.

Бош саҳифаны үрнатиш учун (3.7.1- расм):

1. IE Броузериде |Сервис| менюси >|Свойства обозревателя| бандини танланг.
2. |Свойства обозревателя| дарчасидан |Общие| бўлимини танланг.
3. **Домашняя страница** бўлимида > **Адрес** манзил дарчасига ўзингиз истаган веб-саҳифа манзилини ёзинг. Мисол учун: <http://www.center-it.net>
4. Сўнгра [OK] тугмасини танланг.


**Эслатма:** Баш саҳифани киритиб тасдиқлангандан сўнг IE Броузерида фойдаланиш вақтида ва ихтиёрий веб-саҳифаларга ташриф буорилган пайтда, [None] тугмасини босиш орқали белгиланган баш саҳифага қайтиш мумкин.

### Cache ни тозалаш (Вақтинчалик Интернет каталоглари)

Айрим пайтларда компьютерингизда йиғилиб қолган вақтинчалик Интернет каталогларини – **cache** ларни ўчириш талаб этилади. Бунга сабаб, дастурнинг ишлашида баъзи бузилишлар бўлиши мумкин.

Cache ни ўчириш учун (3.7.2-расм):

1. IE Броузерида |Сервис| менюси > |Свойства обозревателя...| бандига киринг.
2. Общие бўлимидаги [Удалить файлы...] тугмасини босинг (*Временные файлы Интернета* бўлими).
3. Пайдо бўлган Удаление файлов дарчада [OK] тугмасини босинг.



3.7.2-расм. Свойства обозревателя Cache файлларни ўчириш.


**Эслатма:** Вақти-вақти билан **cache** файлларини ўчириб туриш лозим. Бу билан эски веб-саҳифаларни компьютер хотирасидан ўчириб, ҳозирда ташриф буорилаётганларини сақлаш имконияти пайдо бўлади.

## Хавфсизлик даражасини ўзгартириш

Компьютерингизни вируслар, спамлар, spyware лардан ҳимоя қилиш мақсадида Броузер орқали хавфсизликни етарлича таъминлашингиз зарур. Бунинг учун қуидаги амалларни бажариш зарур:

1. |Сервис| менюси > |Свойства обозревателя...| бандини танлаб, |Безопасность| бўлимига ўтинг (3.7.3-расм. А).
2. [Интернет] тумасини босинг.
3. [Другой...] тумасини босинг.
4. Шундан сўнг очилган дарча – **Параметры безопасности** (3.7.3-расм, В) ичидан Отключить, Разрешить, Предлагать ва ҳоказо танлаш имкониятларидан фойдаланиб хавфсизликни ўзгартиринг.
5. Шунингдек, **Востановить прежние параметры** бўлимидан (3.7.3-расм, В) аввалдан белгилаб қўйилган хавфсизлик даражасини танлаш ёки **На уровень** танлаш дарчасидан **Средний/Ниже среднего/Низкий** ларидан кераклигини танлаш ҳам мумкин.
6. Шундан сўнг [OK] тумаси босилади.

Шунингдек, [Безопасность] бўлимидан фойдаланиб **Местная интрасеть, Надежные узлы** ва **Ограниченные узлы** бўлимларини очиб, керакли хавфсизлик меъёрларини белгилаб чиқишингиз мумкин.



3.7.3-расм. |Свойства обозревателя| -> |Безопасность| -> |Интернет| -> |Другой| -> |Параметры безопасности|.


### Махфийликни сақлаш (Конфиденциальность)

Интернетда ишлаш жараёнида ҳар бир фойдаланувчи ўз шахсий маълумотлари хавфсизлигини таъминлашни истайди, албатта. Хавфсизликни ҳар бир фойдаланувчи ўз талабларидан келиб чиқсан ҳолда IE Броузерда ўзгартириш ва ростлашларни амалга оширган ҳолатда таъминлаш мумкин.

Бунинг учун қуидаги амалларни бажариш лозим:


1. |Сервис| менюси > |Свойства обозревателя...| банди > |Конфиденциальность| бўлимини очиб (3.7.3-расм.)

- [Узлы...] тұгмасини таңлайсиз (3.7.3-расм), [Адрес веб-узла:] манзил дарчасига керакли веб-сақыфа манзилини (URL) ёзіб, шу веб-сақыфага киришиң тақиқлаш **Block** ёки рухсат **Allow** беришимиз мүмкін. Ўзғарышлар күчгә кириши учун OK тұгмасини босинг.
- ёки-
- [Импорт...] тұгмасини босиш орқали Интернет Explorerge созланған файлдан хавғызсизликни таъминлаш мақсадида фойдаланиш мүмкін.



### 3.7.4-расм. |Свойства обозревателя...| > |Конфиденциальность| > |Параметры блокирования всплывающих окон| дарчаси күриниши

- [По умолчанию] тұгмасини босиш орқали эса (3.7.4-расм.), IE Броузерини стандарт ҳолатда белгиланған ўрнатмаларига келтиришимиз мүмкін. Ползун орқали эса мағнайтын ошириш/камайтириш мүмкін.
- [Дополнительно...] тұгмасини таңлаб туриб (3.7.4-расм.), IE Броузери хусусиятларни құшимча равища созлаш имкониятiga зәг бұласиз.
- Бундан ташқары [Блокирование всплывающих окон] қисмida (3.7.4-расм.) [Параметры...] [Параметры блокирования всплывающих окон] тұгмасини босиш билан IE Броузерни құшимча созлаш мүмкін, яның баъзы веб-сақыфалар қисмларида бүртиб турувчи (всплывающие) дарчалар булишига рухсат бериш учун уларни рўйхатга киритиш мүмкін.
- Ўзғарышлар күчгә кириши учун OK тұгмасини босиш лозим.




3.7.5-расм. |Свойства обозревателя...| > |Конфиденциальность| > |Дополнительно параметры конфиденциальности| дарчаси кўриниши.

#### |Содержание| бўлими:

|Содержание| бўлими орқали Интернетда жойлаштирилган номақбул маълумотларга эга веб-саҳифаларни ўчириб, фойдаланувчилар кўришининг олдини олиш мумкин.

Веб-саҳифани маълумотлар таркиби бўйича саралаш учун қуидаги амалларни бажариш лозим:

1. IE Броузери Сервис менюси ичидан [Свойства обозревателя...] тутмасини танланг.
2. Сўнг|Содержание| бўлимига ўтасиз.
3. | Содержание | бўлимида [Включить...] тутмасини танлайсиз (3.7.6-расм)
4. [Content Advisor] бўлимида (3.7.6-расм), [Ratings] > бўлимини танлаб "RSACi - Recreational Software Advisory Council" бўлимига киринг. Ушбу бўлимини (Language/Nudity/Sex/Violence) каби параметрлар бўйича матнни саралаш имконияти мавжуд.




3.7.6.–расм. |Свойства обозревателя ...| > |Содержание|> |Content Advisor| дарчаси.

**Эссеатма:** Хавфсизликни энг юқори чегарага ўрнатиш жуда күл веб-саҳифаларни кўришни чегаралаб қўйиши мумкин. RSAC: даражасини (3.7.7–расмга қаранг) янада ошириш билан турли хилдаги этикага тўғри келмайдиган сўзлар мавжуд бўлган саҳифаларни кўриш мумкин бўлади. Олинаётган ёки кўрилаётган веб-саҳифалар таркибини хавфсизлик ва маҳфийлик учун текширишда |Content Advisor| бўлимида параметрларнинг тўғри ўрнатилганлиги жуда муҳимдир.

More info... тутмасини босиш орқали Интернетда шу хавфсизлик чегараси бўйича келтирилган изоҳ билан танишишингиз мумкин.

|Approved Sites| бўлимига ўтиб эса ишончли/ишончсиз веб-саҳифалар (URL) манзилларини киритиб чиқишингиз ва Always/Never саралаш турини белгилаб Применить ва OK тутмаларини босиш талаб этилади (3.7.7–расм).

5. |General| бўлимига кириб "Supervisor" паролини Create Password... тутмасини босиш орқали ўзгартириш киритиш мумкин. Бу йул билан рухсат берилмаган веб-саҳифаларга киришни назорат қилиш мумкин. Бундай ҳолатда IE Броузери рухсат берилмаган веб-саҳифани юклашдан олдин парол сўрайди, парол киритилмагунча саҳифа юкланмайди. Бундай усул компьютердан ёш болалар фойдаланадиган ҳолда жуда кўл келади.




3.7.7-расм. |Свойства обозревателя...| > |Содержание| > |Content Advisor| > |Approved Sites| > |General| булими

### Интернетга уланиш

“Свойства обозревателя...” |Подключения| булими орқали (3.7.8-расм “А”). [Установить...] тұғасини босиш йўли билан Интернетта уланиш мумкин. Демак, [Установить ...] тұғасини босилса, экранда Интернетта уланиш дарчаси пайдо бўлади.

(3.7.8-расм “В”). Дарчада [Далее] тұғаси босилади ва керакли танловлар амалга оширилади.




3.7.8-расм. |Свойства обозревателя...| > |Подключения| > |Установить...| > |Мастер новых подключений| дарчаси.

Яна бир усул - [Добавить...] тұғмасини босып (3.7.9-расм "A") New Connection Wizard дарчасини қосыл қыланади (3.7.9-расм "B"). Дарчада кераклы уланиш тури танланади ва [Далее] тұғмаси босылади (3.7.9- расм "B").

Аввал белгиланған Интернетта уланиш номини үчириш учун [Удалить] тұғмасини босып талаб этилади (3.7.9-расм "C").


Куриб үтилаёттан [Подключения] бұлымида аввал үрнатылған уланиш хусусиятларини үзгартыриш (3.7.9-расм "D") ёки локал тармоқ хусусиятларини үзгартыриш имкониятлари мавжуд (3.7.9-расм "E").



3.7.9-расм. |Свойства: Интернет| > [Подключение] > [Добавить, Удалить, Настройка и Настройка Локальной сети] дарчалари

## |Программы| - бўлими


Шунингдек, |Свойства обозревателя...| > |Программы| бўлимидан Интернет хизматларини қабул қиласидиган, мисол учун HTML кодини таҳрирлаш, Электронная почта, Группа новостей ва ҳ.к. функцияларни бажаришда ва таҳрирлашда фойдаланадиган Windows дастурларини танлаш мумкин (3.7.10-расм). Расмдаги мисопларга аҳамият беринг, бизнинг ҳолатда HTML кодни таҳрирлаш учун Microsoft office FrontPage дастури белгиланган. Шундан сўнг IE Броузери асблори панелида Microsoft office FrontPage дастурининг тугмаси ҳосил бўлади (3.7.10-расм). Худди шунингдек, Интернет хизматларининг бошқа турларини ҳам, бирор-бир дастурга boglab қўйиш мумкин.



3.7.10-расм. |Свойства обозревателя...| > |Программы| бўлими

**Эслатма:** Редактор HTML веб-саҳифа ёзилган HTML кодни кўриш учун дастур. Ундан бирон-бир веб-саҳифани қайта таҳрирлаш жараёнида фойдаланиш мумкин.


[Надстройки...] (3.7.11-расм "A") тугмаси босилса, Управление надстройками дарчасини ҳосил бўлади. Бу дарча орқали IE Броузерида фойдаланилайдиган программалар рўйхати келтирилган ва бу программаларни улаш (ишлатиш) ёки ўчириб қўйиш (ишлатилмайдиган қилиш) мумкин (3.7.11-расм "B"). Бу қўшимча программа ва дастурларнинг мухимлиги шундаки, улар орқали IE Броузери имкониятларни турли хилдаги веб-саҳифалар таркибий қисмларини ҳар хил форматларда кўрсата олиш имкониятини яратади.



### 3.7.11 – расм. |Свойства обозревателя...| > |Программы| > |Управление надстройками| дарчаси

|Дополнительно| бўлими

|Свойства обозревателя...| менюсида |Дополнительно| бўлими мавжуд. Бу бўлимда IE Броузери кўшимча кўрсаткичларини хавфзизлик бўйича, Броузернинг экранда тури форматдаги веб-саҳифаларни кўрсатиши бўйича, ҳар хил мультимедия форматидаги веб-сайтлар мъълумотлари бўйича, ҳам шундай параметрларини ростлаш мумкин. Бундай ўзгаришларни амалга ошириш учун |Сервис| > |Свойства обозревателя...| > |Дополнительно| бўлимига кириш керак (3.7.12-расм). Керакли кўрсаткичини белгилаш учун |Сервис| > |Свойства обозревателя...| > |Дополнительно| бўлимида (3.7.12-расм) кўрсаткичини танлаш керак.



### 3.7.12 – расм. |Свойства обозревателя...| > |Дополнительно| бўлими

**Эслатма:** Агар сиз фойдаланаётган Интернет тармоғи тезлиги жуда секин бўлса, у ҳолда бир қатор мультимедия форматидаги файллар ва график форматидаги маълумотларни IE Броузерида кўрсатишни ўчириб қўйишингиз мумкин. Шу йўл билан сиз матн форматидаги маълумотларни тез олиш (Интернетдан) ва алоқа хизматларидан унумлироқ фойдаланиш имкониятига эга бўласиз. Бундан ташқари Йдополнительнон бўлими орқали принтерга чиқараётган веб-саҳифаларнинг фонини ўчириб қўйишингиз ҳам мумкин.

### 3.8. Веб-саҳифани чоп этиш

Веб-саҳифани принтерда чоп этиш печать

Компьютерингизга принтер уланган бўлса, сиз ихтиёрий веб-саҳифани чоп этиш имкониятига эгасиз.

**Бунинг учун:**

1. Қўйидаги амалларни бажаринг:
  - |Файл| > |Принтер| тугмасини танланг
  - Клавиатурадан [Ctrl]+[P] тугмаларини биргаликда босинг
2. Принтерлар хусусиятларини ўзгартиринг
3. Сўнгра [Печать] тугмасини босинг  
ёки

Асбоблар панелидан [] тугмасини босинг.


**Эслатма:** Кўп ҳолларда, веб-саҳифанинг айrim қисмларидағи маълумотни принтердан чиқаришга тўғри келади. Бунда керакли маълумотни белгилаб IE Броузеридан фақат белгиланган майдонни - |Выделение| > |Печать| буйруғи танланади. Ва аксинча, айrim ҳолларда нафақат веб-саҳифаларнинг ўзини, балки ундаги гипербοглиқпардаги бошқа хужжатларни ҳам принтерга бериш талаб этилиши мумкин. Унда IE Броузерида |Печатать связанные документы| ёки |Печатать таблицы ссылок| буйруғини танлаш лозим. Веб-саҳифани принтерга беришдан олдин “print preview” дарчасини очиб кўриб чиқиш ҳам фойдадан холи эмас. Бу дарчада принтерга юборилаётган маълумот қоғозда қандай кўринишга эга бўлиши кўрсатилади.

### 3.9. Интернет Explorerда Ёрдам дарчасини чиқариш

IE Броузерида [Справка] дарчасини чиқариш учун клавиатурадан [F1] тұгмасини босиш еtarли


ёки

IE Броузери [Справка] менюсінің танлаб, **Вызов справки** тұгмасини босиш керак. Натижада экранда Microsoft Internet Explorer дарчасы пайдо бўлади (3.9.1-расм «A» ва «B» қисмлари). IE Броузери **pop-up** дарчаси ичидан (3.9.1-расм «B»), [Содержание] булими орқали ёрдам дарчаси таркиби билан танишишингиз мумкин. Шу дарчанинг [Указатель] ҳамда [Поиск] бўлимлари орқали эса бирор қалит сўз бўйича ёрдам олишингиз, қидириб топишингиз мумкин. Бу бўлим ёрдамида бирор-бир олинган ёрдамни сақлаб кўйиш имконияти мавжуд. Бунинг учун бирор ёрдамни танлаб, [Избранное] бўлимига кириб “Добавить” тұгмасини босиш талаб этилади. Талабга қараб ёрдам pop-up дарчасидан қидирив бўлимларини яшириш (3.9.1-расм, “C”) ҳамда яна кўринадиган қилиш мумкин (3.9.1-расм, “B”, “D”). Шунингдек, IE Броузери Help pop-up дарчаси хусусиятларини (3.9.1-расм, “D”) ўзgartириб талабга яраша созлаш мумкин. Интернетда ишлаш жараёнида Веб-ёрдамидан ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Бунинг учун [Web Справка] тұгмасини босиш кифоя (3.9.1-расм. “B”).




3.9.1-расм. [Справка] менюсидан фойдаланиш

Олдинги бўлимларда айтиб ўтилганидек, IE Броузерида |Справка| > |Полезный совет| бўйруги мавжуд. |Справка| > |Полезный совет| бўйругини бажариш орқали IE Броузери дарчасида маҳсус дарча ҳосил қилинади (3.9.2-расм).



### 3.9.2-расм. |Справка| > |Полезный совет| дарчаси

Шунингдек, |Справка| менюсида Netscape Navigator Броузеридан фойдаланиш бўйича |Для пользователей Netscape| маълумоти мавжуд. IE Броузерининг ишлаш жараёнида пайдо бўлган камчиликларни, талаб-таклифларингизни Microsoft компаниясига |Справка| > |Техническая поддержка| бўйруги орқали жўнатишингиз мумкин. |Справка| > |О программе| бўйругини бажариш орқали IE Броузери ҳақидаги маълумотга ҳам эга бўлиши йўлга кўйилган ( 3.9.3-расм).



### 3.9.3-расм. |Справка| > |О программе| дарчаси кўриниши.

## **4-Боб. Интернетда ахборот қидирудини амалга ошириш**

### **4.1. МАЪЛУМОТ ҚИДИРИШДА ВАРАҚДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Интернетда топиш керак бўлган маълумотлар предметини ва номини вараққа ёзib олинг:

ҚИДИРИШДАН ОЛДИНГИ АМАЛИЙ ТАҲЛИЛНИ БАЖАРИНГ

- 1. Сиз қидирмоқчи бўлган маълумотда қандай НОЁБ НОМ, КАЛИТ СҮЗ, ҚИСҚАРТМА НОМЛАР, АТАМАЛАР қатнашганлиги ҳақида ўйлаб кўринг?**

Шундай сўзларни танлаш керакки, бу сўзларнинг бошқа шаклан фақат ўхшаш веб-саҳифаларда учраш эҳтимоллиги иложи борича жуда кичик бўлсин.

- 2. Сиз қидираётган маълумот билан боғлиқ бирон-бир корхона, ташкилот, жамиятлар веб-саҳифаларида бўлиши мумкинлиги ҳақида биласизми? Калит сўзларни қўшитирноқ ичига ёзib ҳам қидириш мумкин?**
- 3. Ўйлаб кўринг, яна қандай калит сўзлар сизга керакли маълумот ичида қатнашиши мумкин?**

Бир неча сўзни бир-бирига AND ёки + белги орқали қўшиб ёзишингиз мумкин.

- 4. 1-, 2- ёки 3-амалларда келтирилган фикрларни, сўзларни бир-бiri билан жойини ўзгартириш йўли билан керакли кўринишига ҳосил қилинг.**
- 5. 4-амалда ҳосил қилинган сўзлар йигиндисини, синонимлари билан алмаштиришини ҳам ўйлаб кўринг, балки айнан шу синонимлар ҳам керакли ҳужжатда ишлатилган бўлиши мумкин.**
- 6. Ҳосил қилинган сўзлар тўплами бизга керакли бўлмаган натижани тақдим этиш эҳтимолини иложи борича камайтиринг.**

Сўзлар кетма кетлигини “–” белгисини қўйиб ёки AND NOT сўзларини қўшиб ҳам қидирудини амалга ошириш мумкин.

### **4.2. ИНТЕРНЕТДА ҚИДИРУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ**

**Маълумот топиш**


WWW тармоғининг кундан-кун кенгайиб бораётганлигини инобатга олиб, маълумотни тезда қидириб топиш жараёни борган сари қийинлашиб кетмоқда. Маълумот қидирудини осонлаштириш мақсадида қидируд тизимларидан

фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Керакли веб-саҳифа топилиб очилгандан сүнг саҳифа ичидә ҳам керакли матнни қидириб топиш мумкин.

## Веб-саҳифа ичидә матнни қидириб топиш

Саҳифада бирор-бир матнни излаб топиш учун қўйидаги амаллардан бирини бажариш лозим:

1. Демак, [Ctrl]+[F] тұғмасини босиш ёки
2. |Правка| > |Найти на этой странице... буйруқларини IE Броузерида бажариб, |Поиск| дарчасини ҳосил қиласиз ва қидирилаётган матнни |Найти| дарчасига ёзинг;



3. Сүнгра [Найти далее] тұғмасини босинг.

Керакли матн излаб топилғандан сүнг қидирувни тутатиш учун [Отмена] тұғмасини босинг.

## Қидирув моторларидан фойдаланиш

Қидирув моторлари Интернетда мавжуд веб-саҳифалар ичидә калит сўзлар бўйича қидирувни амалга оширишга кўмаклашади. Кўйида айрим қидирув моторларининг номи ва манзили келтирилган:

Қидирув моторлари	Манзили URL
Google	<a href="http://www.google.com">http://www.google.com</a>
InfoSeek	<a href="http://www.infoseek.com">http://www.infoseek.com</a>
Lucos	<a href="http://www.lycos.com">http://www.lycos.com</a>
Yahoo	<a href="http://www.yahoo.com">http://www.yahoo.com</a>

Қидирув моторларида қидирувни амалга оширишда қидирув дарчасига керакли калит сўз ёзилади ва қидирув тұғмаси босилади.

## Boolean операторларидан фойдаланиш

Boolean операторлари қидирув моторларida бир неча калит сўзни бирлаштириб қидирувни амалга оширишга мўлжалланган.

## AND



AND термини ишлатилганда қидирув мотори фақат иккала калит сўз иштироқидаги веб-саҳифаларни аниқлайди. Масалан, бизнинг мисолдаги "Университет AND Таълим" калит сўzlари бўйича қидирув ўтказилганда, "Университет" ва "Таълим" сўzlари қатнашган веб-саҳифалар қидириб топилади.

## OR



OR термини ишлатилганда қидирув мотори иккala калит сўздан биринчиси ёки иккинчиси қатнашган веб-саҳифаларни аниқлайди. Масалан, бизнинг мисолдаги "Университет OR Таълим" калит сўzlари бўйича қидирув ўтказилганда қидирув тизими "Университет" ёки "Таълим" сўzlари қатнашган веб-саҳифаларни топади.

OR операторларини ишлатиб қидирувни ўтказиш бир термин икки хил шаклда ишлатилиши мумкин бўлган вазиятларда қулай. Масалан, "national basketball association" OR "NBA" калит сўzlарини ишлатиб қидирув ўтказилганда қидирув моторлари аниқланган веб-саҳифалар "national basketball association" (Миллий Баскетбол Ассоциясига) тегишли бўлади.

Агар қидирув мотори аниқ бир атама бўйича қидирувни ўтказиши талаб этилаётган бўлса, уни “ ” (куштириноқ) ичига олиб ёзиш керак.

## NOT



NOT термини ёрдамида қидирув ўтказилганда қидирув тизимлари топилган натижада шундай веб-саҳифалар рўйхати чиқарилади, уларда биринчи калит сўз қатнашади ва иккинчisi мутлоқо иштирок этмайди. Бундай усул биринчи калит сўзни бошқаси билан бирга келиш эҳтимоли бўлган ҳолатда, лекин иккинчи калит сўз қатнашган веб-саҳифалар керак бўлмаган вазиятларда қулай. Масалан, бизнинг мисолда “Университет NOT Таълим” калит сўзлари ёрдамида қидирув ўтказилганда қидирув тизими иккала калит сўз иштироқидаги веб-саҳифалар ичидан ҳам, фақат, “Университет” сузи қатнашганларинигина олиб қолади.

## NEAR



Айрим қидирув моторларида NEAR операторидан фойдаланилади. Бу оператор билан қидирув амалга оширилганда шу калит сўзларнинг бир-бирига нисбатан нечта сўзлар оралиғида иштирок этган веб-саҳифалари манбаларини топиш имконияти яратилади. Аммо “NEAR” оператори ҳамма қидирув моторларида ҳам ишламайди. Бу оператор асосан электрон порталлар, е-библиотекаларида кўлланиладиган қидирув тизимларида анча кенг кўлланилади.

## Белгилар

Қидирув моторларининг аксариятида “+” белгисини AND оператори ўрнига ишлатиш, “-” белгини NOT оператори сифатида ишлатиш мумкин. Шунингдек,

Бирор сүзни <sup>\*\*\*</sup> құштириноқ ичига ёзиб қидирилса, аниқ шу атама бүйича қидирув амалға оширилади. Қуйидаги #, \$, !, \* белгиларини ишлатып бир-бирига ўзакдош сүзлар асосида қидирувні амалға ошириш мүмкін. Масалан, litera\$ сүзини қидирув дарчасига ёзиб, қидириш ўтказылса, literature, literacy, literally каби сүзлар акс этган веб-сақиfalар топилади. Яна бир мисол, analyse\*е ёзилип қидирилса, эса analyse ёки analyze сүзлари иштирок этган веб-сақиfalар топилади.

Бу қидирув белгиларининг аҳамиятли томони шундаки, турли қидирув моторларда турли қидирув белгилардан турлича фойдаланилади.

### 4.3. ИНТЕРНЕТДА АХБОРОТ ҚИДИРИШ БҮЙИЧА БАЪЗИ МАСЛАҲАТЛАР

Интернетда жойлаштирилган ахборотлар ҳажми ва тури жуда ҳам күп. Улар орасида барча керакли маълумотни топиш имконияти мавжуддек туюлади, лекин маълумот күп бўлиши билан биргаликда тартиблаштирилмаган ҳам. Бунинг устига маълумот жойлаштирилган веб-сақиfalар, манбалар жуда тез ўзгаририб туради. Айрим статистик маълумотларга қараганда, кўпчилик веб-сақиfalарнинг ўртача яшаш вақти 24 соат экан. Бундан ташқари, буғун иш дақиқада топилган бирор манба, бир неча соат ичидан бошқа ерга жойлаштирилиши ёки умуман мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин.

Қидирув моторлари ёрдамида маълумот қидирувини амалға оширишда қуйидаги 6 та умумлашган алгоритм ва қадамларидан фойдаланиш ўринли:

1. Қидирилиши талаб этилаётган маълумотга мос келувчи калит сүз терминларини қозогза ёзиб олинг.
2. Керакли қидирув моторини IE Броузер да очиб олинг.
3. Калит сүзни қидирув моторининг қидириш дарчасига киритиб, OK / Enter (тутмасини клавиатурадан) босинг.
4. Топилган натижаларни дикқат билан кўриб чиқинг.
5. Сизни энг қизиқтирган манбаларни топилган натижалар орасида очиб танишинг.
6. Агар шу топилган натижалар сизнинг талабингизга жавоб берса, маълумот қидируви жараёни якунланади. Агар етарлича маълумот топилмаса, 2-5 қадамларни қайта амалға ошириш керак.

Агар керакли маълумотларни Google, Altavista, MSN ва бошқа қидирув моторларидан фойдаланиб топа олмасангиз, маълумотни ахборот шлөзларидан ҳамда (мета-қидирув тизимларидан) қидириш мақсадга мувофиқ. Оддий қидирув моторларida www тармоғида жойлаштирилган веб-сақиfalарни кўриб чиқиш мақсадида “web-crawler” лардан фойдаланилади. Ҳозирги кунга келиб Интернетдаги барча мавжуд веб-сақиfalарни “web-crawler”лар ёрдамида кўриб чиқиш учун 9 ой муддат керак бўлади. “Meta-search” қидирув моторлари эса оддий қидирув моторлари томонидан олиб борилган қидирув натижалари базаси ичидан қидирувни амалға оширади. Шунинг учун Google қидирув мотори томонидан бажарилган қидирув натижаси ва “meta-search” қидирув тизимларидагидан 10-1000 баробар кўп бўлиши мумкин.

Агар сиз бирор-бир соҳа янгиликларидан, технологиянинг ривожланишидан, олиб борилаётган илмий изланишлардан боҳабар бўлиб туришни истасангиз, шу соҳада фаолият юритаётган компаниялар, университет ва ташкилотлар веб-сақиfalари орқали янгиликларга аъзо бўлишингиз мумкин. Масалан, “Massachusetts Технология институти” университети янгиликларига <http://www.mit.edu> веб-сақиfasи орқали ёки “MATLAB” дастурлар комплекси

янгилекларидан, ўтказиладиган веб-семинарлар маълумотларидан боҳабар бўлиш учун MATHWORKS компанияси <http://www.mathworks.com> веб-саҳифаси янгилеклар хизматига аъзо бўлишингиз мумкин.

Турли соҳалардаги янгилеклар, бирор соҳа ўзгаришлари ҳақидаги эксперктлар фикри билан танишишини истасантиз, HowStuffWorks компанияси веб-саҳифасига ташриф буюринг. HowStuffWorks саҳифаси орқали турли соҳага тааллуқли жараёнларни содир бўлиш қонуниятларини ўрганишингиз мумкин. Мисол учун: комп’ютер қандай ишлайди ёки ички ёнувдвигателларининг ишлаш қонуниятлари, автомобиллар қандай юради ва ҳ.к.

Агар сиз мухандислик соҳаси асослари ҳамда амалий математикага қизиқсангиз, <http://www.efunda.com/> веб-саҳифасига ташриф буюринг. Бу саҳифани яратишдан кўзланган мақсад соҳада фаолият юритаётган мухандислар учун кундалик фаолиятида керакли бўладиган маслаҳатлар бериш.

### Сайтлар қандай фаолият юритади

Ҳар бир қидирив тизими бошқасидан фарқ қилади, лекин уларнинг барчасида кўп учрайдиган саволлар Frequently Asked Questions (FAQs) яратилган. Бу ёрдам туридан фойдаланиб веб-сайт қандай ишлаши ҳақида маълумотга эга бўлишингиз мумкин. Шу ёрдам сизга сайтдан фойдаланишда кўл келади.

### Қидирив моторлари ва каталоглари

Кўйида келтирилган веб-манзиллардан фойдаланиб интернетда қидирив ўтказиб кўринг. Бир неча қидирив моторида турли соҳа бўйича қидирив ўтказиб фарқини билиб олинг.

#### Умумий қидирив моторлари

[All the Web](http://www.alltheweb.com) (<http://www.alltheweb.com>)

[Altavista](http://www.altavista.com) (<http://www.altavista.com>)

[ArchiePlex](http://archie.emnet.co.uk/services.html)

(<http://archie.emnet.co.uk/services.html>)

[Ask Jeeves](http://www.ask.com) (<http://www.ask.com>)

[Dogpile](http://www.dogpile.com) ([www.dogpile.com](http://www.dogpile.com))

[Excite](http://www.excite.com) (<http://www.excite.com>)

[Go.com](http://www.go.com) (<http://www.go.com>)

[Google](http://www.google.com) (<http://www.google.com>)

[HotBot](http://hotbot.lycos.com) (<http://hotbot.lycos.com>)

[LookSmart](http://www.looksmart.com) (<http://www.looksmart.com>)

[Lycos](http://www.lycos.com) (<http://www.lycos.com>)

[MetaCrawler](http://www.metacrawler.com) (<http://www.metacrawler.com>)

[MSN Search](http://search.msn.com) (<http://search.msn.com>)

[Northern Light](http://www.northernlight.com) (<http://www.northernlight.com>)

[Teoma](http://www.teoma.com) (<http://www.teoma.com>)

[Web Crawler](http://www.webcrawler.com) (<http://www.webcrawler.com>)

[Wise Nut](http://www.wisenut.com) (<http://www.wisenut.com>)

#### Мавзу бўйича

[About.com](http://www.about.com) (<http://www.about.com>)

[Big Hub](http://www.thebighub.com) (<http://www.thebighub.com>)

[Invisible Web](http://www.invisibleweb.com)  
(<http://www.invisibleweb.com>)

[Links2Go](http://www.links2go.com) (<http://www.links2go.com>)

[Open Directory Project](http://dmoz.org) (<http://dmoz.org>)

[Qango](http://www.qango.com) (<http://www.qango.com>)

[Yahoo](http://www.yahoo.com) (<http://www.yahoo.com>)

[eFunda](http://www.efunda.com) (<http://www.efunda.com>)

#### **4.4. ҚИДИРУВ МОТОРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Хозирги кунга келиб кўпгина қидирув моторлари яратилган ва улардан фойдаланиш услуби деярли бир хил. Шундай экан қидирув моторларидан фойдаланиши тушунтириш учун иhtiёрий биттасидан фойдаланамиз. Бунинг учун биз TEOMA –Ask Jeeves Search Technology дан фойдаланамиз.

TEOMA қидирув моторидан фойдаланишдан аввал қуйидаги амалларни бажаринг:

1. Қандай маълумотни қидириши аниқлаб олинг. (Бизнинг мисолда “Ахборот технологиясининг жамиятга таъсири - Information Technology Influence on Society” бўйича қидирув ўтказамиз).
2. Қидирилаётган мавзуга таалуқли яна қандай калит сўзлардан фойдаланиб керакли маълумотни топиш мумкин, мисол учун > Information Technology/IT, Influence/Control/Affect, Society//World/People/Public ва ҳ.к.)
3. Калит сўзларга маънодош бўлган ҳамда уни яхши ифода эта оладиган сўзларни, ибораларни, фразаларни аниқлаб олинг. Аввало <Information Technology Influence Society> калит сўздан фойдаланиб қидирув ўтказамиз, кейин <IT Control World>, <Information Technology Affect (s) People> ва ҳ.к. равишда давом этамиш. Сўзларни турли комбинацияларда қатнаштириб қидирувни амалга оширишимиз ҳам мумкин.
4. TEOMA веб-саҳифасини очамиш. Бунинг учун <http://www.teoma.com> манзилини IE Броузеримиз манзил дарчасига ёзив, сунгра ENTER ёки Go тутгасини босамиш. Экранда қуйидаги кўриниш (4.4.1-расм) акс этади:



4.4.1-расм. TEOMA қидирув моторининг бош саҳифаси

5. Калит сўзларни қидирув дарчасига ёзинг (Иккита чизиқли тўртбурчакка олинган дарча ичига, 4.4.2-расм)

The screenshot shows the TEOMA search results page. At the top, there's a search bar with the query "Information Technology Influence Society". Below the search bar are several navigation links: "Search with Authority", "Find this phrase", "Advanced Search", and "Preferences". To the right, there are sections for "Results", "Refine", and "Resources".

#### 4.4.2-расм. TEOMA қидирув тизимининг қидирув дарчаси

- Шундан сўнг |Search| тугмасини босиш керак. **ЭСЛАТМА:** Find this phrase бўлимини белгилаб ёзилган калит сўз асосида аниқ ибора бўйича қидирув ўтказиш мумкин.
- Шундан сўнг қўйидаги (4.4.3-расм) қидирув натижаларига эга бўласиз:

This screenshot displays the search results for "Information Technology Influence Society" on the TEOMA platform. The results are organized into several sections:

- Sponsored Links:** Includes links to "Breaking Tech News For Technology Executives", "Information Society", and "Information technology".
- Results:** Section titled "Relevant web pages" showing 1-10 of about 2,457,000 results. The first few results are:
  - Influence of Information Technology in the National Curriculum:** A link to a document from the Ministry of Education of the Republic of Kazakhstan.
  - Information technology**: A major issue for the society of the 21st century and therefore for education, as the aim of teaching is to prepare students... (with a link to a PDF file).
  - Welcome to Information Technology & Society**: A link to a course description for the 2001-2002 academic year.
  - Research reports and Surveys**: A link to a study investigating the impact of information technology on youth.
  - CFO Magazine for Senior Financial Executives: The cash 2014**: A link to a magazine article.
  - News & Society, Reference & Education, Sports**: A link to a news article about the tech 2014 people, trends, and issues that most influence information technology today.
  - American Scientist: Profound, Rapid and Discontinuous: The Influence**: A link to an article in American Scientist.

#### 4.4.3-расм. TEOMA қидирув натижалари.

- Ўтказилган қидирув 2 457 000 та веб-саҳифаларни натижа сифатида аниқлади. Агар шу ҳолатда сизга керакли маълумот аниқланмаган бўлса,

- "advanced search" булимидан ёки `[search]` түгмасининг ўнг томонида жойлашган қиди्रув имкониятларидан фойдаланишиңиз мумкин.
9. Топилган маълумотлардан бирини кўриш учун шу натижага устида сичқончанинг чап түгмасини босиш керак ёки натижага устига сичқончани олиб келиб, ўнг түгмасини босиш керак ва "save target as" түгмасини танлаш лозим. Очилган дарчада маълумотни сақлаш талаб қилинган жойни кўрсатинг. (Топилган маълумотларни сақлаш бўйича 5-бобда келтирилган)
  10. Агар қидириув натижалари сизни қониқтирмаса, 5- дан 9- гача бўлган амалларни қайта бажаринг. Агар шундан кейин ҳам натижага қониқарсиз бўлса, қидириув тизимини бошқасига алмаштириб кўринг.

## 4.5. ҚИДИРУВ МОТОРЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

ТАҲЛИЛЛАРГА ҚАРАГАНДА ҚИДИРИВ МОТОРЛАРИ ОРАСИДА ЭНГ КУЧЛИСИ Google экан. Ундан кейин AltaVista, Alltheweb, Ask Jeeves, Teoma, сўнгра эса MSN. Шу санаб ўтилган қидириув моторларида "Internet Humanity" (Интернетнинг инсониятга таъсири) калит сўзлари бўйича қидириув ўтказдик ва натижаларини таҳлил қилдик. Биринчи ҳолда *Internet Humanity* сўз бўйича ҳамда барча ҳарфларни бош ҳарф кўринишига ўтказиб, **HUMANITY** тарзда қидириб кўрдик. Шу нарса маълум булдики, қидириув моторлари бош ва кичик ҳарфларга нисбатан ўзгарувчан эмас. "Internet Humanity" калит сўзлари асосида қидириувга кўра ва топилган натижалар сонига кўра қидириув моторлари ушбу тартиби эгаллади.

1. Google ([www.google.com](http://www.google.com)) - Internet Humanity калит сўзига тегишли 14,400,000 га яқин натижага ичдида аниқлади.
2. AltaVista ([www.altavista.com](http://www.altavista.com)) - internet humanity калит сўзига тегишли 12,900,000 га яқин натижага аниқлади. Дастрлабки натижалар тижорат компанияларига (мисол учун: [amazon.com](http://amazon.com)) тегишли.
3. Alltheweb ([www.alltheweb.com](http://www.alltheweb.com)) - Internet Humanity калит сўзи бўйича 10,700,000 манба. Дастрлабки натижалар тижорат компанияларига (мисол учун: [amazon.com](http://amazon.com)) тегишли.
4. Ask Jeeves ([www.ask.com](http://www.ask.com)) - internet humanity калит сўзи бўйича 4,038,000 та манбаа аниқлади.
5. Teoma ([www.teoma.com](http://www.teoma.com)) - internet humanity сўзи бўйича 4,038,000 та манба топилди.
6. MSN ([www.msn.com](http://www.msn.com)) - 172,315 та манба. Қидириувга 0.07 сония вақт сарфланди.

Иккинчи ҳолда Boolean термини NEAR дан фойдаланиб қидириув ўтказилганда, (бизнинг ҳолатда Internet NEAR 3 Humanity) ҳеч қайси қидириув мотори натижага бера олмади. Бундан келиб чиқадики, юқоридаги ҳеч қайси қидириув мотори бу операторни ишлата олмайди ёки умуман ишлатмайди.

Учинчи ҳолда қидириув моторлари натижасини ўзgartиришни текшириш мақсадида калит сўзлар орасига "+" белгисини қўйиб қидириув ўтказдик (*Internet + Humanity*). Altavista ва Alltheveb қидириув моторлари тақдим этган натижаларда бир оз яхшиланиш кузатилди. Қолган қидириув моторлари натижалари орасида ҳеч кандай яхшиланиш кузатилгани йўқ. Шу ўзгаришларга кўра қидириув моторларини куйидагича тартибладик:

1. Alltheweb - Internet +Humanity калит сўзлари бўйича 10,300,000 манба.
2. Altavista - 12,500,000 та манба.
3. Ask Jeeves - Internet +Humanity калит сўзлари бўйича 4,038,000 манба.

4. Teoma - Internet +Humanity сўзи бўйича 4,038,000 га яқин манба.
5. MSN - Internet + Humanity калит сўзи бўйича 172,315 та манба 0.08 сония ичидаги аниқланди.
6. Google - Internet +Humanity сўзлари бўйича 14,400,000 манбани 0.20 сония ичидаги тақдим этди.

**ЭСЛАТМА:** Ask Jeeves томонидан яратилган Ask Jeeves ва Teoma қидирив моторларининг ишлаш технологияси бир хил. Шунинг учун улардан ихтиёрий бирини танлашингиз мумкин.

**Тўртинчи ҳолда Boolean операторларидан AND сўзини ишлатиб қидирив ўтказиб кўрамиз.** Калит сўзлари: Internet AND Humanity бўлади.

Қидириувга сарфланган вақт ва топилган натижаларга кўра биринчи ўринда Google қидириув мотори бўлди. Google қидириув моторида "AND" операторини ишлатишга эҳтиёжи йўқ, сабаби, бу оператор икки сўз бирга ёзилганда автоматик равишда ишлатилади. Демак, қидириув мотори кўйидагича тартибланди:

1. Google - Internet AND Humanity калит сўз бўйича 0.15 сония ичидаги 14,400,000 манба топилди.
1. Altavista - Internet AND Humanity калит сўзи бўйича 12,900,000 та манба топилади.
2. Alltheweb - Internet AND Humanity калит сўзи бўйича 10,700,000 та манба.
3. Teoma - Internet AND Humanity сўзлари бўйича 2,387,000 га яқин манба топилади.
4. MSN - Internet AND Humanity сўзлари бўйича 172,315 та манба 0.07 сония ичидаги топилди.

**Бешинчи ҳолда қидириув моторларининг “ ” (кўштироқ) белгиси билан қандай натижаларга эришишини текшириб кўрамиз.** Биринчи ўринда Teoma, сўнгра Google, MSN, Altavista, Alltheweb. "Internet Humanity" калит сўзлари бўйича қидирив ўтказилди, лекин тўртта қидириув моторлари - Teoma, google, alta vista, all themes калит сўзлар ўртасида учрайдиган ". , /" белгиларини топилган манбаларда эътиборга олмади. Умумий топилган манбалар сонига кўра қидириув моторлари кўйидаги тартибда жойлаштирилди.

1. Teoma – 885 та манба топилади: Internet (..) Humanity
2. Google - 521 га яқин манба "Internet (..) Humanity" калит сўзлари бўйича. Натижа 0.22 сония ичидаги тақдим этилди.
3. MSN – 366та манба натижа "Internet (.,) Humanity" калит сўзлари бўйича 0.07 сония вақт ичидаги тақдим этилди.
4. Altavista – 138 та манба қўйидаги Internet (.,) Humanity калит сўзлари бўйича аниқланди.
5. Alltheweb - 96 манба. Калит сўзлари: " Internet (.,) Humanity".

**Олтинчи ҳолда "Интернет + Humanity".** Қўйидаги калит сўзлар орасига "+" операторини қатнаштириб кўштироқ ичидаги ёзига қидириувни бошлаймиз. Бироқ "+" оператори ва " " (кўштироқ) белгилари биргаликда ҳеч қандай натижа бергани йўқ.

1. Teoma – 885 манбани ўзи Internet (.,) Humanity калит сўзлари бўйича.
2. Google - 521 га яқин манбани, калит сўзи: " Internet (.,) Humanity". Манба 0.22 сония ичидаги тақдим этилди.

3. MSN - 366 та манбани "Internet (...) Humanity" калит сүзлари бүйича топди. Қидиувра 0.07 сония вақт сарфланды.

4. Altavista - 138 та манба эга бўлди. Калит сўзи: Internet (...) Humanity

5. Allthe веб-- "Internet (...) Humanity" калит сўзи бўйича 96 та манбани топа олди холос.

Бешта қидиув мотор ўтасида ўтказилган қидиувларга асосланган ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, сиз Интернетда маълумотлар қидиувини ўтказаётганда ихтиёрий қидиув моторидан фойдаланишингиз мумкин. Лекин бунда муваффақиятли маълумотларга эга бўлишингиз сиз қандай турдаги маълумотлар манбасига эга бўлишини хохлашингизга ва қачон қидиув ўтказаётганингизга боғлик бўлади.

Шунинг учун бир қидиув мотори билан ўтказилган маълумот қидиуви муваффақиятсиз бўлса, бошқа қидиув мотори билан ўтказилган қидиувни амалга ошириб кўринг ва қидиувни куннинг бошқа вақтида ўтказиб ҳам яхшироқ натижага эга бўлишингиз мумкин.

## 4.6. ҚАЙСИ ҚИДИРУВ МОТОРИДАН ФОЙДАЛАНГАН МАЪҚУЛ?

Интернетда қидирилаётган маълумотни тезроқ ҳамда тўлиқроқ ҳолда топиш учун қуйидаги йўналиш бўйича саралangan веб-саҳифалардан фойдаланган мақсадга мувофиқ.

Мавзу йўналиши	Таклиф қилинаётган қидиув тизими
Қишлоқ хўжалиги	<u>The Big Hub</u> : ( <a href="http://www.thebighub.com/">http://www.thebighub.com/</a> ) Қишлоқ хўжалигига доир маълумотларни қидиришга мўлжалланган.
Истеъмолчи ва оиласа тааллукли маълумотлар	<u>Dogpile</u> : ( <a href="http://www.dogpile.com/">http://www.dogpile.com/</a> ) топилган маълумотларни шу маълумотларни топища қатнашган қидиув моторлари бўйича категорияларга ажратиб чиқилади. Агар сизга бирон бир қидиув мотори бошқаларга нисбатан анча кўпроқ маълумот топса, фақат шу қидиув мотори билан қидиувни давом этиришингиз мумкин.
Таълим	<u>About.com</u> ёки <u>Yahoo</u> : иккала веб-саҳифа ҳам жуда тўлиқ маълумотларга эга бўлмаса ҳам бир катор таълим манбалари ва мақолаларини категорияларга ажратган.
Мухандислик	<u>Google</u> : Бу соҳа бўйича қидиувни бошлаш учун қулай қидиув мотори.
Тиббиёт соҳаси	<u>Yahoo</u> : Yahoo бу соҳада тўлиқ ва кенг категорияга ажратилган маълумотлар манбасига эга.
Бадий санъат	<u>Google</u> : Бу йўналиш бўйича яхши маълумот топиш имкониятига эга.
Менежмент	<u>Lycos</u> ( <a href="http://www.lycos.com/">http://www.lycos.com/</a> ): Бизнесга, менежментга доир катта ҳажмдаги тартиблаштирилган маълумотлар базаси ва менежмент бўйича сайтлар топиш учун қулай.

Соғлиқни сақлаш	<u>Yahoo:</u> Соғлиқни сақлашга оид маълумотлар топиш учун қулай.
Фармацевтика соҳаси	<u>Yahoo:</u> Фармацевтика ва соғлиқни сақлаш бўйича категориялаштирилган манбаларни топиш учун турли имкониятларга эга.
Илм-фан	<u>Excite:</u> ( <a href="http://www.excite.com/">http://www.excite.com/</a> ) Илмий йўналишдаги маълумотларни, мақолаларни топишда энг кучли веб-саҳифалардан ҳисобланади.
Технология	<u>Snap:</u> ( <a href="http://www.snap.com/">http://www.snap.com/</a> ) технологияга оид қидирув учун қўллаган қалит сўзлари бўйича маълумотлар манбасини топиш учун қулай ва бу қидирув мотор сиз ўтказаётган қидирувга мос келувчи мақбул маълумотларни топишда кўл келади.
Витеренария медицинаси	<u>Go.com:</u> уй хайвонлари бўйича тартиблаштирилган маълумотлар манбасига эга ва шу соҳага қизиқканлар учун керакли манбаларни топишга хизмат қилади.


Ушбу жадвалда келтирилган маълумот манбасига қўшимча сифатида З-Иловага қаранг.

**ЭСЛАТМА:** Қидирилаётган йўналиш бўйича айтиб ўтилган веб-саҳифалардан ташқари, <http://www.metacrawler.com> веб-саҳифасидан ҳам фойдаланиб кўришингиз мумкин.

Сиз маълумот қидираётган соҳангиз бўйича кўпроқ ва кенгроқ маълумот эга бўлишни хохласангиз, мета-қидирув моторидан ([e.http://www.metaeravler.com](http://www.metaeravler.com)) ҳам фойдаланинг. Бу қидирув системасининг маълумот қидириш соҳаси жуда кенг ва сизга керакли маълумотларни топиш эҳтимоллiği юқоридир.

## 4.7. ҚИДИРУВ ДАРЧАЛАРИ


Мәлдүмт қидирувини амалға оширишда ишимишни осонлаштирадиган асбоблардан бири by Microsoft, Google, TEOMA ёки Yahoo қидирув дарчаларидир. Бу қидирув дарчалари IE Броузерига құшимча сифатыда үрнатилади. Microsoft компаниясы томонидан яратылған қидирув дарчаларини <http://www.windowsdownloads.com/> веб-саҳиғадан олиб үрнатишиңгиз мүмкін (4.7.1-расм).




4.7.1.–расм. Microsoft қидирув дарчалари.

Мисол тарықасида Google қидирув дарчаси билан ишлашни күриб үтәмиз. Аввал уны қуидаги: <http://desktop.google.com/?promo=mp-qds-v1-1> мәнзилден оламиз. Топилған файлнинг устида сичқонча чап тұғасини иккى марта босиш орқали дастурни үрнәтәмиз. "Google advanced searchbar" дастурнинг энг асосий күлайликларидан бири шундаки, у нафқат Интернетдан, балки ўз компьютерингиздан хам қалит сұзлар бүйірча қидирув үтказа олади. Google қидирув дарчасидан фойдаланишдан аввал уни қуидаги кетма-кетлиқда созлашимиз зарур, 4.7.2-расмға қаранг.


1-қадам.




2-қадам.




### 3-қадам.



### 4-қадам.




5-кадам.



4.7.2.-расм. "Google advanced/desktop searchbar" дастурини созлаш.

Созлаш сүнгиди ўзгаришларни қабул қилиниши учун **|Apply|** ва **|OK|** тұмаларини босиш зарур.



4.7.3.-расм. Қидирудни “Google advanced/desktop searchbar” ёрдамида амалга ошириш.

Google қидируг тизими орқали маълумот қидириш учун [www.google.com](http://www.google.com) веб-саҳифага ташриф буормасдан ҳам Google advanced/desktop searchbar дарчасида амалга ошириш мумкин. 4.7.3-расмда кўрсатилган икки чизиқли туртбурчак ичига калит сўзини киритиб, [Enter] тугмасини босинг. Шундан сўнг қидируг, нафақат, Интернетдан, балки сизнинг компютерингизда ҳам амалга оширилади. Google (Desktop) Searchbar жуда тез ва самарали қидирувни компютерингизда амалга оширади.

## 5-Боб. Интернетда ахборот қидируви. Маълумотни сақлаш ва юклаш

Интернетда излаб топилган маълумотларни тўғри тартиблаш ва сақлаш жуда

муҳим. Бунинг бир неча усуллар мавжуд. Улар сизнинг қандай турдаги, форматдаги маълумотларни ва қандай шароитларда самараали сақлашни хоҳлаётганингизга боғлиқ бўлади.

**1-ҳолат.** Сиз қидиран веб-саҳифани топдингиз. Уни очдингиз ва уни айнан IE Explorer да қандай акс этиб турган бўлса, шу ҳолда сақламоқчисиз. Бунинг учун қўйидаги амалларни бажаришингиз талаб этилади:

[Файл] менюсида > [Сохранить как...] тугмасини босиб, очилган Сохранить дарчасида саҳифа сақланиши керак бўлган манзилни ҳамда унинг номини танлаб, [Сохранить] тугмасини босасиз. Шундай қилиб саҳифани сақлаш жараёни якунланади.

**ЭСЛАТМА:** Интернетдан олинаётган веб-саҳифаларни ўз компютерингизга сақлаётганингизда жуда эътиборли бўлинг, яъни сақланган маълумотларингизни қаерда ва қайси ном билан сақлаётганингизга эътибор қилинг. Кузатишлар ва тажрибалар шуни кўрсатадики, фойдаланувчига Интернетда топилган маълумотларнинг барчаси кераклидек туюлади ва барчасини бирин-кетин сақлашни бошлайди. Фойдаланувчи шу сақлаётган веб-саҳифалар қайси ном билан ва қаерга сақланнаётганингизга эътибор қиласайди. Натижада кўлчилик веб-саҳифалар бир-бирининг ўрнига сақланиб кетади ва кўп меҳнат зоя бўлади.

**2-ҳолат.** Фараз қилинг, сиз Интернетда қидирувни амалга оширдингиз ва керакли маълумотлар жамланган веб-саҳифани топдингиз. Веб-саҳифа ўзида жуда ҳам кўп маълумотларни жамлаганлиги сабабли, сиз фақат улар ичидан кераклигини ажратиб ўз компютерингизга сақлаб олмоқчисиз. Бунинг учун қўйидаги амалларни бажариш талаб этилади: 1) Веб-саҳифа ичидан ўзингизга керакли қисмни белгилаб олинг. Сичқончанинг ўнг тумгачаси функциясидан фойдаланинг. 2) Белгиланган қисмнинг нусхасини олинг ([Ctrl]+[C] – клавиатурадан ёки [Правка] менюсида -> [Копировать] бўйруини танлайсиз). 3) Бирор-бир матн билан ишлайдиган дастурни очинг, мисол учун, MS Word. 4) Нусхаси олинган матнни [Вставить] бўйруги орқали қўйинг. 5) [Сохранить] бўйруги орқали файлни керакли форматда сақланг. Агар топилган веб-саҳифани қолган қисмларини ҳам алоҳида файл шаклида сақлаб қўймоқчи бўлсангиз, баён қилинган 5 та амални тақорорланг.

**3-ҳолат.** Сиз излаб топган веб-саҳифа сизга керакли расмни ўзида жамлаган. Керакли расмларни компьютерингизга сақлаб олишингиз учун қўйидаги амалларни бажариш талаб этилади:

- 1) Расм устига курсорни олиб келинг.
- 2) Сичқончанинг ўнг тумгачасини босинг.
- 3) Очилган (pop-up) дарчаси ичida “Сохранить рисунок как...” тугмасини танланг.
- 4) Расм сақланиши керак бўлган манзилни ҳамда расм номини белгилаб, [Сохранить] тугмасини босинг. Агар бир неча расмни сақлаш керак бўлса, айтиб ўтилган тўртта амални ҳар бир расм учун алоҳида тақорорланг.

**4-ҳолат.** Интернетда қидируг үтказдингиз сиз учун керакли бўлган маълумотлар "Portable Document Format" (PDF) форматида ёки ZIP ва RAR архив форматларида веб-саҳифага жойлаштирилган экан. Бундай ҳолларда маълумотларни қандай қилиб сақлаш мумкин? Бунинг учун қўйидаги амалларни бажариш лозим: 1) Курсорингизни гиперматн устига олиб келинг. 2) Сичқончанинг ўнг тугмасини босинг. 3) Очилган (pop-up) дарчадан |Сохранить объект как...| буйругини танланг. 4) IE Броузери файлни қаерга ва қандай ном билан сақлашни сўрайди. 5) Керакли маълумотлар киритилгандан сунг |Сохранить| тугмасини босинг. 6) Ўкланиш вақти тугашини кутиб туринг. 7) Файл юкланиб бўлгандан сунг open/open folder/cancel имкониятларини танлаш дарчаси акс эттирилади. Бу дарчада юклangan файлни кўриш учун open/open folder (очиш, кўриш), ёки cancel (бекор қилиш) - кўриш жараёнини бекор қилиш тугмаларидан бирини танлаш лозим.

**ЭСЛАТМА:** Бирор-бир катта ҳажмли файлларни, веб-саҳифа манбаларини компьютерга сақлаб олиш учун Mass-downloader, Flashget каби дастурлардан фойдаланган маъқул. Ушбу дастурлар, нафақат, қимматли вақтни тежаш, балки кўчириб олинаётган маълумотларнинг 100% олинишини кафолатлайди.

**5-ҳолат.** Фараз қилинг, сиз топган веб-саҳифангиз ўз таркибида бошқа сиз учун керакли бўлган веб-саҳифаларга йўналтирилган гипербоғлиқларга эга. Бундай ҳолатда сиз веб-саҳифанинг худди шу ҳолатини тулигича синхронизация қила олсангиз, шу керакли гипербоғлиқлардаги манбаларга ҳам эга бўласиз. Веб-саҳифани синхронизация қилиш учун:

- 1) Веб-саҳифаларни тўлиқ ва хатоларсиз юкланиб бўлганлигига ишонч ҳосил қилинг.
- 2) |Сервис| менюсини очинг.
- 3) |Синхронизация...| буйругини танланг.
- 4) Шу веб-саҳифанинг керакли обьектларини танланг.
- 5) |Синхронизация| тугмасини босинг. 6) Веб-саҳифа синхронизация жараёни тугашини кутинг.

**ЭСЛАТМА:** Синхронизация жараёни Интернет тезлигига боғлиқ бўлган жараён. Шундай экан, жуда катта, жуда кўп гипербоғлиқларга эга бўлган веб-саҳифани синхронизация қилишдан олдин, қайси обьектларни ва гипербоғлиқларни синхронизация учун танлашни ва имкониятни таҳлил қилиб кўринг.

## **6-Боб. Интернет манбаларига ҳавола қилиш услублари.**

**Интернет ресурсларини фойдаланилган адабиётлар таркибига киритиш услублари**

Илмий ҳаққонийликни таъминлаш ва муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик мақсадида, электрон ҳолатдаги Интернет ресурсларидан фойдаланилганда сиз электрон ёки одатий (қоғоздаги) нашр этиләтгән ишлар учун шу фойдаланилган манбаларга түлиқ ва аниқ ҳавола (ссылка) қилишингиз талаб этилади. Ҳавола қилишнинг бир қатор услублари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари университетлар, нашриётлар, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи компанииялар томонидан яратилган. Бизларнинг ўтказган таҳлил ва изланиш натижаларимизга кўра Колумбия Университети (Нью-Йорк, АҚШ) [26] томонидан яратилган ҳавола қилиш услублари Интернет ресурсларидан фойдаланишда кўлланиладиган ҳавола қилишнинг кенг тарқалган ва мақбул бўлган услублардан бири ҳисобланади. Куйида берилган ҳавола қилиш услубларининг таркиби [26] бўйича ўзгаришсиз ҳолатда келтирилган:

**"The World Wide Web (WWW) – дунё веб-тармоғи маълумотларига ҳавола қилиш:**

**Гуманитар йўналишдаги маълумотлар манбаи учун:**

WWW – дунё веб-тармоғи маълумотларидан фойдаланилган манбаларга ҳавола қилиш учун – муаллифнинг фамилияси, исми биринчидан (агар маълум бўлса); “ ” қўштириноқ ичидан ишнинг тўлиқ номи; ишнинг тўлиқ номи (агар ўринли бўлса) курсив ҳарфлар билан файл формати ёки тартиб рақами; шу хужожатнинг нашр этилган санаси ёки охирги версиясининг санаси (агар мавжуд бўлса). Кейинги маълумот протокол тури (мисол учун, "http") ва тўлиқ URL манзили ва қавс ичидан шу маълумот манбасидан фойдаланилган сана кўрсатилиади.

Масалан:

Burka, Lauren P. "A Hypertext History of Multi-User Dimensions." *MUD History*. 1993.  
<http://www.utopia.com/talent/lpb/muddex/essay> (2 Aug. 1996).

**Илмий йўналишдаги маълумотлар учун:**

Муаллиф фамилияси, инициаллари (агар маълум бўлса) ва нашр этилган сана қавс ичидан. Кейин ишнинг тўлиқ номи биринчи сўзни бош ҳарфда ва лозим бўлса, бошқа номларни ҳам; тўлиқ ишнинг мавзуси ёки веб-сайт (ўринли бўлса) курсив ҳарфларда яна биринчи сўзни ва лозим бўлса, бошқа керакли отлар номини ҳам; манбанинг бирор версияси ёки файл тартиб рақами қавс ичидан келтириллади; протокол тури ва манзили тўлигина ёки хужожатдан фойдаланиш учун зарур бўлган тўлиқ директориялар кўрсатилиади; охирида шу манбадан фойдаланилган сана қавс ичидан берилади.

Масалан:

Burka, L. P. (1993). A hypertext history of multi-user dimensions. *MUD history*. <http://www.utopia.com/talent/lpb/muddex/essay> (2 Aug. 1996).

## **E-mail, дискуссиялар ва янгиликлар алмашиш гурухлари маълумотларига ҳавола қилиш**

### Гуманитар йўналишдаги маълумотлар учун:

Муаллифнинг фамилиясини (агар маълум бўлса) ёки унинг e-mail ёки логин номи (@) белгисидан олдин келадиган қисми, давомида нашр этилган маълумот предмет номи " " белгилари ичida берилади; шу хатнинг нашр этилган санаси агар ундан фойдаланилган сана бошқа бўлган ҳолда; дискуссия гурухининг (кўллаш имконияти бўлса) номи курсив ҳарфлар орқали. Гуруҳ нашрлари жойлашган манзил ёки протокол ва янгиликлар гурухининг манзили курсатилади ва қавс ичida манбадан фойдаланилган сана келтирилади.

Масалан:

Crump, Eric. "Re: Preserving Writing." Alliance for Computers and Writing Listserv. acw-l@unicorn.acs.ttu.edu (31 Mar. 1995).

### Илмий йўналишдаги маълумотлар учун:

Муаллифнинг фамилиясини ва инициалларини (маълум бўлса) ёки псевдоним ном(лар)ини келтириш керак; шу маълумот нашр этилган сана қавс ичida агар бу маълумотдан фойдаланилган санадан ўзгача бўлган ҳолларда ва предмет қатори, биринчи сўз ва керакли отлар бош ҳарфларда берилади; Дискуссия рўйхатлари ва янгиликлар гурухлари учун улар номини (уринли бўлса) бош ҳарфларда худди манбада курсатилганда ва курсив ҳарфларда курсатилади ва охирида шу манбада фойдаланилган сана қавс ичida курсатилиши лозим.

Масалан:

Crump, E. Re: Preserving Writing. Alliance for Computers and Writing listserv. acw-l@unicorn.acs.ttu.edu (31 Mar. 1995).

## **Gopher протоколларда мавжуд бўлган манбаларга ҳавола қилиш**

### Гуманитар йўналишдаги маълумотлар учун:

Муаллиф фамилиясини ва инициалларини (маълум бўлса) курсатиб ўтиш, биринчи фамилияси; мақола номи ёки файл номи, " " кўштироқ белгилари ичida; курсив ҳарфлар орқали ёзилган ишнинг тўлиқ мавзуси (имкон қадар), олдинги нашр этилган вақтни (агар маълум бўлса) ўз ичига олган ҳолда нашр этилган вақтни курсатиш лозим. Протоколни (яъни, «gopher»), манзилни, gopher қидирув натижаси йўлини ёки маълумотни олши учун кириш зарур бўлган йўлни (каталоглар номини) ва қавс ичida маълумот олинган санани курсатиб ўтиш зарур.

Масалан:

African National Congress. "Human Rights Update for Week No. 10 from 5/3/96 to 11/3/97." gopher://gopher.anc.org.za: 70/00/hrc/1997/hrup97.10 (1 Jan. 1998).

### Илмий йўналишдаги маълумотлар учун:

Муаллифлар номи рўйхати келтирилади, биринчи навбатда фамилия ва кейин инициаллар; қавс ичida нашр этилган вақти ёки охирига таҳрирланган сана келтирилади (агар маълум бўлса); биринчи сўзи ёки атоқли отлар бош ҳарфда ёзилган ҳолда мақола мавзуси келтирилади. Олдинги нашр тўғрисидаги маълумотларни келтириб (агар мавжуд бўлса), кейин протоколни (яъни «gopher»), манзилни gopher қидирув натижаси йўлини ёки маълумотни олиш учун кириш зарур бўлган йўлни (директориялар номини) ва қавс ичida маълумот олинган санани курсатиб ўтиш зарур.

Масалан:

Perry, T. The quick and dirty guide to Japanese. gopher://hoshi.cic.sfu.ca: 70/00/dlam/misc/Japanes.lang (12 Jun. 1997).

## **File Transfer Protocols - (FTP) протоколларда мавжуд бўлган манбаларга ҳавола қилиш**

### **Гуманитар йўналишдаги маълумотлар учун:**

Муаллифлар фамилиясини ва кейин исмими (агар маълум бўлса); тўлиқ мавзусини (қисқароқ ишлар мавзусини қўштириноқ ичидаги каттароқ ишлар мавзусини курсив ҳарфлар билан); ва ҳужжатнинг нашр этилган вақтини (агар маълум бўлса) келтириб ўтиш лозим. Кейин протокол (яъни, "ftp") ва маълумотни олиш учун кириш зарур бўлган йўлни (кatalogлар номини), яъни тўлиқ FTP манзилини кўрсатиш зарур. Ва ниҳоят, қавс ичидаги охирги маротаба маълумот олинган санани келтириб ўтилади.

Масалан:

Johnson-Eilola, Johndan. "Little Machines: Rearticulating Hypertext Users." 3 Dec. 1994.  
<ftp://ftp.daedalus.com/pub/CCCC95/johnson-eilola> (14 Aug 1996).

### **Илмий йўналишдаги маълумотлар учун:**

Муаллифлар фамилияси ва инициаллари (агар маълум бўлса); ҳужжатнинг нашр этилган вақтини (агар ўринли бўлса); ҳужжат ёки файл мавзусини; ишнинг тўлиқ мавзусини (агар ўринли бўлса) курсив ҳарфларда ва олдинги нашрлар тўғрисида бирор маълумот; протокол ва манзил; маълумотни олиш учун кириш зарур бўлган йўлни каталоглар номини; қавс ичидаги маълумот олинган санани келтириб ўтилади.

Масалан:

Johnson-Eilola, J. (1994). Little machines: Rearticulating hypertext users. <ftp://ftp.daedalus.com/pub/CCCC95/johnson-eilola> (14 Aug. 1996).

## **Телнет протоколларида мавжуд бўлган манбаларга ҳавола қилиш**

### **Гуманитар йўналишдаги маълумотлар учун:**

Муаллифнинг исмлари ёки псевдоним ном(лар)ини кейин фамилиясини (маълум бўлса) келтириш керак; ишнинг номи (маълум бўлса); шу ишнинг тўлиқ номи ёки телнет сайт номини курсив ҳарфларда; нашр этилган ёки яратилган сана; протокол (яъни, «telnet») ва тўлиқ телнет манзили; маълумотни олиш учун кириш зарур бўлган йўлни (кatalogлар номини) кўрсатиш зарур. Ва ниҳоят, қавс ичидаги манзил орасида маълумот олинган санани келтириб ўтилади.

Масалан:

traci (#377). "DaedalusMOO Purpose Statement." *WriteWell*. <telnet://moo.daedalus.com:7777 help purpose> (30 Apr. 1996).

### **Илмий йўналишдаги маълумотлар учун:**

Муаллифларнинг фамилияси ва инициаллари ёки псевдоним ном(лар)ини (агар маълум бўлса) келтириш керак; қавс ичидаги нашр этилган сана (агар маълум ва маълумот олинган санадан ўзгача бўлса); ишнинг номи; шу ишнинг тўлиқ номи ёки сайт номини курсив ҳарфларда; ва протокол (яъни, «telnet»), маълумотни олиш учун кириш зарур бўлган йўл (кatalogлар номини) ва порт тартиб рақами (ўринли бўлса) кўрсатилган ҳолда тўлиқ телнет манзили; қавс ичидаги маълумот олинган санани келтириб ўтилади.

Масалан:

traci (#377). DaedalusMOO purpose statement. *WriteWell*. <telnet://moo.daedalus.com:7777 help purpose> (30 Apr. 1996).

## **Синхрон коммуникация имконятыга эга сайтларга ҳавола қилиш.**

### Гуманитар үйналишдаги маълумотлар учун:

Маърузачи ёки муаллифнинг исми ёки псевдоним ном(лар)ини (агар маълум бўлса); коммуникация турини (яъни, «Шахсий интервью») ёки синхрон анжуманлар учун секция мавзусини қўштироқ ичида келтириш лозим; курсив ҳарфларда сайт мавзусини; протокол ва манзилни, маълумотни олиш учун кириш зарур бўлган йўл (кatalogлар номини) ва бўйруқлар кетма-кетликларини; қавс ичида сўзлашув вақтни келтириб ўтиш лозим.

Масалан: .

Kiwi. "Playing the Jester Is Hard Work." DaMOO. telnet://damoo.csun.edu:7777 (4 Dec. 1996).

### Илмий үйналишдаги маълумотлар учун:

Маърузачи ёки муаллифнинг исми ёки псевдоним ном(лар)ини; коммуникация турини (яъни, «Шахсий интервью») ёки анжуманлар учун секция мавзусини; курсив ҳарфларда сайт мавзусини; протокол ва манзилни, маълумотни олиш учун кириш зарур бўлган йўл (кatalogлар номини) ва бўйруқлар кетма-кетликларини; қавс ичида сўзлашув вақтни келтириб ўтиш лозим.

Масалан: .

Kiwi. Playing the jester is hard work. DaMOO. telnet://damoo.csun.edu:7777 (4 Dec. 1996).

## **Онлайн маълумотлар манбаларига ҳавола қилиш.**

### Гуманитар үйналишдаги маълумотлар учун:

Муаллифлар номи келтирилади (агар маълум бўлса); қўштироқ ичида мақола мавзуси; курсив ҳарфларда ишнинг тўлиқ мавзуси; чоп этилган нашр тўғрисида маълумот, вақт кўрсатилган ҳолда; онлайн кўринишдаги чоп этилганлиги тўғрисида маълумот; курсив ҳарфларда ёзилган, маълумотни олиш учун ўтиш лозим бўлган каталоглар номи ва кетма-кетлиги; ва қавс ичида маълумот олинган сана келтирилиши зарур.

Масалан:

"Fine Arts " Dictionary of Cultural Literacy 2nd ed. Ed. E. D. Hirsch, Jr., Joseph F. Kett, and James Trefil. Boston: Houghton Mifflin. 1993. INSO Corp. America Online. Reference Desk/Dictionaries/Dictionary of Cultural Literacy (20 May 1996).

### Илмий үйналишдаги маълумотлар учун:

Муаллифлар фамилияси ва инициаллари; чоп этилган вақт (агар маълум ва маълумот олинган кундан фарқли бўлса); ва мақола мавзуси. Муаллиф(лар) ёки таҳририч(лар) исмидан олдин "In," яъни "да" сўзини ишлатиб, кейин мақола тўлиқ мавзусини курсив ҳарфларда киритиш лозим; олдинги чоп этилган нашрлари тўғрисида бирор маълумот (агар маълум бўлса); онлайн кўринишдаги чоп этилганлиги тўғрисида маълумот; курсив ҳарфларда ёзилган, маълумотни олиш учун ўтиш лозим бўлган каталоглар номи ва кетма-кетлиги; ва қавс ичида маълумот олинган сана келтирилиши зарур.

Масалан: .

Fine arts. (1993). In E. D. Hirsch, Jr., J. F. Kett, & J. Trefil (Eds.), *Dictionary of cultural literacy*. Boston: Houghton Mifflin. INSO Corp. America Online. Reference Desk/Dictionaries/Dictionary of Cultural Literacy (20 May 1996).

## **Электрон нашрлар ва онлайн маълумотлар базасига ҳавола қилиш**

### Гуманитар йўналишдаги маълумотлар учун:

Муаллифлар фамилияси ва исмларини (агар маълум бўлса); қўштириноқ ичидага мақола мавзусини; ва курсив ҳарфларда қозоғ версияси мавзусини келтириш лозим. Кейинги навбатда ихтиёрий версияси ёки нашри тўғрисидаги маълумотлар, тартиб сони ва нашр қилиниш вақти тўғрисидаги маълумотларни келтириш зарур. Якунда, курсив ҳарфларда маълумотлар базаси номи, онлайн хизмат кўрсатувчи тўғрисида маълумотлар ва интернет протокол, манзил каталоглар кетма-кетлиги ва қавс ичидаги маълумот олинган сана келтириб ўтилади.

Масалан:

Warren, Christopher. "Working to Ensure a Secure and Comprehensive Peace in the Middle East." U.S. Dept. of State Dispatch 7:14, 1 Apr. 1996. *FastDoc*. OCLC. File #9606273898 (12 Aug. 1996).

### Илмий йўналишдаги маълумотлар учун:

Муаллифлар исми ва инициаллари рўйхати келтирилади; қавс ичидаги нашр вақти; мақола ёки файл мавзуси ва қавс ичидаги маълумот версияси тартиб рақамлари (агар маълум бўлса); курсив ҳарфларда электрон маълумотлар базаси номи; курсив ҳарфларда онлайн хизмат кўрсатувчининг номи ва маълумот олиш учун босиб ўтиш зарур; қавс ичидаги маълумот олинган сана.

Масалан:

Warren, C. (1996). Working to ensure a secure and comprehensive peace in the Middle East (U.S. Dept. of State Dispatch 7:14). *FastDoc*. OCLC (File #9606273898). (12 Aug. 1996).

## **Дастурлар ва Видео ўйинларга ҳавола қилиш**

### Гуманитар йўналишдаги маълумотлар учун:

Муаллиф ёки муаллифлар жамоаси номи (агар маълум бўлса); курсив ҳарфларда дастур номи; дастур версияси тартиб рақами (агар маълум ва дастур номи билан бирга келтирилмаган бўлса); ва нашр санасини ўз ичига олган ҳолда нашр тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилиши лозим.

Масалан:

ID Software. *The Ultimate Doom*. New York: GT Interactive Software, 1995.

### Илмий йўналишдаги маълумотлар учун:

Муаллиф фамилияси ва инициаллари (агар маълум бўлса); қавс ичидаги нашр қилинган ёки сотувга чиқарилган вақти; курсив ҳарфларда дастурий маҳсулот ёки видео ўйин номи; қавс ичидаги версияси тартиб рақами (агар маълум ва дастур номи билан бирга келтирилмаган бўлса); ва нашр тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилиши лозим.

Масалан:

ID Software. (1993). *The ultimate doom*. NY: GT Interactive Software. "

**ЭСЛАТМА:** Бирор-бир манбага ҳавола қилаёттанингизда, иккиланиш бўлса, шу манба тўғрисида кўпроқ маълумотларни бериш мақсадга мувофиқ ва ўринли бўлади.

## 7-Боб. EMAIL – энг қулай алоқа воситаси сифатида



Webopedia веб-компаниясининг таърифига кўра, e-mail – бу алоқа тармоқлари ўртасида хатларнинг узатилишидир. E-mail – ҳозирги кунгача Интернет технологиялари доирасида яратилган энг қулай коммуникация воситаларидан биридир. Ҳар куни Интернет тармоқлари орқали миллионлаб e-mail – электрон хатлар алмашинади.

### E-Mail билан танишув

E-mail - "Electronic mail" бўлиб, World Wide Web – дунё компьютер тармоқларида мавжуд бўлган энг кўп қўлланиладиган алоқа воситаларидан биридир. E-mail хизматидан фойдаланиш учун, аввало, "E-mail кути" (E-mail account) га эга бўлиш керак. Иккинчидан, хат жунатилаётган одамнинг E-mail манзилини билиш талаб этилади. Умуман олганда, аксарият E-mail манзиллар кўйидаги кўринишда бўлади: фойдаланувчи номи @Webmail компанияси номи - кўпинча домен серверлар номи билан ("domain name servers" (DNS)) номи билан юритилади. Веб-mail компания номини ҳам фойдаланувчи номи каби номлаш имконияти мавжуд. Бунинг учун хизмат курсатувчи провайдерга маълум бир миқдордаги тўловларни тўлаш талаб этилади. Бунда сизнинг e-mail ингиз кўйидаги шаклга эга бўлади: фойдаланувчи номи@фойдаланувчи номи.com ва x.k.

Фойдаланувчи номи исталган узунликдаги ҳарфлар, сонлар ва белгилар " ", " " бирикмасидан иборат бўлиши мумкин. Янги E-mail кутиси очишда бемалол ўз Интернет провайдернингиздан ёки Yahoo, MSN, Google, Lycos, AOL, Rambler, Yandex каби компаниялар хизматидан фойдаланишингиз мумкин. Шунингдек, айrim компаниялар ва университетлар ўз хизматчиларига, мижозларига ва талабаларига E-mail кутисини маълум муддатга текинга тақдим этадилар. Эсингизда тутинг, шундай норасмий қоида мавжуд. Агар сиз E-mail кутингизни яратишида "web-mail" хизматини кенг омма учун текинга тақдим этадиган компаниялар хизматидан фойдаланиб яратган бўлсангиз, сиз бошқаларда сиз ҳақингизда ишончсиз одам деган фикрни ҳосил бўлишига тўқсунлик қила олмайсиз. Бундай фикрнинг пайдо бўлишига, ҳар бир одам текинга исталган мақсадда E-mail кутисини текин "web-mail" лар орқали яратиб олиши сабаб бўлади.

Шунинг учун agar сиз ўз e-mail кутингизни ўз ташкилотингиз web-mail хизматидан фойдаланиб яратишингиз мақсадга мувофиқидир.

Умумий ҳолатларда қандай қилиб e-mail кутисини яратиш мумкин? Бунинг учун кўйидаги маълумотларга эга бўлиш талаб этилади:

1. Фойдаланувчи (логин) номини танлаш. Эсингизда бўлсин, фойдаланувчи (логин) номи тақорланмас (ягона) бўлиши шарт ҳамда этика-аҳлоқ талабларига жавоб бериши керак. Шундай ҳолатлар ҳам тез-тез учраб турадики, баъзи кишилар ўзларига tornado, ...hacker, ...cracker, ...world-savev, ...killer, ... ва x.k. турдаги сўзлардан фойдаланишади. Лекин шуни ёдда тутингки, ҳар доим ўзингиз учун логин номини танлаш сизнинг ихтиёргизда.
2. Паролни танлаш. E-mail кутиси очиш жараёнида паролни танлаш энг масъулятли қадам ҳисобланади. Сизнинг e-mail кутингиз маълум маънода сизнинг шахсий маълумотингиз ва сирингиздир. Шу сабаб, e-mail кутингизга ҳеч ким йўл топа олмаслиги хавфсизлик ва маҳфийлик нуқтаи-назаридан ўта мухим. Паролни шундай танлаш керакки, бегона одам бехосдан ёки қидириб уни топа олмасин. Парол танлаётганингизда осон ўйлаб

топиладиган сүзлар ва иборалар, яъни туғилган кунингиз, исмингиз ёки кўп учрайдиган қўйидагича сўзлардан; худо, муҳаббат, ҳаёт ва шу каби сўзлардан фойдаланманг. Мобода туғилган жойингиз, болаларингиз, умр йўлдошингиз, худо, муҳаббат каби сўзларни ишлатсангиз, унда уларни сонлар билан кетма-кетлиқда қатнаштириб, катта ва кичик ҳарфлар шаклида ишлатинг. Парол олти символдан кам бўлмаслиги талаб этилади. Ўз паролингизни хавфсиз жоёда ёки хотирлангизда сақланг.

3. Сирли саволни яратиш ёки танлаш. Паролингизни унутиб кўйган ҳолатда e-mail кутингизга кириш учун заҳирарадаги эшик – сирли савол ва унга жавоб хизматга келади.
4. Сирли савол шундай танланиши керакки, у сизга жуда ҳам сиз учун шахсий ва ҳаётни бўлган баъзи бир фактларни эслатиши керак. Шу саволга жавобингиз бошқалар томонидан ўйлаб ёки қидириб топиш имконияти бўлмаслиги лозим. Бу саволга жавоб сизнинг болалик даврингиздан ёки шахсий бўлган элементар одатларингиздан ёки шахсий ўй-фикрларингиздан келиб чиқиши мумкин, лекин бу фактларни тезда хотирлай олишига кулай бўлиши керак. Шундан сўнг, ўз шахсий маълумотларингизни, яъни исмингиз, туғилган йилингиз, манзилингиз ва ҳ.к. ларни киритиш сўралади. Ўз исми-шариғингизни, шахсий қизиқишиларингиз, касбингизни иложи борича хатосиз, тўлиқ ёзишга ҳаракат қилинг.
5. Агар турли соҳага доир янгиликларни олиб туришни истасангиз, шу хизмат турига аъзо бўлишингиз лозим. Агар сиз бу хизмат турига аъзо бўлсангиз, "mail" кутингизга кўплаб хатлар, янгиликлар, реклама туридаги маълумотларнинг келишига тайёр туринг.
6. Аъзоликни тасдиқлаш учун экранда келтирилган сонларни ўз кетма-кетлигига тўғри киритиш керак.
7. Олдин очилган e-mail манзилингиз бўлса, уни хохласангиз киритиб қўйишингиз мумкин.
8. Киритилган маълумотларингиз қайта ишланади, текширилади.
9. Ва ниҳоят, сиз e-mail манзилини яратдингиз. Энди, фойдаланувчи номи ва паролини териб, E-mail қутингизни очиб кўринг. Ўз e-mail кутингизга кириш жараёнида кейинчалик қутини очиб кўришда қулагийлик яратиш мақсадида фойдаланувчи номи ва паролни сақлаб қўйиш имконияти таклиф этилади. Агарда сиз шу пайтда фойдаланаётган компьютер шахсий бўлмаса ёки бошқа инсонлар фойдаланиши мумкин бўлса, бу имкониятдан фойдаланманг. Чунки сақлаб қўйилган парол орқали бегона одам сизнинг E-mail кутингизга тўсиқсиз кира олади. Буни, албатта, истамайсиз. Агар сиз шахсий компьютерингизда ишлаётган бўлсангиз бу имкониятдан фойдаланишингиз мумкин.

## E-mail асбоблари

Умуман, аксарият E-mail хизматлари қўйидагича умумий асбоблардан иборат: Check Mail (Inbox), Compose (Write E-mail), Calendar, Addresses (Contacts), Sign Out (Log Out). E-mail асбоблардан Check Mail (Inbox) тугмасини танлаб, шу E-mail кутига келган хатларни ўқишимиз мумкин. Inbox бўлими Junk E-mail, Drafts, Sent Messages, Trash каби каталоглардан иборат бўлади. Бу каталоглар олдиндан яратиб қўйилган.

Inbox каталогидаги барча хатлар олинган вақти бўйича ёки номи бўйича, кимдан келганлиги бўйича ёки ҳажми бўйича саралаб қўйилган. Inbox каталогидаги хат устида сичқончанинг чап тугмасини босиш орқали хат матни билан танишиш мумкин. Худди шунингдек, remove/delete/sent to Junk бўлимларини белгилаб ўчириш/Junk бўлимига қўшиб қўйиш мумкин. Compose (Write E-mail) асбоби орқали

эса, бирор-бир инсонга хат ёзиб жұнатыш мүмкін. Junk E-mail, Drafts, Sent Messages, Trash Can каталогларидаги маңылумоттар ҳам Inbox каталогидаги кабі бўлади. Лекин, бир нарсаны эсингизда сақланг, Junk Mail, Trash Can каталогларидаги кераксиз ёки сиз ўчириб ташлаган хатлар акс этади. Sent messages каталогида, сиз ёзиб жұнаттан хатларингиз акс этади (агар сиз бу имкониятдан фойдаланиш дарчасида танлаган ва белги қўйган бўлсангиз). Drafts каталоги ҳали жұнатилмаган, лекин кейинчалик фойдаланиш мүмкін бўлган хатларни сақлаш учун мўлжалланган каталогдир.

**Хат ёзиш ва уни жұнатыш:** Хатни ёзиш ва жұнатыш қўйидаги тартибда амалга оширилади. Аввало хат жұнатмоқчи бўлган кишининг ёки кишиларнинг E-mail манзилларини билиш талаб этилади; сўнгра, хат матинини хат ёзиш дарчасида ёзишингиз ёки хат матинини бошқа дастурда ёзиб тайёрлаб қўйган бўлсангиз унинг нусхасини олиб қўйишингиз керак. Бундан ташқари иhtiёрий форматдаги файлни хатга илова қилиш мүмкін. 2- шарт: компьютерингиз Интернетга уланган бўлиши лозим. З- шарт: Хатни ёзиб, кимга жұнатышини аниқлаб, E-mail манзилини киритинг ва SEND тугмасини босинг.

**ЭСЛАТМА:** Хатга илова қилинаётган файл ҳажмига аҳамият беринг. Унга белгиланган чегара мавжуд. Исталганча ўлчамдаги файлларни бирданнига жұнатышнинг иложи йўқ.

**E-mail хатларини қабул қилиш:** E-mail күтингизни очганингиздан кейин янги хат келган бўлса, сизга бу ҳақида маълум қиласди. Хатни ўқиш учун унинг устига сичқонча чап тугмаси билан бир марта босиш кифоя. Демак, хатни очиб ўқиб, уни жұнаттан кишига жавоб хатини ёзишингиз мүмкін. Бунинг учун, Reply (келган хатга жавоб қайтариш) ёки Reply all (хаммага жавоб қайтариш) тугмасини босиш керак бўлади. Reply all тугмасини босиш орқали манзил дарчасида акс этган барча манзил эгаларига бирданнига жавоб қайтариш мүмкін. Агар сизга келган хатни яна бирон бир e-mail манзилига жұнатмоқчи бўлсангиз, Forward (хатни ийналтириш) тугмасини босинг ва E-mail манзил дарчасига шу хат жұнатыш керак бўлган кишининг E-mail манзилини киритинг.

Шунингдек, бир неча E-mail күтингизга келадиган хатларни бирор-бир почтангизга боғлаб қўйишингиз мүмкін. Бу билан сиз фақат бир E-mail күтисини очиб барча бошқа E-mail қутисига келган хатларни ҳам бошқара оласиз. Бундай қулайлик анча вақтни тежашга ёрдам беради.

**ЭСЛАТМА:** Айрим ҳолларда Junk каталогларига келган хатларни ҳам очиб қараб туриш. Сабаби, керакли хатлар ҳам Спамларда тозалаш хизмати томонидан (Junk) каталогига жойлаштирилиши мүмкін.

**ЭСЛАТМА:** Хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳар доим Sign Out (Чиқиш) тугмасини танлаб чиқиб кетинг ва Броузер дарчасини ёпиб юборинг.

## 8-Боб. Хавфсизлик ва маҳфийлик

### 8.1. Virus, Spam, Spyware, Malware, Adware ва Phishing тушунчалари

Internet технологияси имкониятларидан ва хизматларидан фойдаланиш ахборот хавфсизлиги ҳамда шахсий маълумотларнинг дахлсизлигини таъминлаш – соҳа мутахассислари ва фойдаланувчилари учун муҳим вазифадир. Интернет орқали бўладиган таҳдидлар сони ошиб, уларнинг тури кўпайиб ривожланиб бормоқда. Булар: Virus, Spuware (шпион), Adware, Malware, Worms, Spams, Phishing - лардир.

**Virus (Вирус)** - маҳсус дастур бўлиб, программист ёки хакерлар томонидан гараз мақсадларда ёки ўз интеллектуал қобилиятларидан фойдаланиб дунёда улкан муаммоларни ва тартибсизликларни келтириб чиқариб, ўзларини маҳфий ҳолда сақлаб қолган кишилар маҳсулидир.

Ҳозирги кунга келиб 100000 дан ортиқ вирус турлари мавжуд. Шулардан кўпчилиги "Worm", "Trojan horses", "Macros" турдагилариdir. Интернетда кенг тарқалган вирус турлари эса "Trojan Horses" ва "Worm" лар ҳисобланади. Шахсий компьютерлар (PC) учун яратилган вируслар Macintosh компьютерларига таъсир этмайди ва аксинча, Macintosh компьютерлари учун яратилган вируслар шахсий компьютерга таъсир кўрсата олмайди.

**Spam (Спам)** – бир турдаги электрон хатларнинг кўплаб нусхадаги Интернетда жуда катта оқимиdir. **Spam** нинг аксарият қисми [21] тижорат ҳисобланади. Шунинг учун спамларнинг кескин кўпайиши баъзан ISP-Интернет хизматини таклиф этувчи компаниялар учун жуда қимматга тушади ва баъзан уларнинг иш фаолияти маълум муддатга тўхталишига ҳам олиб келади.

Спамлар уларни жўнатувчи учун жуда ҳам кам ҳаражатли бўлиб, унинг асосий сарфини қабул қилиб олувчи ёки уларни ташувчилар тўлашига тўғри келади. Шунинг учун спамларнинг кескин кўпайиши баъзан ISP-Интернет хизматини таклиф этувчи компаниялар учун жуда қимматга тушади ва баъзан уларнинг иш фаолияти маълум муддатга тўхталишига ҳам олиб келади.

**Spam** ларнинг одамларга таъсири бўйича асосан икки турга ажратиш мумкин.

Бекор қилиш имконияти мавжуд бўлган Usenet спамлар оддий жўнатилган хат кўринишида бўлади. Бу хат 20 та ва ундан кўпроқ Usenet фойдаланувчиларига жўнатилади. Usenet спамлар "lurkers", яъни "кузатувчилар"га қаратилгандир. «Кузатувчилар» - янгиликларни ўқиши мумкин бўлган, лекин бу янгиликлар муҳокамасида қатнашиши мумкин бўлмаган ва қайта хат жўната олмайдиган Usenet фойдаланувчилариidlар. Usenet спамлари фойдаланувчиларга рекламалар ва бошқа турдаги номаъқул хатларни жўнатиш йўли билан улардан керакли маълумотларни ўғирлади. Бундан ташқари, Usenet спамлари тизим администраторлари (бошқарувчилари) ва тизим эгаларини тизимни бошқаруви хукуқидан маҳрум қилиши мумкин.

E-mail спамларини эса фойдаланувчиларнинг mail манзилларига тўғридан-тўғри жўнатилади. E-mail спамлар рўйхати одатда Usenet хат алмашинувларини кузатиб туриш, фойдаланувчиларнинг манзиллар рўйхатини ўғирлаш ёки Вебда манзиллар бўйича қидирив ўтказиш орқали яратилади ва кенгайтириб борилади. E-mail спамлар фойдаланувчиларни қўшимча ҳаражатлар қилишга мажбур қиласди. Интернетда хажмбай ёки вақтбай кўринишда фойдаланувчи инсонлар, хат ўқиш ёки сўзлашувлар жараёнида E-mail спамлар кўринимас ҳолда ҳаракатга тушиб, фойдаланувчи ҳисобига қўшимча ҳаражатлар, яъни қўшимча хизматлар учун пул ёзилади.

E-mail спамларининг энг ёмон варианти бу – спамларни mail list - e-mail манзиллар рўйхатига (жамоат ёки шахсий e-mail дискуссия форумларига) жунатиладиган турдири. Чунки кўплаб mail рўйхатлари ўз клиентлари хизматини чеклаб кўяди, спам жунатувчилар эса автоматик равишда ишловчи асбобларини кўллашади ва қанча имконият мавжуд бўлса, шунча mail рўйхатларга аъзо бўлиб, уларда тўғри нишон сифатида фойдаланишади [21].

Spam хабарлари борган сари шунчалик кўпайиб ва кенг тарқалиб бормоқдаки, Веб mail хизматидан фойдаланувчи инсонлар Spam хабарларини бекор қилиш, уларни ўчиришга улгуришлари қийин бўлмоқда ва ўз асаблари ҳамда қимматли вақтларини кетказишига мажбур бўлмоқдалар, лекин ҳар доим ҳам бўнинг удасидан чиқа олмайдилар.

**Spyware** бу программист томонидан тузилган маҳсус кичик дастур бўлиб, бирор-бир киши шахсий компьютерида, тармоқ ёки корпорация компьютер фойдаланувчисининг Интернетда қидирув ўтказаётганда ёки Интернет хизматларидан фойдаланаётган вақтида, унинг ихтиёрий хизматларидан фойдаланиш одатларини, ҳаракатларини кузатиб бориб, шу фойдаланувчи компьютердан қимматбаҳо маълумотларни олиш, локал тармоқ фойдаланувчисининг Интернетга уланган пайтида шахсий маълумотларини иғишига ҳамда уни дастур ичига жўнатишига хизмат қиласди.

Spyware фойдаланувчининг ташриф буюрган веб-саҳифалари, ёзилган хатларининг мазмунига, онлайн харид қилган буюмлари ва ҳ.к. ҳақидаги маълумотларини жамлайди. Бир сўз билан айтганда, Spyware фойдаланувчи компьютеридаги маълумотларни ўғирлаб олиш учун фарз мақсадда тузилган дастурий маҳсулотлардан бири ҳисобланади. Spyware ларнинг аксарияти порнография, онлайн үйинлар, текин дастурлар, кино тарқатидиган ноқонуний веб-саҳифаларда жойлашган бўлади ва фойдаланувчилар компьютерига билдирилмасдан жойлашиб олиб ўз ишини бошлайди.

**Adware** ҳам Spyware га хос вазифани бажариш учун яратилган дастурий маҳсулот ҳисобланади. Adware аксарият ҳолларда реклама компаниялари томонидан мижозларнинг одатлари, шахсий қизиқишилари ҳақидаги маълумотларни тўплаш мақсадида тузилади. Одамларнинг шахсий маълумотларини тўплаш умуман қонунга зиддир. Шунга қарамай, айрим ноқонуний реклама компаниялари шундай маълумотларни тўплаш билан шугулланишади ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи компанияларга бундай қимматли маълумотларни сотиб бизнес қилишади. Adware дастурлари mail хабарлари, бирор тижорат компаниялари веб-саҳифалари, онлайн үйин тарқатидиган ҳамда этикага мос келмайдиган, порнография таркибида бўлган веб-саҳифаларга ташриф буюриш чогида фойдаланувчи компьютерига ўтиши мумкин.

**Malware** "malicious software" сўзидан олинган қисқартма бўлиб, Malware – (Maliction wave or Malicious Softwave – ёмон (максадли) программа) ягона компьютер, сервер ёки тармоқ компьютерларини ишдан чиқариш ёки нормал иш жараёнига тўсқинлик қилиш мақсадида яратилган дастурий маҳсулот ҳисобланади. Malware фойдаланувчи фаолиятини кузатиб туради: изланаётган веб-саҳифа манзилини ўзгартириб, pop-up чиқиши керак бўлмаган жойларда атайнан pop-up дарчаларини очиб ишлашга ҳалақит беради. Malware ўзи билан компьютер вирусларини, Worm ва Trojan ларни олиб юриши мумкин.

**Phishing** – бу асосан e-mail орқали фойдаланувчига ҳудди ҳақиқий компаниялар каби маълумот билан мурожаат этиб, фойдаланувчининг шахсий маълумотларига эга булиш ёки ўғирлаш мақсадида жўнатилган хатларга хатти-ҳаракатлар мажмуасига айтилади. Бу жўнатилган e-mail фойдаланувчини маълум бир веб-сайтга йўналтиради ва ундан шахсий маълумотларни (Мисол учун: исми-шарифи, уй адреси, кредит картаси, маҳсус ижтимоий ҳимоя номерини ва ундаги счет рақамларини) киритишни сўрайди, лекин бу маълумотларни ҳақиқий компания, яъни фойдаланувчи хизматларидан фойдаланаётган компанияяда мавжуд булиши мумкин. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳақиқатдан мавжуд компания сифатида узини намоён этиш билан маълумотларни ўғирлашдир. Мисол учун: PayPal – хизматлари – он-лайн савдолари учун.

## 8.2. ХАВФСИЗЛИК ВА МАХФИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

**Хавфсизлик ва маҳфийлик.** Интернет томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган турли хавфлардан хабардор бўлганимиздан кейин савол туғилиши табиий. Бундай хавф-хатардан холи бўлишнинг наҳотки ҳеч қандай иложи бўлмаса? Тан олиб айтишимиз керак, бугунги кунда Интернет томонидан пайдо бўлаётган бундай хавф ва хатарлардан 100% кутилишнинг имконияти йўқ. Лекин, бу Интернет тармоғида ишлаш жараёнида компютерингизни ҳимоя қила олмайсиз дегани эмас. Ахборот хавфсизлигини ҳамда шахсий маълумотларимизнинг даҳлсизлигини сақлаш мақсадида бир қатор қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Булар қўйидагилар:

1. Нотаниш кишилардан келган хатларни очманг, хатга илова қилинган URL манзилларни босишдан сақланинг. Бундай хатларни ўчириб ташлаш тавсия этилади. Хатни очмасангиз, унинг таркибидаги вируслар компютерингизга таъсири кўрсата олмайди.
2. Аҳлоқ нормаларига мос келмайдиган-порнографик таркибга эга бўлган, турли онлайн ўйинлар, ноқонуний йўллар билан тарқатилаётган дастурий маҳсулотлар ва мусиқа тарқатиладиган веб-саҳифаларга ташриф буюрманг.
3. Вақти-вақти билан Интернет Броузерингиз cookies файлларини (веб-саҳифалар ҳақидаги компютерингизда сақланадиган маълумот) ўчириб туринг.
4. Интернетда ишлаш жараёнида ютуқ голиби бўлганиларигиз ҳақидаги "pop-up" (ўзи очилувчи) дарчаси чиқиб қолса ҳамда ютуқни олиш учун ўз шахсий маълумотларингизни, масалан: исмингиз, уй манзилингиз, кредит картангиз тартиб рақами ва ҳ.к. ларни киритиш талаб этилса, ҳеч қачон бундай алдовга ишонманг. Бундай ҳаракат "phishing" оқибати булиб чиқиши мумкин. Ҳар доим эсингизда тутинг, ўз шахсий маълумотларингизни киритишдан олдин қайта-қайта яхшилаб ўйлаб ва қайси веб-саҳифа манбаларига киритаётганлигинизни текшириб кўринг.
5. Интернет тармоғига модем орқали уланган кишилар (56 Kb/sec), ADSL/DSL орқали юкори тезлиқда уланган кишиларга нисбатан анчагина хавфсизроқ шароитда буладилар.
6. E-mail хабарларини қабул қилиш ва очишда эътиборлироқ бўлинг. Айрим ҳолларда, ҳаттоқи дўстларингиздан келаётган E-mail хабарлари ҳам ўзида спам ёки вирусларни ташиши мумкин.
7. Сўнгги Антивирус дастурларини ўрнатинг, уларнинг вирус базасини даврий равишда янгилаб туринг. Ахборот технологияси мутахассисларининг фикрига кўра, McAfee дастури вирусга қарши энг самарали дастурлардан бири

сифатида эътироф этилмоқда. Компьютерингизни даврий равищда вирус тозалигига текшириб туриң.

8. Агар сиз катта локал тармоқقا эга компанияда ишласанғиз, сизнинг компаниянгиз "Web-Filtering" технологиясидан фойдаланиши мүмкін. Бундай технология құлланғанда тармоқ таркиби бирламчи фільтрдан, тозаланишдан үтиб, сұнgra маълумот фойдаланувчига тарқатиласы.
9. Агар сиз Microsoft компанияси маҳсулотларидан, жүмладан: MS office OS Windows дастурларидан фойдалансанғиз, сизнинг компьютерингизнинг хавф остида бўлиши эҳтимоли юқори бўлади. Microsoft дастурларидан жуда кўпчилик кишилар фойдаланғанлиги сабабли, аксарият "malware" дастурлари, ушбу компания маҳсулотларига тайзиқ ўтказишиң қаратилган. Мисол учун, Outlook Express дастуридан фойдалансанғиз, "spyware" лар ҳамда айrim "вирус" лар ушбу дастур ичига кириб, виртуал (27374) портини очиб қўйиши мүмкін. Бу эса ўз ўрнида шу порт орқали шахсий маълумотларни олиб чиқиб кетилишига имкон яратади.


### **8.3. ИНТЕРНЕТДА АҲЛОҚ НОРМАЛАРИ**

Интернет тармоғида жуда катта ҳажмдаги маълумотлар жойлашган бўлиб, улардан планетамиздаги барча инсонлар учун бирдек фойдаланиш имконияти яратилган. Интернет фойдаланувчилари амал қилишлари керак бўлган бирор-бир белгиланған қатъий қонун-қоида йўқ, лекин шундай бўлсада, ихтиёрий инсонлар жамиятидаги каби Интернетда ҳам амал қилиниши лозим бўлган аҳлоқий нормалар мавжуд. Бундай аҳлоқий нормалар ҳамма томонидан бирдек ҳурмат қилиниши ва амал қилиниши керак. Кўплаб университетлар ва компаниялар Интернетдан фойдаланиш бўйича ўзига мос нормаларини яратишган. Кўпчилик томонидан қабул қилинган ва кенг қўлланиладиган аҳлоқий нормалар мажмуи Арлене X. Риналди томонидан ишлаб чиқилган ва у "The Net User Guidelines and Netiquette" деб номланади.

Риналди қўлланмаси [30, 31] Computer Ethics Institute (Компьютер Этикаси Институти) томонидан асосий ўнта қоида мажмуида жамланган:

1. Фойдаланувчи компьютердан бошқа инсонларга зарап етказиш мақсадида фойдаланмаслиги керак.
2. Фойдаланувчи бошқа инсонларнинг компьютер ишларига аралашмаслиги керак.
3. Компьютер фойдаланувчиси бошқа инсонларнинг шахсий ҳужокатларини (файллари) кўрмаслиги керак.
4. Фойдаланувчи компьютерни ўғрилик мақсадида ишлатмаслиги керак.
5. Фойдаланувчи компьютердан фойдаланиб ёлғон гувоҳлик бермаслиги керак.
6. Фойдаланувчи пули тўланмаган дастурий маҳсулотдан кўчириб нусха олмаслиги ёки ишлатмаслиги керак.
7. Фойдаланувчи бошқа инсонлар компьютерлари манбаларидан рухсатсиз фойдаланмаслиги керак.
8. Бошқалар ақлий мәжнат натижасини уларнинг рухсатисиз ишлатмаслиги керак.
9. Компьютерда бирор дастур тузаяётгандан уни келтириб чиқариши мүмкін бўлган оқибатларини ҳам ўйлаб кўриши керак.
10. Компьютердан фойдаланиш жараённанда бошқаларга ҳурмат ва эътибор билан ёндошиш керак.

## 1-ИЛОВА: БРОУЗЕР ДАРЧАСИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ



Таркибий қисм номи	Вазифаси
Номлар панели	Ташриф буюрилган веб-саҳифанинг сарлавҳасини ёки номини акс эттиради
Меню панели	Файл, Правка, Вид, Избранное, Сервис ва Справка буйруқлар менюларини ўзида жамлаган панел
Асбоблар панели	Кўп ишлатилган буйруқлари дарчасидан иборат
Манзил панели	Шу вақтда ташриф буюрилган веб-саҳифанинг манзили акс эттириладиган дарча
Броузер асосий ойнаси	Ташриф буюрилган веб-саҳифанинг ҳамма мавжуд таркибий маълумотларини акс эттирадиган дарча
Кўшимча маълумотлар панели	Файл юкланиш жараёнида веб-саҳифанинг гипербоглиқлик биректирилган матн устига сичқончани олиб борилганда ва ҳ.к. холатларда пайдо бўладиган кўшимча маълумотлар дарчаси

## 2-ИЛОВА: ТЕЗКОР КЛАВИАТУРА ТУГМАЛАРИ

Клавиша	Бажарадиган амали
[Alt]+[←]	Ортга қайтиш
[Alt]+[→]	Олдинга ўтиш
[Alt]+[Home]	Бош саҳифага қайтиш
[Ctrl] + [A]	Ҳаммасини белгилаш
[Ctrl] + [C]	Белгиланган матннинг нусхасини олиш
[Ctrl]+[D]	Очиқ веб-саҳифани сайланмалар (favorites) орасига кўшиш
[Ctrl] + [F]	Очилган веб-саҳифа ичидаги қидиувни ташкил этиш дарласини пайдо қилиш
[Ctrl] + [H]	Ташриф буюрилган веб-саҳифалар тарихий таркибини кўрсатиш
[Ctrl]+[N]	Янги дарча очиш
[Ctrl] + [P]	Принтерда чоп этиш
[Ctrl] + [V]	Охирги марта нусхаси олинган матнни қўйиш
[Ctrl] + [X]	Нусхасини қирқиб олиш
[F5]	Янгилаш
[F11]	Тўлиқ экран режимига ўтказиш
[Esc]	Юкланишни тўхтатиш
[End]	Веб-саҳифанинг охирига ўтиш
[Home]	Веб-саҳифанинг бошига ўтиш

## 3-ИЛОВА: АХБОРОТ ҚИДИРУВИ: ҚИДИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Ўзингизга мос келадиган қидирув тизимини аниқлаб олинг<sup>“”</sup> [13]

Маълумот эҳтиёжи	Қидирув стратегияси
Айрим таниқли маълумотларни тезда топиш (таниқли компания веб-саҳифаси ёки кўпчиликка таниш бўлган маълумотни топиш)	Google ( <a href="http://www.google.com/">http://www.google.com/</a> ) – веб-саҳифаларни таниқлилиги, ҳамда мотор хотирасида тартибланиши бўйича қидирув тизими. Yahoo! Search ( <a href="http://search.yahoo.com/">http://search.yahoo.com/</a> ) – кенг тарқалган қидирув тизими.
Саволга аниқ жавоб олиш (фактларга, маълумотлар, физика, математика ва инглиз тилига доир муайян, жумлаларга, қоидаларга асосланган маълумот )	MSN Search ( <a href="http://search.msn.com/">http://search.msn.com/</a> ) - фактлар/номлар, статистик таниқ муаммоларга (таърифлар, тенгламалар, имло бўйича) аниқ жавобларни топиш тизими (Энкатор жавобларини топиш). Ask Jeeves ( <a href="http://www.ask.com">http://www.ask.com</a> ) бирор жисмга кўйилган номларни аниқлаш, об-ҳаво илова қилинган маълумотлар тизими.
Қидирув натижаларини тезда кўриб чиқиш (маълумотни экранда очмасдан)	Yahoo ( <a href="http://search.yahoo.com">http://search.yahoo.com</a> ) – Калит сўзлар маҳаллий янгиликлар, иловалар, саёҳатга доир маълумотлар ва бошқалар.
Бир қидирув тизими билан топилмаган маълумотни кенг миқёсда қидириш?	ZapMeta ( <a href="http://www.zapmeta.com">http://www.zapmeta.com</a> ) ва Clusty ( <a href="http://clusty.com">http://clusty.com</a> ) – мета қидирув натижалари кўриб чиқилади.
Бирор мавзуга тааллуқли юкори сифатли тақризга эга веб-саҳифалар	Thumbnails ( <a href="http://ranking.thumbnails.com">http://ranking.thumbnails.com</a> ) (IE5+) икки қидирув тизими натижаларини таққослаш мумкин. JUX2 ( <a href="http://www.jux2.com">http://www.jux2.com</a> ) бир қидирув тизими натижаларини бошқалари билан таққослаш мумкин.
Езишда адаштириб юбориладиган сўзлар (буш ва Буш ёки қидиругва эътиборни қаратиш учун намуна сўзлар ва терминлар	Кутубхоначиларнинг Интернетдаги кўрсаткичи ( <a href="http://lii.org">http://lii.org</a> ) - "thinking person's Yahoo" яъни «фигрловчи инсонлар учун Yahoo» ҳар ҳафтада янгиланиб туради (Калифорния бой ресурсларини қамраб олувчи манба). Infomine ( <a href="http://infomine.ucr.edu">http://infomine.ucr.edu</a> ) – ўзгарувчан қидирув имкониятларига эга бўлган университет каталоги. Resource Discovery Network ( <a href="http://www.rdn.ac.uk">http://www.rdn.ac.uk</a> ) фанлар бўйича мутахассислар томонидан сараланганд манба (Британия)

("Vitamin A" ёки "to be or not to be").

Сүзларнинг тұғри ёзилишини аник билмаганда (мисол учун "Ky Klyx Klan" ёки "Kly Klyx Klan").

Қидируди амалга оширишда науна (шаблон)лардан фойдаланиш.

Қидируди наужаларини тартиблаштириш ва наужаларни янада яхшилаш

Фикрлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни күриш

Мутахассислар томонидан яратған маҳсус йұналишдаги предметлар тармоғларини топиш

<http://www.yourdictionary.com> луғатларини ишлатиш. Google (<http://www.google.com>) сүзларни ёзиш тартибини танлашни тақлиф қиласы. Масалан, receive/receive бу билан қидируди наужаласи анча көнгаяди.

"Advanced Search" шаблонларидан фойдаланиб бирор домайн ёки веб-сағиға ичіда түрлі параметрлари бүйічә қидируди амалга ошириш мүмкін. Бунинг учун Teoma Advanced ([http://s.teoma.com/advanced\\_search?q=?](http://s.teoma.com/advanced_search?q=?)) ҳамда Google Advanced ([http://www.google.com/advanced\\_search?hl=en](http://www.google.com/advanced_search?hl=en))

Асосий қидируди моторлари тақдим этган қидируди наужаларини мавзуси бүйічә бирлаشتариш. Натижалар ичидан янги калит сүзларни белгилаб олиш керак. Clusty (<http://clusty.com/>) – қидируди наужаларининг мос келиш даражасига қараб тартиблаштириб چықады (худди Google каби). Surf Wax (<http://www.surf wax.com/>) – дастлабки күриш сағиғаси "SiteSnap" ва калит сүзларни топиш "Matched in Context." Күшімчаларда "Focus Words" кейінгі қидирудиң қысқартырыш. Матн ичіда мос көлүвчі ("Matched in Context"). Ask Jeeves (<http://www.ask.com>) – ўзаро боғлиқ терминларни танлаб, қидируди соҳасини көнгайтириш ёки торайтириш мүмкін. Grokker (<http://www.grokker.com>) (Yahoo search) KartOO (<http://www.kartoo.com>) (European engine) ва Web Brain ([http://www.webbrain.com/html/default\\_wir.html](http://www.webbrain.com/html/default_wir.html)) (small index) ўзаро күриниш (визуал) жихатдан ўхшаш терминлар. Visual Thesaurus (<http://www.visualthesaurus.com>) – ўзаро боғлиқ сүзларни ва маъноларни болгайды. Инсонлар томонидан яратылған dmoz (<http://dmoz.org>) каталоги контекстни күриш учун.

Virtual LRC (<http://www.virtualrc.com>) – Юқори сифатлы каталогларни қидиради; (сағиғалар бүйічә чегаралар: (<http://www.virtualrc.com/tools.html>)). AllLearn directories (<http://www.alllearn.org/er/directories.cgi>) and learning guides (<http://www.alllearn.org/er/lg/>) (pathfinders) илмий йұналишдаги мутахассислар томонидан яратылған (for online courses @Oxford, Stanford and Yale). Pinakes (<http://www.hw.ac.uk/libWWW/irn/pinakes/pinakes.html>) – Илмий маълумотлар шлюзларига кириш учун предметлар соҳаси. WWW Virtual Library (<http://vlib.org/Overview.html>) – предметларға ажратылған эң эски каталоглар тизими бўлиб, тўлиқ матнлар, маълумотлар базаси ва шлюзлари билан боғланған. У бутун дунё бўйлаб кўнгилли ёрдамчилар (волантёрлар) томонидан тўлдирилиб борилади. Search (<http://bUBL.ac.uk/link/search.cfm>) BUBL LINK каталоги бу илмий сағиғалардан ташкил топган. (<http://bUBL.ac.uk/>) предметлар терминлари бүйічә маълумотлар қидируви. (<http://bUBL.ac.uk/link/subjectbrowse.cfm>). Teoma (<http://www.teoma.com>) – мутахассислар предмет тармоқ

	саҳифаларини таклиф этади.
Биографияларга оид маълумотлар топиш учун.	<p>Biography.com (<a href="http://www.biography.com/search/">http://www.biography.com/search/</a>) - 25,000 машхур кишилар биографияси.</p> <p>Who2 – машхур кишилар (муаллифлар, киноюлдузлар, товламачилар, шохлар ва маликалар, миф худолари, мультипликация ишлари), кўплаб ажойиб саҳифаларга гипербоғлиқларга эга.</p> <p>Who2loops ўхшашилклари бўйича гуруҳларга ажратилган веб-саҳифалар (масалан: докторлар учун <a href="http://www.who2.com/doctorswhowrite.html">http://www.who2.com/doctorswhowrite.html</a>)</p>
Айни вақтдаги энг муҳим ёки шов-шувли янгиликларни топиш учун.	<p>NewsNow (<a href="http://www.newsnow.co.uk/">http://www.newsnow.co.uk/</a>) Буюк Британия янгиликлар портали – ҳар 5 дақиқада янгиланиб туради.</p> <p>Technorati (<a href="http://www.technorati.com/">http://www.technorati.com/</a>) (weblogs) or Daypop (<a href="http://www.daypop.com/">http://www.daypop.com/</a>) (блоглар + энг шов-шувли янгиликлар)</p> <p>Blogdex (<a href="http://blogdex.net/">http://blogdex.net/</a>) – энг тез тарқалаётган фикрлар веб-блоглар орқали.</p> <p>(<a href="http://www1.cs.columbia.edu/nlp/newsblaster/index.html">http://www1.cs.columbia.edu/nlp/newsblaster/index.html</a>) - шу куннинг асосий янгиликлари (хикоялари) ва тасвиirlарнинг хulosаларини автоматик равишда йигиб борувчи саҳифа бўлиб, у янгиликлардаги воқеаларга хulosалар беради.</p> <p>10x10 (<a href="http://tenbyten.org/now.html">http://tenbyten.org/now.html</a>) – саҳифаси томонидан ҳар бир соат содир бўлаётган бутун дунёдаги энг муҳим воқеаларни 100 та сўз ва расмлар билан ифода этиб борувчи тизим.</p>
Янгиликларнинг бош саҳифаларини солишириш	<p>Press Display (<a href="http://www.pressdisplay.com/pressdisplay/viewer.aspx">http://www.pressdisplay.com/pressdisplay/viewer.aspx</a>) – 55 та давлатнинг 200 та газеталарининг бош саҳифалари.</p> <p>Newseum (<a href="http://www.newseum.org/todaysfrontpages/">http://www.newseum.org/todaysfrontpages/</a>) – 44 та давлатнинг 403 та кунлик янгиликларининг саҳифалари, номланишлари.</p>
Янгиликларнинг тўлиқ маълумотини топиш	<p>Yahoo News (<a href="http://dailynews.yahoo.com/">http://dailynews.yahoo.com/</a>) – тартибланган чуқур ва кенг, аудио/видеолар + ҳафтада 7 кун давомий ва кунига 24 соат янгиликлар архиви + редактор танланадиган “тўлиқ маълумот”... (<a href="http://news.google.com/">http://news.google.com/</a>) - 4500 қидирув маторлари томонидан йигилган ва жамланган манбалар (таҳрирларсиз) 30 кунлик архив.</p> <p>World News Network (<a href="http://www.wn.com/">http://www.wn.com/</a>) – 500 манбадан йигилган дунё янгиликлари. Бунда ҳар бир манба, турли мавзулар, саноат, янгиликлар, ҳаво мавжлари бўйича ажратилган.</p>
Бирор-бир худуд ёки саноатда содир бўлаётган воқеалар ва янгиликлар тавғисилотини топиш	Headline Spot ( <a href="http://www.headlinespot.com/">http://www.headlinespot.com/</a> ) – Соҳа, саноат ёки худуд (кatta шаҳарлар, штатлар, давлатлар) бўйича алоқа манбаларининг танланган каталоглари.
Аниқ ва тўғри маълумотлар, қизғин мавзулар бўйича (айни вақтда ва қарама-қарши) маълумотларни топиш	<p>Hot Topics Supersites (<a href="http://infodome.sdsu.edu/research/guides/hot/supersites.shtml">http://infodome.sdsu.edu/research/guides/hot/supersites.shtml</a>) – қарама-қарши мавзулар, давлат тасарруфидаги университет кутубхоналар.</p> <p>Public Agenda Online (<a href="http://www.publicagenda.com/issues/issuehome.cfm">http://www.publicagenda.com/issues/issuehome.cfm</a>) – фактлар, тавғисилотлар, фикрлар ва таҳлиллар (фикрларни ўрганувчи ташкилотлар томонидан йигилган).</p>
Шу куннинг	Yahoo Opinion ( <a href="http://news.yahoo.com/news?tmpl=index&amp;cid=742">http://news.yahoo.com/news?tmpl=index&amp;cid=742</a> )

воқеаларига билирилган фирклар топиш	
Бошқа давлатларнинг нуқтаи-назаридан қаралган янгиликлар хақидаги маълумотларни топиш	Newspaperindex.com ( <a href="http://www.newspaperindex.com/">http://www.newspaperindex.com/</a> ) – дунё газеталарига боғланган гипербоғлиқлар мажмуаси. Search Engine Colossus ( <a href="http://www.searchenginecolossus.com/">http://www.searchenginecolossus.com/</a> ) – 198 давлат ва 61 та територия (худудлар), қидирив моторлари ва каталогларига гипербоғлиқлар. Abyz News Links ( <a href="http://www.abyznewslinks.com/index.html">http://www.abyznewslinks.com/index.html</a> ) – халқаро янгиликлар алоқа тармоқлари портали (газеталар, Интернет хизматлари, журнallар ва матбуот агентликлари).
Қомусий маълумотлар	Фактлари – давлатлар бўйича ( <a href="http://www.cia.gov/cia/publications/factbook/">http://www.cia.gov/cia/publications/factbook/</a> ) InfoNation ( <a href="http://www.cyberschoolbus.un.org/infonation/info.asp">http://www.cyberschoolbus.un.org/infonation/info.asp</a> ) – 5 тагача БМТ давлатлари маълумотларини солишириш. Wikipedia ( <a href="http://www.cyberschoolbus.un.org/infonation/info.asp">http://www.cyberschoolbus.un.org/infonation/info.asp</a> ) – Волантёрлар (кўнгилли ёрдамчилар) томонидан яратилган энциклопедия. ( <a href="http://wiki.clusty.com/">http://wiki.clusty.com/</a> ) – натижалар категорияларга ажратилган.
Статистик маълумотлар	Статистик маълумотлар акс этган веб-саҳифалар ( <a href="http://www.noodletools.com/debbie/resources/math/stats.html">http://www.noodletools.com/debbie/resources/math/stats.html</a> ).
Маълумотлар базаси натижаларидан фойдаланиш ("кўринмас тармоқ" – оддий қидирив моторлари орқали осонгина топиб бўлмайдиган маълумотлар)	Turbo10 ( <a href="http://turbo10.com/">http://turbo10.com/</a> ) – фойдаланувчи томонидан танланган тармоқларда чуқур (батафсил) қидирив олиб боради. Invisible Web ( <a href="http://www.invisible-web.net/">http://www.invisible-web.net/</a> ) – эксперtlар томонидан тартибланган юқори сифатли каталоглар.
Дастлабки манбаларни топиш	Repositories of Primary Sources ( <a href="http://www.uidaho.edu/special-collections/iil.htm">http://www.uidaho.edu/special-collections/iil.htm</a> ) – давлат, худудлар бўйича. Ready, 'Net, Go ( <a href="http://www.tulane.edu/~lmiller/ArchivesResources.html">http://www.tulane.edu/~lmiller/ArchivesResources.html</a> ) – дунё бўйлаб архивланган индекслар кўрсаткичи.
Хўжкатларни (pdf, ps, xls, ppt, rtf) форматида топиш	Google Advanced ( <a href="http://www.google.com/advanced_search">http://www.google.com/advanced_search</a> ) – турли форматдаги хўжкатларни қидиради. (Acrobat, Postscript, Word, Excel, Powerpoint, Rich Text)
Мультимедиа маҳсулотлари (расмлар, аудио, видеолар) топиш	Creative Commons search ( <a href="http://creativecommons.org/find/">http://creativecommons.org/find/</a> ) – аудиолар, тасвирлар, матнлар, видео ва бошқа форматдаги бепул маҳсулотлар. Google Image Search - 1 миллиарддан зиёд кўрсаткичлар, тасвирларни ўлчами ва тури бўйича қидириш мумкин. Бепул ва очиқ хуқуқли расмлар ( <a href="http://www.copyright-free-pictures.org.uk/">http://www.copyright-free-pictures.org.uk/</a> ) - K-12 мактаб тизими бўйича. FindSounds ( <a href="http://www.findsounds.com/types.html">http://www.findsounds.com/types.html</a> ) – овоз эфектлари, мусиқа асбоблари ва ҳайвонлар товуши бўйича маълумотлар топиш мумкин.
Бепул ёки арzon дастурларни топиш	CNET ( <a href="http://shareware.cnet.com/">http://shareware.cnet.com/</a> ) – мета қидирив моторида ҳамма бепул дастур маҳсулотлари учун фирмлар жамланган.

учун.	
Хариталар	National Geographic's MapMachine ( <a href="http://plasma.nationalgeographic.com/mapmachine/">http://plasma.nationalgeographic.com/mapmachine/</a> ) Geography Network ( <a href="http://www.geographynetwork.com/index.html">http://www.geographynetwork.com/index.html</a> ) үзгәрүчан хариталар, күчириб олиш мүмкін бўлган маълумотлар.
Ҳар хил фикрлар мажмуасини топиш учун.	A9 ( <a href="http://a9.com/">http://a9.com/</a> ) – китоблар ичидаги фикрлар (Amazon + Google). Bartleby маълумотлар базасида қидирувларни амалга ошириш учун ( <a href="http://www.bartleby.com/quotations/">http://www.bartleby.com/quotations/</a> ).
Экспертлар маслаҳатларини олиш учун.	Ask A+ Locator ( <a href="http://www.vrd.org/locator/">http://www.vrd.org/locator/</a> ) – маълумотларни (соҳа мавзуси бўйича) очиш ёки виртуал ёрдам бериш столидан юкори квалификацияли мутахассис-экспертларни қидириш. AllExperts ( <a href="http://www.allexperts.com/index.htm">http://www.allexperts.com/index.htm</a> ) - About.com ёрдамчи экспертларни топиш.
Виртуал кутубхоначи	24/7 ( <a href="http://www.247ref.org/portal/access2.cfm?lib=Public">http://www.247ref.org/portal/access2.cfm?lib=Public</a> ) – жамоат кутубхона тизимидан ёрдам олиш. Кутубхоначига савол бериш ( <a href="http://www.loc.gov/rr/askalib/">http://www.loc.gov/rr/askalib/</a> ) – Конгресскуютубхонаси эксперталари билан жонли суҳбат ёки e-mail орқали алоқа.
Танланган янги веб-сайтлар ҳақида	Scout Report ( <a href="http://scout.cs.wisc.edu/">http://scout.cs.wisc.edu/</a> ) янгиликлар веб-саҳифаларидан ҳафталик e-mail ларга обуна бўлиш. Librarians' Index to the Internet ( <a href="http://lii.org/search/file/mailinglist">http://lii.org/search/file/mailinglist</a> ) ҳафталик e-mail лар.
Болалар учун веб-сайтлар	KidsClick! ( <a href="http://sunsite.berkeley.edu/KidsClick/">http://sunsite.berkeley.edu/KidsClick/</a> ) – Кутубхоначилар томонидан танланган ва соҳалар бўйича тартиблаштирилган 600 дан зиёд юкори сифатли веб-саҳифалар. Kids Info Guides ( <a href="http://www.imcpl.org/kids/guides/index.html">http://www.imcpl.org/kids/guides/index.html</a> ) – осон йўл билан топладиган веб-саҳифалар, китоблар ва визуал маълумотлар (K-8 ўқитиш системасига тааллукли) YahooLigans! ( <a href="http://www.yahooLigans.com/">http://www.yahooLigans.com/</a> ) – хавфсизлиги таъминланган болалар саҳифалари (категорияларга жамланган ҳолатда). Ithaki ( <a href="http://kids.ithaki.net/">http://kids.ithaki.net/</a> ) – Meta – қидирув мотори (Dmoz Kids, YahooLigans, FactMonster, ArtKidsRule, AOLKids, AppuKids, Discovery School)

\*<http://www.noodletools.com/debbie/literacies/information/5locate/adviceengine.html>  
 Jan. 28, 2006.) Most content of the table is developed and put together by Noodle Tools Inc. © debbie [at] abilock [dot] com 1996-2000, Latest Revision: 01/31/06.

\* муаллиф томонидан жадвал ичига айрим кичик ўзгаришлар қўшилган, лекин бу билан жадвал маъно жиҳатидан тубдан ўзгариб кетгани йўқ.

## **4-ИЛОВА. ИНТЕРНЕТ ИБОРАЛАРИ**

### **BACK / FORWARD (Назад/Вперед)**

Күпчиллик Броузер асбоблари панелида чап томонда жойлашган тұгмалар. BACK (Назад) тұгмаси сизни бир қадам олдин күрган саҳифаныңға қайтаради. FORWARD (Вперед) эса кейинги саҳифага, яъни сизни орқага қайткан саҳифадан олдингисига қайтаради.

### **BLOG ёки WEB LOG**

Blog ("web log" нинг қисқартырған шаклы) – бу веб-саҳифаларнинг бир тури бўлиб, ҳамма учун очиқ ва ҳар бир индивидуал фойдаланувчи учун алоҳида журнал (log) вазифасини ўтайди. Одатда, улар ҳар куни янгиланади, ҳар бир муаллифнинг шахсини акс эттиради. Blog дастури ўз архивига эга ва унда қидирув олиб бориш мумкин. Кўпчиллик ҳолларда ушбу дастурлар веб-саҳифалар тўғрисида қимматли, турли соҳалардаги маълумотларни ўзида жамлайди, бироқ кўпинча маълумотлар шахсий характерга эга бўлади ва жуда эҳтиётлик билан ёндашиш талаб этади.

### **BOOKMARK/FAVORITES (Избранное)**

Bookmark – бу Netscape Броузерида ва Favorites (Избранное) Интернет Explorer Броузерида мавжуд. Бу асбобдан фойдаланишдан асосий мақсад тез-тез ташриф буюриладиган веб-саҳифалар манзилини белгилаб қўйиш, компьютер хотирасида саклаш ва кейинчалик шу саҳифани очиш учун унинг манзилини кайта клавиатурадан киритмасдан туриб, уни BOOKMARK/FAVORITES (Избранное) рўйхатидан танлаб очиш ва шу йўл билан фойдаланувчи вақтини ҳамда меҳнатини тежаш. Бу саклаб кўйилган BOOKMARK/FAVORITES (Избранное)ларни бир компьютердан бошқа компьютерга кўчириб ўтказиш мумкин.

### **BOOLEAN LOGIC**

Қидираплаётган сўзларнинг турли комбинацияларини ҳосил қилиш учун кўлланладиган мантикий операторлар - "AND"(ва), "OR"(ёки), "NOT"(йўк), "NEAR"(яқин) ва "AND NOT"(ва йўк). "OR"(ёки) иккала қидираплаётган сўзлар бўйича қидирув ўтказиш учун "AND"(ва) ҳамма қидирув сўзлари бўйича биргалиқда мавжуд бўлган манбаларни қидириш учун "NOT" ва "AND NOT" операторлари танланган терминлар қатнашмаган манбаларни топиш учун хизмат қиласди.

### **BROWSE**

Бирор веб-саҳифадаги гипербоғлиқларни очиб кўриш ҳамда маълумотлар билан танишиш ва уларни ўрганиш жараёни. Бирор веб-саҳифада уни амалга ошириш шу саҳифани ёки бирор маълумотни қидириш амалига тескари амал деб тушуниш мумкин, яъни калитли сўзларни бирор веб-сайт ёки саҳифа дарчаларига киритиш керак бўлади. Бироқ "browse" амали орқали эса аксинча, шу сайт ёки саҳифадаги қайси сўзлар керакли маълумотларни ўзида мужассам этганлигини топиш керак бўлади. Шунинг учун маълумотларни топишда қидирув ўтказиш "browse" амалига нисбатан кулайроқ ҳисобланади.

### **BROWSERS**

Броузер деб маҳсус WWW ҳужожатларини фойдаланувчи учун тушунарли ҳолатда экранда намойиш этувчи дастурларга айтилади. Ушбу дастурлар HTML-кодда ёзилган веб-саҳифаларни матн, расм, графиклар, овозлар ва бошқа кўринишларга ўтириб беради. Броузер дастурлари сифатида Microsoft Internet Explorer (IE деб ҳам аталади), Netscape, Mosaic, Macweb, ва Netcruiser каби дастурларни келтириш мумкин. Ушбу дастурлардан фойдаланиш учун уларни аввало компьютерга ўрнатиш лозим.

## CACHE

Броузерда "cache" тушунчаси мавжуд. Cache компьютер хотираси ҳисобланиб, у ташриф буюрилган веб-саҳифа нусхасини ўзида сақлаш учун хизмат қилади. Веб-саҳифаларни кўриш жараёнида броузер дастури тақланган веб-саҳифани нусхасини аввало "cache"да сақлади. Маълумотларни "cache" дан олиб ишлатиш анча вақтни тежашга олиб келади.

## CACHED LINK

Google, Yahoo! Search қидирав моторлари ҳамда бошқа қидирав тизимлари натижаларида, одатда "Cached link", яъни қидирав моторлари базасида сақланган гипербоғлиқларни натижа сифатида акс этишга хизмат қилади. Қидирав мотори охирги марта WWW тармогида қидирав ўтказганида гипербоғлиқларни орқали маълум веб-саҳифани ўз хотирасида сақлаб қолади. Ушбу сақланган маълумотлар "cached link" ни ташкил этади.

## CASE SENSITIVE (бош ёки кичик ҳарф)

Қидиришда регистрни бош ёки кичик ҳарфлигини ҳисобга олиш учун кўлланади. Бироқ кўпчилик қидирав моторлари сўзларнинг бош ёки кичик ҳарфларда ёзилгандигига эътибор қилмайди, лекин доимо калитли сўзларни кичик ҳарфларда киритиш мақсадга мувофиқдир.

## CGI

"Common Gateway Interface"- (Умумий кириш интерфейси) асосий веб-дастурларининг фойдаланувчилар билан ўзаро динамик алоқасини таъминлашга хизмат қилади. Кўплаб қидирав моторлари ва бошқа дастурларда фойдаланувчи киритган калитли сўзлари асосида "CGI"га асосланиб, топилган манбаларнинг таркибини соддалаштиради ва JAVA, JAVASCRIPT ёки бошқа дастур тилига ўтказиб бўлгач, натижани HTML ёрдамида фойдаланувчига курсатади.

## COOKIE

Веб-сервер компьютеридан келадиган ва фойдаланувчи компьютерида Интернет Броузери ёрдамида сақланадиган маълумот cookie ("ширинлик ёки конфет"деган маънода) деб аталади. Фойдаланувчи компьютери асосий веб-сервер компьютерига мурожат этганда, cookie қайтадан серверга жўнатилади. Серевер унга жавоб беради. "Cookie"лардан фойдаланишдан мақсад фойдаланувчи талаблари ва қизиқишлари асосида веб-саҳифалар намойишини ташкил этиш. Агарда фойдаланувчи маҳсус веб-саҳифа таклиф этган шакни ўз шахсий маълумотлари билан тўлдирса, ушбу фойдаланувчи компьютердаги "cookie" худди шу веб-саҳифа фойдаланувчини билгандек ёки тушунгандек хизмат курсатади. Баъзан қайта шу каби саҳифаларга ташриф буюрилса, шахсий маълумотларни шаклидаги позицияларини тўлдириш соддалашибиши ҳам мумкин. Бу қулайликни айнан "cookie"лар яратади.

**DNS** Domain Name System. Интернет номларини уларнинг тақоррланмас Интернет сонлари кўринишига ўтказиш тизими.

## DOMAIN, TOP LEVEL DOMAIN (TLD)

Иерархик тузилиши асосида мантикий ва баъзан географик жиҳатдан веб-саҳифанинг тармоқда нисбатан боғлиқларни кўрсатувчи фактор - DOMAIN, TOP LEVEL DOMAIN (TLD). АҚШда асосий доменлар – .edu (education-маориф), .gov (government- давлат), .net (network-тармоқ), .com (commercial-савдо-сотиқ), .org (но тижорат ва илмий ташкилотлар) кабилардир. АҚШдан ташқарида учрайдиган доменлар асосан давлатлар номини англатади, яъни .uz (Ўзбекистон), .jp (Япония), .uk (Буюк Британия), .de (Германия), .au (Австралия), .it (Италия) ва ҳ.к.

## **DOWNLOAD**

DOWNLOAD бу бирор-бир маълумотнинг нусхасини (масалан, веб-саҳифа маълумотларини улар жойлашган сервердан) бошқа жойга, мисол учун дискетага, компьютер хотирасига олишдир.

## **XTENSION ёки FILE EXTENSION**

